



Шарофат АШУРОВА

МАЪНАВИЯТ ЭҲТИЁЖИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг саккизинчи йилида яшамокдамиз. Бу билан ҳар бир қалбада миллий ғурури мавжуд инсон фахрланади, юртимиз иқтисодиёти, илм-фанига ҳисса қўшмоқни ўзининг шарафли бурчи деб билади. Бу қисқа даврда мақтангулик муваффақиятларга эришганимиз ҳам сир эмас. Айниқса давлат қурилиши, қонунчилик борасида, миллий дунёқарашни шакллантиришда, халқ хўжали-гининг структурасини ўзгартиришда, маънавий кадрларни тиклаш, дунё ҳамжамиятидаги эътиборнинг ошиб боришида, давлатимизнинг тан олиниши каби жабҳаларда мисли қўрилмаган ютуқларга эришдик десак ҳато бўлмайди. Қисқа муддат ичида босиб ўтилган муваффақиятларни бир неча ўн йилликлар билан ўлчаш мумкин десак адашмаган бўламиз. Буни шу миллат вакили, ижодкори сифатидагина эмас, балки ҳорижлик нуфузли давлат арбобларининг эътирофидан ҳам билса бўлади. Айниқса, кишиларимиз дунёқараш, психологиясидаги боқимандалик, кўркўв, ҳадиксираш, журъатсизлик, буйруқ кутишлик, ўзини кичик одам деб билиш каби кайфиятлар аста-секинлик билан ариди. Халқ бугун ўзини юртнинг эгасиман, ривожланган мамлакатларга тенглашишимиз, улардан ўзиб кетиши-миз лозим, биз буюк маънавият сарчашмасини яратган инсонларнинг авлодларимиз деб ҳисоблаётми. Бу қарашларни, онгнинг эркин фикрлаш, ғурурланиш ҳиссини чинакамига Истиклол берди. Мустақилликнинг ҳар бир қадами халқимизга қутлуғ келгани рост бўлсин!

Бугунни илгариги кунлар билан тенглаштириб бўлмайди. Мустақилликнинг етмиш йили давомида биз бир қадам олға, икки қадам орқага қўйганимизни аллақачон англаб етганмиз. Биз энди, шоиримиз таъбири билан айтганда, «тилла балиқча» эмасмиз. Икки қадам у ёқда турсин, бир қадам ҳам ортга кетишга ҳаққимиз йўқ. Чунки биз истибдодга занжирбанд этилган йилларда дунё халқлари олға кетиб, биздан анча ўзиб кетишган. Дунё илм-фани тараққиётига қисқа даврда етиб олишга, уларга тенглашишга

ҳаракат қилишимиз лозим. Чунки халқимизда маънавий пойдевор мавжуд. Дунёнинг ривожланиш асосларини ўрганганимиз сари бу ютуқларда қадим аجدодларимизнинг ҳиссасини англаб, ғуруримиз, фахримиз ортиб бормокда. Дунёнинг яралиши, пайдо бўлиши, ердан коинотгача ўлчаётгани, уларнинг ҳаракатини, қонуниятларини яратган бобокolonларимиз шундай шуқуҳли кунларда бизни суяб, қаддимизни тик қилиб қўяётганидан фахрланамиз.

Кўп бўлгани йўқ, юртимизда улуғ олим, ҳадисшунос бобокolonимиз Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллигини тантанали нишонладик, ўрта асрлар жаҳон илм-фани асосчиларидан бири, астроном, қомусчи олим Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги каби улуғ саналарда бутун дунё ҳамжамиятидан вакиллар, олимлар иштирок этиб, шундай улуғ халқ аждодлари эканимизни тан олдилар. Оққан дарё оқмасдан қолмайди. Бобокolonларимизни ёд этиш, уларнинг номларини кўтариб чиқиш ҳам ўз руҳиятимизни кўтариш учун керак. Қолаверса, ўша бобокolonларимиз боис, қадим миллат, халқ эканимизни дунё англамокда.

Халқимиз, айниқса ёшларимиз мудом янгиликка интилади. Шу боисдан ҳам асрлар давомида қилинмаган улкан ўзгаришлар қисқа фурсатларда амалга ошмокда.

Янгиликка интилиш яхши нарса, аммо айрим ҳолларда янгилик деб миллатимиз шаънига тўғри келмайдиган салбий ҳолатлар ҳам ҳаётимизга кириб қолмокда. Мисол учун, Нишон туманида яшовчи Нуралиева Олмаҳон ишратхона очиб, Баҳор Дулманова эса Қарши шаҳридаги 8-мактаб ўқувчиси Рустамни ўғирлаб пул ишламокчи бўлганлар. Иккиси ҳам бугунги кунда жазосини ўтаяпти. Иккиси ҳам аёл, тарбиячи. Самарқандлик Хурсанд Қодирова эса Душанбедан гиёҳвандлик воситаси олиб келаётганида вилоятимизнинг Дехқонобод тумани Чакчак довомида ҳуқуқ ходимлари томонидан қўлга олиниб, 12 йил озоқликдан маҳрум этилди.

Тадбиркорликни қай йўл билан бўлсада, пул топиш манбаи деб билиш эса ўта маънавиятсизликдир. Ростакамига

Собир ЎНАР

ҲАМ ЭЪТИРОФ, ҲАМ ТАФАККУР, ҲАМ ДАЪВАТ

Н. Жўраевнинг «Агар огоҳ сен...» асарининг янги нашини ўқиб

Одам боласининг феъли аён: ўзининг фожеаси ёхуд жуда бўлмаса ўзининг ноқобиллигини бошқаларда ҳам кўришни истайди, кўриб қолса кўнгли ёришади. Қизиғи шундаки, бу атвор бутун-бутун мамлакатларга ҳам хос. Ҳеч бўлмаганда тинчгина яшаётган кўшнисининг китик патига тегиб қўйгиси келади ҳар замон...

Етти йил бадалида собиқ иттифоқ давлатлари ичида қай бири қоматини адл тутиб олаёттир, қай бири ўз ёғига ўзи қовриляпти - бугун бу барчанинг кўз ўнгида рўй бераётган мураккаб ва айни пайтда ўта масъулиятли жараён. Чунки эртамиз бугун қандай қадам олишимизга жуда-жуда боғлиқ. Шукурлар дейликким, Оллоҳ бу борада Ўзбекистоннинг раҳбарини ҳам, халқини ҳам пешонасидан силади, белини маҳкам қилди.

Леонид Левитан «Ислом Қаримов - янги Ўзбекистон Президенти» китобида мустиқиллигимизнинг дастлабки йиллари хусусида фикр юритаркан, ёзади: «Яқин ва узок чет элдаги кузатувчилар воқеалар ривожининг кескинлашувини башорат қилишарди. Мана, ўша пайтлардаги Москва нашрларидаги мақолаларнинг номлари: «Ўзиб қўйилган вагон», «Ўзбекистон - эриб кетган самовар», «Ўзбекистон - нонсиз ўлка», «Қуёш ботиши олдидан»... Ғарб сиёсатдонларининг хулосалари эса ундан ҳам баттар эди... Хайриятки, Россиядаги ва бошқа мамлакатлардаги журналист ва сиёсатчиларнинг Ўзбекистондаги сиёсий ҳаётнинг фожиавий ривож топиши тўғрисидаги (тожик вариантига ўхшаш) тахминлари пуч бўлиб чиқди. Пуч бўлиб чиқшининг сабаби эса, ўша кезде давлат тепасига Ислом Қаримов келганди.

Мен бунга аминман ва бу ишонччи ҳеч ким сўндирилмайди, чунки у фактларга асосланган».

Айни ўша пайтда устимиздан баралла кулиб, бошимизга эрта бир кун келадиган «кулфат»дан мароқланиб башорат этаётган эски «оға»ларимиз бугун ўзларининг каттақон гавдаларини қандоқ эплаб бошқаришни билмай гаранг бўлиб ётишибди. Лекин биз ўша пайтда ундоқ деган эдинглар, деб бетгаочпарлик ҳам қилмаймиз, уларнинг ўзларига ўхшаб чапак чалиб масҳара қилмаймиз. Ўзбекнинг кенг феълига бачкана қилиқ сиғмайди. Халқимиз кекқайишни азалдан хушламайди.

Жаноб Б. Ельциннинг бултур мамлакатимизга уюштирган расмий давлат ташрифи чоғида кўп томонлама ўзаро алоқалар тўғрисида давлатларимиз ўртасида расмий ҳужжатлар дунё кўз ўнгида имзолангани, кўзимиз ҳам, йўлимиз ҳам тўғрилигини,

ишбилармон тадбиркорлар учун кенг йў. очилган. Бироқ аёл боши билан узоқ жойлардан юртимизга ажал уруғини олиб келаётганларга ҳеч қачон шафқат бўлмайди. Меҳнат қилмай, захмат чекмай мўмай даромад кўзлашнинг ўзи жиноят. Бундай кимсалардан халқимиз барча замонларда нафратланган. Қаранг, 19 йил озодликдан маҳрум этилган Хурсанд Қодирова 3 кило-ю, 285 грамм «опий» гиёҳвандлик моддасини лимон яшигида яшириб ўтмоқчи бўлган. Бу захри қотил қанчадан-қанча ёшлар, юртдошларимизни йўлдан оздирарди, умрига завоқ бўларди.

Маънавий қиёфасида ночорлик, бўшлиқ бўлган бир тоифа кимсалар ишбилармонликнинг яна бир тури билан шуғулланадилар. У ҳам бўлса - ёт ғояларни тарғиб қилувчи китобларни тарқатиш, турли диний оқимларга тарғиб қилиш. Бу йўлдан маблағини аямаётган, бепул қўлланмалар билан ўз ғояларига асосан ёшларни эргаштиришга уринаётган зотлар ҳаётимизда учраб турибди. Бугун дўконларда китобларнинг камлиги, борларининг нархи юқорилиги, сифати пастлиги, кутубхоналардаги китобларнинг талабга жавоб бераётгани, мустиқиллик йилларида чоп этилган китоблар баъзи хонадонларга етиб бормаётгани бу кимсаларга қўл келмоқда. Натижада бепул тутқазиб кетилаётган диний мафкуравий китоблар баъзи хонадонларда пайдо бўлиб қоляпти. Чиройли, нафис ишланган бу китоблар ҳатто катталарнинг ҳам ақлини ўғирлаган ҳоллари кузатиляпти. «Қашқадарё» газетасида чоп этилган «Алишернинг фожеаси» мақоласи кўпчилиқнинг эътиборини тортди. Қарши шаҳридаги Механизатор кўрғонида истиқомат қилувчи ёш Алишер Бузруков зиёли оилада вояга етган, аммо бузук ғоялар яширинган китобларга эргашиб, диний оқимларнинг бирига адашиб кириб қолган. Ниҳоят у сароб ғояга эргашганини англайди ва ўзини поезд тагига ташлайди. Китобдаги яширин ғоялар қурол билан амалга ошмаган ёвузликларни содир этиши, ёш авлоднинг онгини захарлаш оқибатида мисли кўрилмаган кулфатлар келтириши мумкин. Буни ҳар бир инсон, айниқса маънавийатли ёшлар теран ҳис этиши лозим.

Маънавият - эҳтиёж! Биз овқат ейиш, кийим кийиш, озодликда яшаш, фарзандлар бахтини кўришга қанчалиқ эҳтиёжманд бўлсак, маънавий дунёқарашимизни бойитишга ҳам шундай эҳтиёжманд бўлишимиз керак.

Шундагина жамиятимизда биз истаган эврилишлар амалга ошади. Шундагина биз ҳақиқий ҳуқуқий-демократик жамиятда яшаймиз. Шундагина ёшлар Ватан даъватига «лаббай!» деб жавоб бера оладиган ижтимоий кучга айланажак.

керак бўлса эски «ога» янги ҳамкоридан уялмай йўл-йўриқ ва маслаҳат олаверса бўлишини кўрсатди. Бу икки томоннинг ҳам пиروвард мақсад-манфаатларига мос келгани учун ҳеч кимга малол келмайди.

Кишилиқ жамияти тарихида ҳалигача бирор халқнинг озодлигини бошқа бир халқ таъминлагани ёки бошдан охир беминнат юқини енгиллатиб бергани ҳақида ёзилмаган. Шунинг учун Президентимиз тарихга муносабат масаласида бу нарсани бот-бот таъкидлади. Абу Наср Форобийнинг фикрлари бу тасавурни тагин ҳам мустаҳкамлайди: «Ҳар бир халқнинг ёки ҳар бир шаҳар аҳолисининг нарса-ҳодисаларга доир тасавурлари ўзларига таниш тасавурлардир. Айрим халқларнинг муайян хилқат ҳақидаги энг машҳур (кенг тарқалган) тасавурларда ҳам озми-кўпми тафовут, фарқлар бор. Чунки ҳар бир халқ ўша нарса, ҳодисани ўзича англаб, ўзи акс эттиради».

Президент «ўзига хос, ўзига мос» деган чиройли сўзни айнан ўз миллатимизга нисбатан ишлатади. Форобий ҳам айнан шунга ургу берган. Шу туфайли ҳам мамлакатимиз тараққиётининг ўзига хос йўллари ишлаб чиқилди ва ишланапти. Баралла айтиш жоизки, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан то бугунгача бўлган энг улкан ўзгаришларнинг йўриқчиси ва бош раҳбари бўлиб Ислоҳ Қаримов турибди! Ичингда ҳам, дашингда ҳам таҳсинлар айтгинг келади, ҳайратланасан киши.

Ахир, салкам саккиз йил давомида неча қийин ва ечилиши беҳад мураккаб муаммоларга дуч келинган. Уларни фақат билак кучи ёки фақат ирода билангина енгиб бўлмасди, Оллоҳ берган ақду заковат, сиёсатдонлик ва айди замонда тенгсиз шижоат ва ғайрат ҳам зарур эди. Пешонамиз ярқироклиги, яъни Парвардигорнинг қўллагани шу бўлдики, бошимизга шундай фазилатли инсонни раҳбар қилиб қўйди! Халқимизнинг бахти бор экан.

Ўша алғов-далғов даврлар ўтиб, мамлакат барча соҳаларда маълум ўзганга тушиб, ўз сиёсатини дадил давом эттира бошлади. Мана шуларни ўйлаб бир-бир фикр чиғиригидан ўтказиб кўрсангиз, етти-саккиз йил ҳам оз муддат эмаслиги аён бўлиб қолади. Мундоқ нафасни ростилаб 7 йилдан берисинигина фикр қилиб кўрсангиз, нақадар катта тарихий бурилишлар даври бўлганини ҳис этиш қийин эмас. Халқимизнинг моддий фаровонлигини оширишга қанчалик куч сарфланаётган, эътибор қаратилаётган бўлса, маънавиятимизнинг юксалиши йўлида эҳтимол, бундан ҳам кўпроқ ғайрат сарфланаёттир. Шаҳарлар, айниқса Тошкентнинг киёфаси таниб бўлмас даражада жилоланди, кескин ўзгарди. Имом ал-Бухорийнинг масжид-мажмуи, Аҳмад ал-Фарғонийнинг ёдгорлиги, маҳобати, гўзал ва бежирим майдонлар, шундоқ кўз ўнгимизда рўй бераётган бунёдкорлик ишлари - ҳайрат бармоғингизни тишлайсиз беихтиёр. Хориждан келган кўпдан-кўп меҳмонларнинг чин дилдан айтаётган самимий сўзлари, қойил бўлишайётгани, халқимизга, аввало юртбошимизга ўқиётган тасаннолари беихтиёр ифтихор туйғуларини кўзғатади одамнинг.

Мен юқорида қайд қилаётган гаплар янгилик эмас, албатта. Кундалиқ матбуот саҳифаларида бот-бот айтилаёттир улар.

Бир нарсага эътибор қаратмоқчиман.

Тилининг турли услублари бор: бадий тил, илмий тил, оғзаки, ёзма, расмий, публицистик тил ва ҳоказо. Шуларнинг ичида ўзбек бадий тили бекиёс тараққий этган, кўп халқлар етиб олиши мумкин бўлмаган даражада шаклланиб улгурган. Мумтоз адабиётимизнинг, унинг бирорта намунасини ёдга олишнинг ўзиёқ бунга кифоя қилади.

Аммо расмий тил... Ўзбек расмий тили йўқ эди демоқчи эмасман. Очик тан олиш керакки, шўро замонидан биз бир амаллаб ўрисчадан ўзбекчага ўгирган расмий тилимиз бор эди, ҳолос.

Темур - ва бошқа шоҳлар замонидан сарой тили мавжуд бўлган. Аммо уни бугунги илм, фан, техника, қолаверса, ўта ахборот тизими кучайган замонга мослаштириб бўлармикин?

Шу маънода айтмоқчиманки, ўзбек расмий тили мустақиллигимиздан сўнг жуда самарали шаклланди.

Президентимизнинг дастлабки нутқлари, расмий давлат ҳужжатлари, қатор қонун, хусусан Конституциямиз ва қарорлар матнига эътибор қилиб кўринг. Улар ва ундан сўнг Президентимизнинг кетма-кет чоп этилган асарлари ўзбек расмий тилининг ҳозирги даражада шаклланишига асосий сабаб бўлди, десак, бирор кишида эътироз тугилмаса керак. Дарҳақиқат шундай.

Албатта, давлат раҳбари ҳар бир нарсада ўзи ташаббускор ва ўзи ибрат бўлиши қойил қоладиган жиҳат. Айтмоқчиманки, замонавий ўзбек расмий тилининг шаклланиш ташаббускори ҳам

шахсан Президентимизнинг ўзи бўлди. Тўғри, бу ҳақда, яъни расмий тилимизни янада бойитиш, такомиллаштириш хусусида алоҳида ҳужжат қабул қилинган йўқ. Аммо амалиётда шу нарса ривожланди.

Спортчи энг катта мусобақаларга тайёрланиш асносида ўзига унчалик сезилмаётган чиниқиш жараёнига ўхшаб, бир қарашда унча сезилмайдиган, эътиборни тортмайдиган ҳодиса бу.

Юқоридаги барча фикрлар таникли журналист ва арбоб Нарзулла Жўраевнинг «Агар огоҳ сен...» асарининг янги нашрини мутоала қилиш жараёнида тугилди.

Авалли нашр тагин ҳам тўлдирилган янги маълумотлар ва фотосуратлар билан бойитилган. Бугунги ва кечаги кунимизнинг мазмунини, Президент ҳамда давлат сиёсатини, йўригини, бу борадаги мураккаб кечинмаларни англаб бориш маъносидан «Агар огоҳ сен...» иш столимизга қўйиб доимий фойдаланадиган қўлланма бўлишга муносиб асар.

Асар ҳақида кўп мақолалар чоп этилди, учрашув ва анжуманлар ўтказилди. Уларда турли яхши фикрлар билдирилди. Аммо шуни ҳам қайд этиш жоизки, мазкур асар ҳам публицистик ва расмий тилимизнинг тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.



ОСМОН РАНГ ХОНА

Ҳикоялар

Файрат
САЙДУЛЛАЕВ

ДАРАХТ

Кўзимни очдим у япроқлар орасидан сизиб тушаётган қуёш нурларини кўрдим. Кўз олдим жимирлаб қолди. Аввал япроқлар, сўнг дарахт тиниқлашди ва мен мана шу дарахт соясида ётганимни англадим. Рухим сархуш, қувончим чексиз эди. Мени майсалар кўтариб турарди. Қулогим остида майин, шитирлаган овоз руҳимга сеҳрли қўнғироқчаларнинг жаранги каби таъсир қилар эди. Теварагимда капалаклар учиб юргангани хис қилдим. Туновин амакиваччам икковимиз уларни ушлаймиз деб қанчалар овора бўлдик-а. Кулгим қистади: амакиваччам капалак кетидан қуваман деб сув оқаётган ариққа тушиб кетганди.

Юрагим ҳисларга кўмилиб турарди. Қўшиқ билмайдиган, тортинчоқ ва камгап бола (тоғам менга шундай дакки берарди!) шу маҳал овозимни баралла қўйиб қўшиқ айтгим келарди. Жиндаккина ўзимга ҳайрон бўлдим, жилмайиб қўйдим

Осмон тиниқ эди. Унда-мунда пахта толаларидек сочилган опшоқ булутларни айтмаса, осмонни биргина қуёшнинг ўзи эгаллаб турарди. Мен осмоннинг ҳақиқатдан охири йўқ бўлса (отамнинг тушунтириши!), қандай қилиб кўк рангда кўринишини ҳечам англаб етолмасдим. Мен тушунмайдиган нарсалар кўп эди. Аммо ҳадеб сўрайвергим келмасди. Кўп эзмаланаверсам, катталарнинг тез жонига тегишимни билардим. Тўғрироғи, акам «кўп галча бўлма!» деб уришиб ташлаганидан кейин англаганман буни. Сирли нарса онгимда сирлилигича қолар, баъзан ўзим ўша тилсимларни ечишга тиришар эдим. Бу менда ғалати завқ уйғотарди. «Нега осмонга чиқиб бўлмайди?» ўйлардим мен.

«Чунки, унинг дарахтниқидек шохлари йўқ, ўзи эса жуда катта. Фақат учиб чиқса бўлади. Мен эса учолмайман». Бу жавобим ўзимга ҳам маъқул келганидан яна жилмайиб-жилмайиб кўярдим.

Кимдир томоқ қириб йўталди. Бошимни кўтариб қарадим. Ариқ ёнидаги йўлакчадан қари бир киши ўтиб кетарди. Қўлида ҳассасиям бор. Мени кўрмади. Ариқ эса дарахтдан йигирма метрча нарида эди. У киши яқинда қазо қилган бобомга ўхшаркан. Айтганча, мана шу дарахтним ўша бобом эккан. Тирик бўлганида эди, ҳадемай пишадиган мевасини еган бўларди. Ўрикларни ўзим териб тушган, ўзим ювиб, ўзим қўлига берган бўлар эдим...

Мен мириқиб керишдим. Оёғимда ўрмалаётган қумурсқаларни тушириб ташладим. Қўлимни кўйлагим тагига тикиб бироз қашиндим. Кўйлагимнинг орқа томонига майса ранги униқиб қолибди. Энамдан яна койиш эшитадиган бўлдим-да. Қоқиўтнинг ҳали ҳам димоғимда турган ҳиди мени яна ётишга ундарди. Телевизор, кўчадаги ўйинлар, тоғамлар ва аммамларнинг эркалашлари нега тез жонимга тегади-ю, нега шу жойга ётиб, шу дарахтга чиқиб юрсам, ҳеч зерикмайман - бундан ажабланмас эдим. Ҳатто бу ҳақда ўйламасдим. Ҳарқалай, кўчадаги «чиллак» ўйини билан дарахтда, у шохдан бу шохга ўтиб юришим ўртасидаги тафовутни ҳис қилардим ва менга дарахтга чиқишлар қадрлироқ, қизиқарлироқ туюларди. Ҳар доимгидек, уйимиз томондан энамнинг овози эшитилди. Қаердалигимни билади, овқат тайёр бўлиши билан чақиради. Баъзан койиб ҳам кўяди: «Ҳа, ер ютгур-а! Мунча шу дарахтга ёпишмасанг, мана, кўча бор-ку, болам?»...

Ўрик дарахти ҳовлимиз тўрида салобат ташлаб турарди. Олдига йўнгичқазор ёқалаб борардим. Кўпинча амакиваччам иккимиз бўлардик. Бундай пайтда мен ошхонадан озгина туз олиб чиқар, у эса ҳали қотмаган отқулоқлардан териб келар эди. Биз дарахт тагида ястаниб олиб, отқулоқларни тузга теккизиб-теккизиб еяр эдик. То тўйгунча отқулоқ чайнагач, қўлларимни ёстиқ қилганимча осмонга тикилиб ётардим. Дарахтнинг танаси, шохлари, майин шамолда қимирлаб турган барглари ва уларнинг орқасидаги мовийлик мени ҳаяжонга соларди. Бир куни отам уйимизни оҳаклаётганда «битта хонамизни осмон рангга бўянг, ота!» деб бироз хархаша қилганман. Отам менга ҳайрон бўлиб

қараган, сўнг энамга юзланиб «бу кичкинанти нима бўлган, ҳадеб бир осмон дейди, бир дарахт дейди?» деган эди. Ниятим ушалмади, барибир. Кейинчалик шуни эслаб қулиб кўядиган бўлдим.

Ишхонадаги столим устида биттагина сурат бор: фақат дарахт ва осмон акс этган. Бир сафар суратга узоқ тикилиб қолиб, бошлигим кириб келганини ҳам сезмай қолибман...

Кейин дарахтга чиқар эдик. Амакиваччам ён тарафдаги йўгон шохга ўтириб олар, мен тирмашиб турган шохларга чиққиси келмасди. Мен доимо баланд шохларда юрардим. Ўрнашиб олгач, пастроқ шохда ўтирган амакиваччамга «ҳей, сен баландми, мен баланд? Мени қара, энг учига чиқдим, осмонга етаёздим» дердим. У менинг гапларимга кўпам эътибор бермас, қўл етгулик шохчалардан довуччаларни узарди-да, карсиллатиб ея бошларди. «Шунча дўнгга чиқиб нима қиласан, - дер у, - яна ерга тушасан-ку? Барибир осмонга учиб кетолмайсан. Сенданам мен зўр ўтирибман. Тушиб кетсамам, унча оғримайди».

Ўша йили амакиваччам мактабга борди. Унинг мендан бир ёш катта эканлигини ўшанда билгандим. Отамга «мен ҳам мактабга бораман» деб йиғлаганларим энди галати туюлади. «Келаси йил борасан, ўғлим, ҳали кичкинасан», деса ҳам уйда чинакамига жанжал кўтарган эдим.

Куз кириб дарахт япроқлари саргайиб қолди. Унинг олига бормаи кўйдим. Қишда ўлгудай зерикиб кетдим. Мен мактабга ошиқар эдим. Аммо... кўлимга дафтар-қалам олганимдан сўнг, назаримда, вақт жуда тез ўтди. Уч-тўрт йил дарахтга чиқиб тушиш, унинг тагида ётиш одатимни ташлолмадим. Амакиваччам фақат ўрик егани чиқарди, холос. Биз капалак ҳам тутмай кўйгандик. Отам менга уй ишларини буюрадиган бўлди. Нимадандир узоқлашиб бораётганимни ҳис қилардим. Бир томондан... тезроқ катта бўлгим келарди. Ахийри, қоқиўтнинг ҳиди ҳам у қадар жозибали туюлмаи қолди.

Иш столимга ўтириб бир зум суратга тикилиб қоламан ва бирдан юрагимда аланималар уйғониб кетади. Юрагимда соф, қадрдон ҳислар мавж уради. Лаҳза ўтмай, яна қаёққадир йўқолади. Шаҳарлик ҳамкасб жўрамни амакиваччамга таништираётганимда ҳам юаргим бир ҳиприқиб кетганди. У эшакдан тушиб биз билан қўл

бериб саломлашди. Биз эса галстукда эдик. «Ке, чой ичамиз... тўртта ҳангома» деб қўйдим. «Майли кечқурун ўтарман, ҳозир бугдой ўргани кетаяпман» деди у.

Жўрамни меҳмон қилдим. Овқат еб бўлиб сигарет чеккани ташқарига чиққанимизда уни беихтиёр ҳовли тўрига бошладим. Энди йўнгичқазор ўрнига маккажўхори экилган эди. Жўрам нима учун бу томонга юрганимизни тушунмади. «Бирор нимани кўрсатмоқчимисиз?» деб сўради у. Қисқа жимликдан сўнг, «ҳа, шу... биласизми, шу ариқ илгари катта эди-да, ҳозир қаранг, ичи тўлиб, ўт босиб ётибди» дедим. Жўрам менга ажабсиниб қаради. Мен эса дилимдагини айтолмадим. Айтмоқчи бўлганим бошқа эди. «Дўстим, мана шу тўнка ўрнида бир пайтлар катта дарахт бўларди. Гўнг уюб қўйилган мана бу жойда бир пайтлар мен дарахтга, осмонга тикилиб ётар эдим» дегим келарди унга.

О Қ Ш О М

У эшакни бир ниқтаб қўйди-да, орқасига қаради. Қишлоқ уйкуда эди. Қорайиб турган уйлар томондан отларнинг ҳуриши эшитиларди. Димоғига чанг урилди. Эшак тезлашди.

- Яхшироқ ўтир, - деди у укасига.

Бир томонга оғиб-бораётган укаси бир қимирлаб ўнглиниб олди. Бир қўлида нон солинган тугунчани ушлаганича, иккинчи қўли билан акасининг белидан маҳкамроқ кучди.

Йўл ёқасидан оқаётган сув, чигирткалар оқшом куйини чалишарди. Ён тарафдаги тутзор қорайиб турар, олдиндаги тупроқ йўл эса кундузгидек аниқ кўринарди. Ҳар ҳолда, бу ойдинликда, кетмон чопиш мумкин эди.

Боягина уйдан чиқишда кўзларини уйку босаётганди. Беданасига тори бергач, телевозирга ҳам қарамай, даҳлизда узала тушиб ётганди. Кейин электр узилди. Чироқ ёқишди. Мультфильмнинг зўр жойида ток узилиб қолганидан олти яшар укасининг алами келди. Отасидан «нимага ўчиришади?» деб сўраб, сал бўлмаса, йиғлаб юборай деди. Отаси бир жеркиб берганди, укаси мум тишлаб қолди. Сўнг, уни чақирди. Анчадан бери сувсиз ётган ўн беш қатор картошка шу оқшом сугорилмаса, кундуз сув олиб бўлмаслигини айтди. Шу пайтда даштга чиқиш ёқмасди. Аммо отасига буни айтолмасди. Эшакни эгарлаётганида, кайфияти бузилиб

тумшайиб қолган укаси «менам борай» деб қолди. Энаси уни койиб берди.

- Даштда нима бор сенга?! Ҳамма эсли болалар ҳозир кўрпага кирип ухлашаяпти.

- Майли, боравурсин, - деди отаси, - Анови эски чопонди бер. Шуйтиб аста-аста даштга ўрганади-да...

Энди баданига салқин ҳаво теккан, сергак эди. Нигоҳини ердан узмаскан, илонлар ҳақида ўйларди. Қўққисдан олдиан чиқиб қолса-я!

- Бугун нимага юдузлар кам? - сўради укаси.

- Ой чиққан, кўрмаяпсанма? Тўлин ой.

- Ой чиқса, юдузлар камаядима?

- Ҳм-м...

Укаси жимиб қолди. Эшак бўғиқ овоз чиқариб пишқириб-пишқириб борарди. Узоқдан мотоцикл овози эшитилди. Чироғи йўқ экан, тарилаганича қаршисидан ўтиб кетди. Чангга қолишди. У ичида сўкинди: «... секинроқ ҳайдаса бўлади-ку!»

Узумзорга етгунича укаси гапирмади. У эшакни чап тарафга бурди. Тўхтатди.

- Э, бу ер токзор-ку?! - ҳайрон бўлди укаси. - Картишка қаерда?

- Картишка пуштага экилган. Бўлди, туш.

У эшакни етаклаб, қозикни чеккароққа, қаттиқроқ ерга қокди.

- Қайсиси бизардики? - ҳам тугунча, ҳам каттакон чопонни ушлаб тураркан, укаси болаларча қизиқиш билан сўрарди.

- Манови бешта пушта.

- Энди шуларга сув қўямизма?

- Ҳм, Туйунди бер, манови ерда турсин.

У эгар тагидан кетмонни суғуриб олди.

- Кетдик.

- Қаёққа?

- Сув опкеламиз.

Ариқ бошигача сўқмоқчадан кетишди. Кетгунича укаси кўп нарсаларни сўраб ташлади. У «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб қайтарар, миясини эса илонлар ҳақидаги ўй тарк этмасди. Ўйлагани сайин оёғи остида «виш» этиб чиқиб қоладигандек, бадани жунжикиб кетарди. Шу ёзнинг ўзида одамлар саккизта илон ўлдиришди. Тўртгаси узумзордан чиққан. Шуни эсласа, уни ваҳима босарди. Боя укаси «менам борай» деганида ичидан қувониб қўювди. Ҳар ҳолда, икки киши - кўрқмайди.

У ариқдаги сувни узумзор тарафга бурди. Бошқа томонни чимлаб ёпди. Қайтишди.

Картошка жуякларига сув кира бошлаганида укасини уйку элита бошлади.

Уни жулдур чопонга ўраб, ўзи ҳам ёнига чўккалади.

- Уйқунг келаяптима? Майли ухла, мен олдингда ўтираман.

- Бирпас жимликдан сўнг:

- Ака, - деди укаси астагина, - уч-огайни ботирлар бор-ку... Шулар ростанам бўлганма?

- Йў-ге, улар бариси эртак.

- Эртаклар ёлгон бўладима?

- Ҳм... Улар тўқилган, ўйлаб топилган...

- Укаси ўйланиб қолди. Ҳафсаласи пир бўлди шекилли:

- Ие, бўмаса, кенжа ботир аждарди ўлдирганиям ёлгонакан-да? Бўмаса... яхшилар зўр бўлмайди-ку?

- Бўлди, кўп гапиравурма. Ухла... - деди у.

- Ҳаёлга берилди. Бир пайт қараса, жуякларда сув қурияпти. Кимдир чимларни бағдарганга ўхшайди. Чопон ичида гужанак бўлиб ётган укасини туртди.

- Менга қара, ухлаб қомадингма?

- Укаси товуш чиқариб қўйди.

- Мен ариқ бошини кўриб келай. Сув қури-япти. Сен ўхлайвур, майлима? Қўрқмайсан-а?

- Тез келасизма?

- Бораман-у, қайтаман.

- Жукетмонни олди-да, сўқмоқчадан югуриб кетди. Шу топда негадир илонлар ҳақида ўйламасди. Эртага отасининг «шу картишканиям сувориб келалмадингма-ей!» дейишини истмасди у. Йўлярмада қоқилиб кетди. Кетмон дастаси тиззасига урилиб, жон-пони чиқиб кетди. Тишини тишига босди.

- Ариқ бошида кимдир кетмонга суяниб турарди. Яқинроқ борди. Аёл киши. Ой ёруғида юзини дарров таниш қийин эди. Аввалига қўрқиб кетди, сўнг сўради:

- Кимсиз?

- Ие, Ботиржон сиз-ку!.. - деди аёл. - Ўлай, юришингиз худди катта эркакларникидай-а! Туф-туф...

У ҳайрон туриб қолди: янга! Мавлон аканинг хотини.

- Ие, сизма... Бу... кечаси нима қип юрибсиз?

- Ўн қатор пиёзимиз бор. Яхшигина сув кираётувди. Ёпиб кетипсиз...

- Мен билмовдим. Билсам, тейинмасдим. Тоғамиз ўзи қаерда?

- Ишдан чарчаб келиб, ухлаб қолувди. Ўзим келавердим.

Аёлнинг овози титраб кетди. «Мавлон тоға яна ичиб кепти-да» деб ўйлади у.

- Энди, янга... сувингиздан озроқ берасиз. Шу оқшом суворайин деб укам билан кеп ўтиришпан. Ўзи икки қаторгина картишка - кўп сув кетмайди.

- Вой, ука, озгана жой қолган ўзи. Бирпас қарасангиз бўп қолади.

- Ҳа энди, янга...

Улар тортишиб қолишди.

Эшак депсина бошлади. Қандайдир хавфни сезгандай, қозик атрофида безовта айланаверди. Чигирткалар ҳам тинчиб қолди. Ғалати жимлик ичида қолган бола чопон ичида қимир этмай ётар, хаёл сурар эди. Ухлаб қолмасликка тиришиб, ўзини сергак тутган заҳоти хаёллари чувалашиб кетарди. Бирпас ўтиб, кўзлари яна юмила бошларди.

«Акам нимага кемаяпти? Тез келаман, девди-ку! Мен барибир қўрқмайман. Оппоқ знам менга Алпомиш бўласан, деган. Алпомиш ҳеч нарсадан қўрқмайди. Унинг оти, қиличи бўлади. Катта бўсам, мениям отим бўлади. Қиличимам бўлади. Кейин «чу, отим» дейман. Узо-оқ-узоқларга чоптириб кетаман. Оппоқ знамди, отамди, знамди, акамди миндириб оламан. Биз узо-оқ-узоқларга, ҳе-е-ей... ой ухлайдиган жойга кетамиз.

Ҳаммамиз кетамиз...

Ҳаммани опкетаман...

Узо-оқ-узоқларга опкетаман...»





Усмон ҚҶЧҚОР

ЮРАК, БАЛАНД ДОРГА ОСИЛДИНГ

* * *

Юзим, ишкдан бўлдинг заъфарон,
Бу зардобу зард қутлуғ бўлсин.
Жигар, сенга лахта-лахта қон,
Кўнгил, сенга дард қутлуғ бўлсин.

Дил, кипригин ўқ қилиб дилдор
Отган камон қошлар муборак.
Бағрим, қутлуғ бўлсин ўт-шарор,
Кўзим, сенга ёшлар муборак.

Бокма дедим, бокдинг, нигоҳим,
Қутлуғ бўлсин сенга бу жазо.
Куйдирмоқда кўксимни оҳим,
Кўксим, қутлуғ бўлсин бу азоб.

Чашмим, энди уйқуни унут,
Бедорликдир саодатларинг.
Қутлуғ бўлсин, ўт-олов вужуд,
Сен йўқотган ҳаловатларинг.

Охир мағлуб бўлдинг, бардошим,
Ишқ аталмиш тушлар муборак.
Майли, телба десинлар, бошим,
Сендан учган хушлар муборак.

Умрим, тўзонларда босилдинг,
Поклаб ёққан қор қутлуғ бўлсин.
Юрак, баланд дорга осилдинг,
Сен осилган дор қутлуғ бўлсин...

* * *

Сим қоқасан бир гўзал пайтким -
Хаёлимдан чекинар ўлим...
Ерда ҳамон ёлғизлик, айтгил,
Самоларда нима гап, гулим?
Ерни ҳеч ким келмас сўроқлаб,
Сукунатга ўрганди кўзим.
Турибдими ҳамон чарақлаб
Самодаги бир жуфт юлдузим?
Ерда ўша зулумот ҳамон,
Коронғуда кўнгил синикди.
Асрадингни кўзлардан омон,
Ойларимнинг ранги тиникми?

Ернинг иши фақат қайғурмоқ,
Ўшанга ҳам етмайди ҳоли.
Ерга насиб қилурми кўрмоқ
Пайгамбарнинг икки ҳилолин?
Ерда умид овози тинган,
Изғиб юрар шубҳалар - соқчи.
Тушмадими кўкда ортингдан
Бирин-кетин Етти қароқчи?
Ерда ҳамон ўша тор-танглиғ,
Ўша-ўша - ер кўнгли ярим.
Элас-элас хотирот янглиғ
Кўкка қачон чиқар Хулқарим?
Замин бағри ўша-ўша - қон,
Замин ҳоли ҳамон зер-забар.
Айтгин, қачон чиқади Чўлпон,
Тонг узокми? Хабар бер, хабар...

* * *

Бу ҳижрон бошинга осмондек қулар,
Бир дардинг минг дардга дўнар, ҳойнаҳой.
Ўн беш кун сабр қил, ой адо бўлар,
Ўн беш кун тоқат қил, тўлинади ой.

Гоҳ куйдик замонда, гоҳо тўнғидик,
Эшикка юз босиб тўкмагин кўз ёш.
Бир йил сабр қилсанг, нақ бу кунгидек
Бошингдан нур сочиб келади қуёш.

Тоғларнинг, боғларнинг бағрига отил,
Менинг ҳаваслигим, менинг шўхлигим.
Ўй йил сабр қилгин,
Атиги ўн йил,
Билинмай кетади менинг йўқлигим.

Юз йил сабр қилгин кўкка тикилиб,
Ҳеч кимга очмагин очунларингни.
Юз йил тоқат айла кўзларинг силиб,
Юзингдан юз йил юв ажинларингни.

Дунё сени алдар, чарх сени алдар,
Ҳар қандай ёлгонга бўлмагин басир.
Ахир, кетган одам албатта қайтар,
Атиги минг йил кут,

Фақат ўн аср.
Сабр қил,
Ўртанма аччик, асабий,
Қисмат шу - гоҳ ширин, гоҳида тахир.
Ахир -
Кечагина сўлди Яссавий,
Эртага тугилгай
Навоий, ахир.

* * *

Дунёнинг сувида, олов чангида
Милён йил мен сендан қочиблар толдим.
Бироқ йигирманчи аср сўнгида
Сени шу заминда учратиб қолдим.

Тангри шу мухлатни қилмишдир насиб,
Киприкларинг таниш, қошларинг таниш.
Ўша боқишларинг - гинали, жозиб,
Қаро кўзлардаги ёшларинг таниш.

Ёлғиз юрагимда минг битта хузн,
Танҳо бу кўнглимда минг битта шикан.
Сен ҳамон ораста, сен ҳамон мавзун,
Демак, вақтнинг сенга дахли йўқ экан.

Фақат қаҳринг қаттиқ, азобинг чексиз,
Оламга қайғулар солиб келасан.
Пойингга тиз чўқар бу дунё шаксиз,
Хамиша бир ўзинг голиб келасан.

Ишқ деган маъбудсан, тирноқларига
Юракнинг қонидан хинолар ёққан.
Ларзалар солибон арш тоқларига,
Сокин самоларда чакмоқлар чаққан.

Кел, дейсан, кафтимда ёнмоқда толе,
Аслида кулфатни тутиб турасан.
Ўлжасин пойлаган йўлбарс мисоли
Сапчимоқ фурсатин кутиб турасан.

Милён йил -
Дунёда йўқдир фароғат,
Сендангир бу қайғу силсилалари.
Сендан - кўнгилларда битмас жароҳат,
Юракнинг туганмас зилзилалари.

Тошқинлар сенингдир гувиллаб оққан,
Хароб бўлган қасру кошона сендан.
Ёнғинлар сенингдир фалакни ёққан,
Куйиб кул бўлган дил -
Вайрона сендан.

Сенга дуч келганлар тушни ўнгидан
Ажрата олмагай - девона, абгор.
Эвоҳ, йигирманчи аср сўнгида
Сенга шу заминда дуч келдим такрор.

Қочдим фалакларга ёниб, ёлвориб,
Ёдимда ажалдек доим сен бўлдинг.
Милён йил мен сендан қочдим телбариб,
Қоча-қоча келган жойим -
Сен бўлдинг...

* * *

Сен доим қайгадир шошиб яшайсан,
Қалбингда бир дунё орзу ва умид.
Баҳор дарёсидай тошиб яшайсан,
Мен эса дарахтдай саклайман сукут.
Зўрға улгурасан «хайр» демокқа,
Автобуслар сени олиб кетади.
Сен елиб борасан билгисиз ёққа,
Бекатда бир кимса қолиб кетади.
Сенга қанот берар ёшликнинг сеҳри,
Ниятлар етаклар, тилаклар чорлар.
Тушингга киради ўзга юрт меҳри,
Хаёлинг ўғирлар олис диёрлар.
Парвозлар шиддати ёғар юзингдан,
Тайёралар олиб учади сени.
Бегона шамоллар ўпар кўзингдан,
Бегона иқлимлар кучади сени.
Ўлжа олиб учган бурғудай тамкин -
Тайёра кўзларидан бўларкан гойиб,
Бир кимса заминда қолади ғамгин,
Бир кимса фалакка боқар мунгайиб.
Баҳорлар яшнайд сенинг отингдан,
Толе гулдасталар этаркан тортиқ,
Хонгулим, бу кунлар чиқар ёдингдан,
Хотиралар сени кийнамас ортиқ.
Жажжи юрагингда бир дунё тоқат,
Бахт-ку сени ташлаб кетмайди.
Бу шўх-шан, бу нажиб умрингга фақат
Барибир нимадир етмайди...
Охир толиқтирар шафқатсиз ҳаёт,
Бир куни парвозлар тегар жонингга.
Сўнги бор куч йиғиб,
Чиқариб қанот -
Сен учиб келасан ўз маконингга.
Хазин кўшиқ куйлаб,
Пою пиёда
Томоша қиларсан шаҳарнинг кўркин.
Сирлар озми ахир қайтар дунёда,
Хув ўша бекатга...
Келарсан бир кун.
Замин - ўша-ўша,
Ўшадир осмон,
Етдингми тошиниб чопганинг бахтга?..
Дунёга жовдираб боқурсан ҳайрон,
Ҳайрон суянасан ёлғиз дарахтга.
Билмассан -
Бу дарахт нега жим қотган,
Билмассан -
Бу қайғу қайданлигини.
Билмассан -
Сени кута-кута илдизлар ортган,
Бу дарахт - дарахтмас, одамлигини...



Уйгун РЎЗИЕВ



АТИРГУЛ

Роман*

*(Охири. Боши ўтган сонда)

ХШ б о б

Маст уйкуда ётганимда кимдир каттик силтаб уйготди. Зўрға кўзимни очдим.

- Ухласанг ўлик-тиригингни билиб бўлмаскан-е, Болакай, - деди Донишманд шивирлаб, - тур, кетамиз.

Қарасам, ҳаммалари қоронғида ивирсиб, кийинишаяпти: ўрнимдан туриб, печка олдидаги кийимларимни пайпаслаб топиб олдим. Пайпоқларим ҳам, камзулим ҳам қуриб, иссиқкина бўлиб қолибди. Лекин чопоним намхуш экан. Шундай бўлса ҳам кийиб олдим. Эшикни секингина очиб, бирин-кетин дахлизга чиқдик. Шиппақларимизни пайпаслаб топиб олиб кийдик. Қоронғида сеники-меники деган гап бўлармиди. Қолаверса, ҳаммамизнинг шиппагимиз бир хил, ҳаммаси ҳам ивиб, лой бўлиб ётибди. Тўғри келганини кийиб кетаверамизда.

Ташқарига чиқаётганимизда ўртадаги хонанинг эшиги секингина гийкиллаб очилиб, ичкаридан оқ иштон, оқ ятак кийган чол чиқиб келди.

- Ха, меҳмонлар, кетаяпсизларми?

- Энди, отахон, биз сафарга отланайлик, - деди Оқсоқол, - Меҳмондорчилик учун сизга мингдан минг раҳмат. Жуда оққўнгил одам экансиз. Омон бўлсак, яна юз кўришамиз. Соғ-саломат бўлинг, отахон.

- Майли, майли, ишқилиб сафарларингиз бехатар бўлсин. Оқ йўл сизларга, ўғилларим.

Биз бир-икки ҳовлидан ошиб, қишлоқ оралаб йўлга тушдик. Ҳали атроф қоп-қоронғи. Ёмғир тинган, лекин аччиққина изгирин эсарди. Итларнинг тинимсиз вовуллашлари тун сукунатини бузиб туради. Шиппақларимизни «шилп-шилп» этгизиб судраб бораёпмиз. Лекин кимнингдир шиппаги «кўрс-кўрс» этади. Бир торгина тош йўлга чиққанимизда унинг овози

янада аниқроқ сезила бошлади.

- Ие, тўхта-чи, этикни қаёқдан олдинг? - сўради Оқсоқол Ғалванинг оёғига энгашиб тикиларкан. Таққа тўхтадик. Ҳақиқатанам Ғалва этик кийиб олган эди.

- Чолники шекилли, қоронғида қўлимга шу илинди, кийиб олдим-да, Оқсоқол, - деди Ғалва.

- Тфу, падарингга лаънат, шу ерда ҳам ўғирлик қилдингми? Айтмаганмидим сенга «ишқал чиқарсанг терингни шилиб оламан» деб. Билсанг, у чол менинг рўйхатимга тушган. Сен ҳали ўз сафингдагиларни талайсанми?

- Бир қошиқ конимдан кечинг, Оқсоқол. Мен асло ўғирлаганим йўқ. Қоронғида билмасдан кийиб олибман, - тиз чўкди Ғалва.

Ҳозирги ғазабда Оқсоқол Ғалвани ортига қайтариб, этикни қўйиб келишга мажбур қилишга ҳам тайёр эди. Аммо бу қишлоқдан мумкин қадар узоқлашиш учун ҳар дақиқа ғанимат эканлиги уни шаштидан туширди:

- Афсуски ҳозир пичоғим йўқ. Бўпти, пичоқ топгандан кейин ўзинг эсимга соларсан, терингни шиламан. Кетдик.

Оқсоқол бизни ит юрмас йўллардан бошлаб борарди. Йўл қаёқда дейсиз, ҳар қанақани лой, қумлоқ, ўнқир-чўнқирлардан ўтиб борамиз. Қишлоқдан ҳам чиқиб олдик. Тез-тез қадам ташлаб бийдай далада кетаяпмиз, Ғалванинг жағи тинмайди. Гоҳ у нарса ҳақида, гоҳ бу нарса ҳақида тутуриқсиз гапларни гапираверади. Осмонда учиб юрган бир гала қушни кўриб:

- Агар менинг қанотим бўлганида, туғри овчининг олдига учиб борардим, - дейди. - Қанотларимни шартта узиб, унга берардим.

- Нима учун? - сўрадик.

- Милтиққа алмашардим-да.

- Аҳмоқлигинг шундан ҳам маълум-да, - деди Оқсоқол, - Милтиқни нима қиласан, қанотларингни кенг ёзиб, осмони фалакда

эркин қуш бўлиб учиб юрмайсанми.

- Йўк, сиз гапни эшитинг. Қанотни олгач, у осмонга кўтариладими? Шу заҳоти мен уни битта ўк билан қулатардим. Қарабсизки, ҳам қанотли, ҳам милтиқли бўлиб олардим. Шу баҳонада овчидан ҳам кутулардим.

- Қойил! - дея ҳаммамиз чапак чалиб уни олқишладик. Ғалва бўлса, олқишимиздан ғурурланиб, яна ҳам баттар сайрайди. Шуниси ҳам яхши экан. Агар Ғалва бўлмаганида тўрталамиз соқов ва қар одам сингари бир-биримизга ёвқараш қилиб, жимгина юрардик. Ахир, бундайда одам ёрилиб ўлай дейди-ку. Оқсоқол «бекорчи гапларни бас қилиб, жимгина юрингла» деб тайинлаган. Шунга итоат қилиб биз «аскарлар» камгап бўлиб юрамиз. Ғалва ҳам буйруқни эшитган ҳамоноқ жим бўлади-ю, аммо сал ўтмай гап халтаси қайнаб қолади-да. Балки Оқсоқол ҳам унинг гапдонлик хусусияти учун бизларга «дум» бўлишига қаршилиқ қилмагандир. Қолаверса, йўл-йўлакай жағи тинмай гапириб кетаверса ҳам Оқсоқол «овозингни ўчир» демайди. Қайтанга Ғалванинг ўта соддалик билан гапирган тутуриқсиз гапларидан қулиб, «сенинг ўзинг эмас, жағинг тентак» дейди.

Қишлоқдан чиққанимиздан кейин ҳам гап-гап билан анча йўл юриб қўйдик. Осмонни қоплаб турган қорамтир булутлар ҳам шарққа қараб улоқиб кетди. Ортада қолиб кетган бирикки оппоқ момикдек булут парчалари ҳам ўз тўдаси томон илдамлапти. Юзини яшириб турган қора чимматни улоқтирган қуёш кўкдан жамол кўрсатиб, илиқ нурларини замин узра тарата бошлади. Ўнқир-чўнқирлардан юриб роса чарчадик. Бунинг устига қорин ҳам дўмбира бўлиб кетди. Баланд қирга етдик. «Хойнаҳой ҳозир шу қирга чиқсак керак, қанийди чиқишдан олдин бироз дам олсак» деб ўйлаб борардим. Афсус, дам олиш насиб қилмаган экан. Оқсоқол қирга ўрлаб кетди. Биз ҳам энқайиб олиб, ортидан энгашдик. Инқиллаб-синқиллаб қирга чиқиб олиб, худди бир балодан қутулгандек тин олдик. Бу ердан атроф жуда гўзал кўринаркан.

- Сизларга айтсам, - деди Ғалва, - қўй-қўзилар қирга чиқишгач, бироз дам олиб оларкан. - Лекин Оқсоқолнинг чехраси ёришмаганини кўриб, қўшиб қўйди. - Лекин биз қўй-қўзилар эмасмиз. Дам олмасдан тўпта-тўғри юриб кетаверамиз.

Оёқларимизни зўрға судраб бораяпмиз. Бир дақиқа бўлсин, ўтириб дам олишни истардик. Қирнинг нариги лабига етганимизда пастликда катта бир қишлоқ борлигини кўрдик. Бироз қузатганимиздан сўнг Оқсоқолнинг буйруғи

билан чекиндик.

- Гап бундай, - деди Оқсоқол, - шу ердан бир қадам ҳам жилманглар. Бирорта меҳмон оладиган хонадон топганимдан кейин келиб сенларни олиб кетаман.

Оқсоқол қишлоққа тушиб кетди. «Э, шу кетганинг рост бўлсин» дея ерга узала тушдим. Йўл юриб роса толиққан эканман. Бутун танамни дам олдириб, маза қилдим. Қуёшнинг илиқ ҳарорати танга янада роҳат берарди. Осмонга термулиб ҳаёлот дунёсига ғарқ бўлаётганимда Ғалва ҳаёлларимни чилпарчин қилди. У қўшиқ айтиб, ҳар хил муқомлар билан ўйинга тушади:

Яллама ёрим яллоси,

Бой бувамнинг саллоси.

Саллосини кўтарсам.

Хумдай экан каллоси...

- Ўв, жинни, - деди Донишманд хиёл ўрнидан туриб, - ҳеч замонда оч қоринга ашула ёқадими? Йиғиштири ашулангни, жимгина ўтир.

- О, менинг жўжаларим, - деди Ғалва, - наҳотки оч қолиб кетган бўлсаларинг? Агар мен қоринларингизни тўйғазсам, неча пуллик раҳмат айтасизлар?

- Истаганингча раҳмат айтардиг-у, лекин сен тентак қўшиқ билан тўйғазармидинг бизни.

- Аҳа, сиз ҳали Ғалвани ким деб ўйлаясиз? Ғалва оддий одам эмас, суф деса сувни тесқари оқизиб юборади. - Шундай деб у камзулининг тугмаларини ечди. Сўнг белбоғини ечиб, ўртага қўйди. Кечаги чолниқда қўйилган иккита нонни дастурхон-пастурхони билан белига тугиб олган экан.

- Ў, яшавор сеҳргар, - дея ҳаммамиз дастурхонга ташландик. Апил-тапил ҳар қайсимиз ўзимизга текканини еб бўлдик. Ҳарна қоринга мадор бўлди.

- Энди гап бундай, - деди Ғалва дастурхонни белига тугаркан, «огиз еган уялади» дейдилар. Менинг сизларга нон улашганимни Оқсоқол асло билмасин. Йўқса қаёқдан олганимни суриштиравериб қийнаб юборади. «Боғини егину, узумини суриштирма» деган нақлни билмайди. - Кулгим қистаб кетди. Бу Ғалва ғирт жинни-да. Шу пайтгача унчалик аҳамият бермаган эканман. Ахир, у ҳар икки гапининг бирида мақол ишлатади. Шуниси қизиқки, у мақолни тўғридан-тўғри эмас, сўзларини ўрнини алмаштириб ишлатаркан.

- Кўрқма, айтмаймиз. Биз унақа нонкўрлардан эмасмиз, - тинчлантирди Донишманд.

Ғалва қувониб кетди. Менинг қўлимдан тортқилай бошлади:

- Кел, Болақай, мана бу томошабинларга бир ўйин қилиб берайлик.

шундай пайтда ишга бало борми. Кишлоқларни тезроқ кезиб чиқайлик-да. Одамлар билан суҳбатлашайлик. Яхши одам кўздан маълум бўлади. Ким яхши бўлса, муддаомизни айтиб, рўйхатга олиб кетаверайлик. Янги жамият тузадиган бўлсак, тезроқ тузайлик-да. Қачонгача жонимизга азоб бериб саргардонликда юрамиз.

Кишлоқнинг унчалик ҳам ичкарасига кирмадик. Оқсоқол бизни чеккароқдаги бир ғарибгина ҳовлига бошлаб кирди. Ҳовлининг бир томонида тупроқ, тош, бир томонида ёғоч уйилиб ётибди. Унчалик катта бўлмаган уйи ҳам кўримсизгина. Эшик-ромларига бўёқ ҳам суртилмаган. Уйнинг ёнидан тагин бир иморат қуриляётган экан. Тупроқнинг бир чеккасига сув қуйиб, ўттиз ёшлар чамасидаги киши лой қилаётган экан. Эғнида эски чопон, белида белбоғ, бошига ҳам рўмол ўраб олибди. Терлаб кетганидан бошидаги рўмоли жикка хўл бўлиб кетибди. Бизни кўриши билан кетмонни қуйиб, қўлини ювди. У билан кўришиб, «ҳорма-бор бўл» қилишдик. Севинганидан шошиб қолди. Тинмай ҳол-аҳвол сўрагани сўраган.

- Мана, Жўравой, шулар менинг аскарларим. Истаган вазифангни буюр, бир дақиқада текислаб ташлашади. Кўрдингни, бари норгул йигитлар. Қани, ука, ишни кўрсат, - деди Оқсоқол.

Жўравой ака шошиб қолди.

- Йўғ-е, аввал уйга кириб чой-пой ичингизлар. Иш бўлса қочмас.

- Э, дўстим, бўладиган ишнинг эртароқ бўлгани яхши. «Ёлган ишга қор қолар» дейдилар, - деди Ғалва гап қўшиб.

- Тўғри гап. Иш тугагандан сўнг бафуржа зиёфат қиларсан. Ҳозир ишни бошла, бўлақол, - деди Оқсоқол катъий қилиб.

Жўравой ака ҳам севиначи, ҳам ҳижолат бўларди. Сўнг бизга қилинадиган ишни тушунтирди. Иморатнинг тепасидан яна тўрт қатор ғишт териб, кейин томини ёпишимиз керак экан. Енг шимариб ишга тушиб кетдик. Ишни Оқсоқол тақсимлаб берди. Донишманд тепага чиқиб ғишт теради, Шофёр пастда туриб тепага ғишт ва лой узатади, Ғалва лой қориб беради мен эса ғишт ва сув ташийман. Жўравой ака ҳали у ишга, ҳали бу ишга аралашади. Оқсоқол Жўравой акнанинг билагидан тортди:

- Қўявер, аскарларимнинг ўзлари ҳамма ишни қойиллатишади. Икковимиз уйга қирайлик, гаплашадиган гап бор.

«Хе оқсоқол бўлмай...» дедим ҳеч кимга эшиттирмай. Бизга ишни топшириб, ўзи ялло қилиб ётар экан-да иссиқ, уйда. Хойнаҳой қорнини қаппайтираётгандир. Шундай ишни

жинниларга ишониб топширди-я. Эси пастлигини шундан ҳам билса бўлади-да. Жиннининг қурган иморати нима бўларди. Биз кетганимиздан сўнг бечора Жўравой акани босиб қолмаса гўрга эди.

Йўқ, унақа бўлмади. Донишманд ғишт теришга уста экан. Оқсоқол билан Жўравой ака уйдан чиққунларига қадар уч қатор деворни жуда чиройли қилиб териб қўйди. Жўравой ака шунақаям қувонардикки, бизга қандай раҳмат айтишини билмасди. Бўшаб қолган чойнакни яна чойга тўлдириб келди. Чанкаганимизда ичамиз. Ҳаво салқинлаб келишига қарамай, ишни қизитиб юборганимиздан терлаб кетаяпмиз. Оқсоқол билан Жўравой ака ҳам ишга жўнгиб кетишди. Ғалва у кўшиқдан, бу кўшиқдан аралаштириб баралла қуйлапти. Ҳар хил қилиқлар қилади. Қориштираётган лойидан юзига ҳам суртиб олади. Жўравой ака унинг жиннилигини билмайди-да, кизикчи экан деб ўйлаб қотиб-қотиб кулади.

- Жўравой жўра, - деб қолди Ғалва, - бу дейман ёзда соя-салқиндан бери келмагансиз шекилли, совуқ тушиб, икки этик бир оёққа тикилганда иморатни бошлабсиз?

- Э, қаёқда дейсиз, қўл тегмади-да. Ўзим колхоз гаражида пайвандчи бўлиб ишлайман. Ҳали у трактор синади, ҳали бу машина синади, у кишлоққа бор, бу кишлоққа бор, ишқилиб ҳеч тиним йўқ. Отам билан бирга эдим. Бу йил қозон-товокни бўлак қилдик. Укаларим, қариндошлар билан хашар қилиб мана бу уйни битириб олдик. Энди битта ошхона ҳам солмасак бўлмайди. Даҳлизни вақтинча ошхона қилайин десам, тутуни уйга уради. Сизларни худонинг ўзи етказди менга.

- Бунисига ҳам бир хашар уюштириб юбормаган экансиз-да.

- Хамманинг юмуши ўзига етарли. Укаларим пахтага чиқиб кетишган.

Ҳазил-хузул билан иморатнинг устига ходаларни тердик. Сўнг қамиш босиб, унинг устидан нам тупроқ ташладик. Ғалва билан Жўравой ака сомонли лой қориштиришди. Оқсоқол билан Донишманд томнинг устини суюққина лой билан суваб ташладилар. Ғалванинг бир дақиқа жағи тинмайди. Ҳар замонда кўшнининг катагида қақиллаётган товукларга тақлид қилиб қақиллаб ҳам кўяди.

- Қаранг-а, шунча ишни бир зумда битириб қўйдиларингиз-а, - деди Жўравой ака севиноиб.

- Кўпчиликнинг хосияти шу-да.

- Ха, деди Ғалва, - қуёндан кўп қочиб қутулмайди.

- Энди, акалар, кун ҳам кеч бўлиб қолди. Ишга яқун ясаб, уйга қирайлик. Лутфия, ош тайёр бўлдими?

- Э, кўйсангиз-чи, Ғалва ака.

- Кўйсангиз-пўйсангизи йўқ. Турақол, томошабинлар кутиб қолишди.

- Тур, Болакай, бир ўйна, зеррикиб кетдик-ку. Биз чапак чалиб турамыз, - кўшилди Донимшанд ҳам. Индамас Шофёр ҳам «бўлақол, чапак чаламан» дегандек кўлларини жуфтлаб турибди. Ўзимнинг ҳам товоним қичиб турган эди. Енгимни шимардим-у, ўйинга тушиб кетдим. Ғалва ашулани бошлаб юборди:

*Ҳой бола, ҳой бола,
Лаблари шакар, мой бола,
Айлансин аканг бўйингдан,
Диқирлаб ўйна, той бола.
Ҳой бола, ҳой бола...*

Берилиб ўйин-кулги қилаётган эдик, Оқсокол келиб қолди.

- Жуда зўрсанлару, мен сенларни мадори куриб ўлиб қолгандир деб ўйлаган эдим. Отдай гижинглаб турибсанлар-ку. Шундай пайтда буларнинг ўйин-кулги қилганига ўлайми. Бу ёққа юринглар-чи, сенларбоп иш топиб келаяпман. Ёрилиб бораётган бўлсаларинг, ўша ерда овунасанлар.

Оқсокол бизни қишлоққа эргаштирди. Қанақа иш топди экан? Ишқилиб менинг кўлимдан келадиган ишмикин? Тагин бажаролмай шарманда бўлиб ўтирмайин-да. Э, - Ҳа, тайёр, - девор орқасидаги ўчок ёнида каловланиб юрган аёл жавоб қилди.

Оқсокол кўнмади:

- Йўқ, биз бир ишни бошладикми, тугатмасдан кўймаймиз. Ҳали ёп-ёруғ, қош қорайгунча деворларни ҳам суваб бўламиз. Кани, лойни кўпайтиринглар.

Оқсоқолнинг айтганича бўлди. Қорнимиз оч бўлишига ва чарчаганимизга қарамасдан зўр бериб ишладик. Хонадонларда чироқ ёнгунига қадар иморатнинг деворларини сувоқдан чиқариб бўлдик. Шундан кейин Оқсокол гавдасини кўтарди:

- Ана энди ишни яқунладик десак ҳам бўлади. Жўравой, келинга айт, дастурхон тайёрласин.

- Ҳаммаси тайёр, ака. Келинг, сув куйиб тураман, ювининг, - деб Жўравой ака обдастан сув қуя бошлади.

Ювиниб бўлгач, кўрмсизгина уйга кирдик. Уй иссиққина экан. Бурчақда гиштдан қурилган печка гуриллаб ёниб турибди. Янгамиз дастурхонни нон, помидор, кўкатлар билан тўлдириб ташлади. Бир пиёла чойдан сўнг иккита чинни товоқда ош келтирилди. Зиғир ёғига пиширилган шунақанги мазали ош бўлибдики асти қўяверасиз. Ғалванинг умри мобайнида овқат кўрмаган одамдай енг шимариб

овқат ейишини қаранг. Ошнинг ёғи билагидан оқиб, тирсагига етибди. Ҳар замонда «чик» этиб томиб қўяди. Товоқлар бўшагач, Жўравой ака «бўлди» дейишимизга қарамасдан яна бир марта товоқларни алмаштирди. Овқатдан кейин чойнинг кетишини кўринг. Жўравой аканинг ўгли зувиллаб чой ташиб турибди.

Оқсокол қанча ёмон қараб кўйса ҳам Ғалва ўзини тутолмади. Бидиллаб, оғзига келган гапни гапириб қўяверади. Фақат ухлаш учун ўринларимизга чўзилганимиздан сўнггина унинг овози ўчди.

Ғалвани жин чалганми, ярим тунда уйқуси қочиб, мени тепкилаб уйғотди. Шу қадар қарахт бўлиб ухлаётган эканманки, шу тобда уйқумни бузган Ғалвани дабдала қилиб ташлагим келди. Лекин ўзимни босдим.

- Болакай, - деди Ғалва шивирлаб, - юр, ташқарига чиқиб келайлик.

- Ташқарида бало борми?

Ғалва биров эшитиб кўйишидан кўркқандек кафтини оғзига кўйиб, қулоғимга яқин келиб, секингина шивирлади:

- Қистаб кетди.

Чикмасам бўлмади. Ғалва «бирга чикайлик» деб ёпишиб олди. Ўрнимдан туриб, чопонимни кийдим. Кўшни ҳовлидаги симёғочда ёниб турган чироқнинг хира ёруғи деразадан тушиб тураркан. Гира-ширада пайқадимки, Оқсокол билан Донишманд ҳам ўринларида йўқ эди. Қаёққа кетишди экан? Ёки улар ҳам девор орқасига ўтиб кетишдимикан? Чойни ўлгидай ичишган эди-да.

Ташқарига чиққанимиздан кейин Ғалва атрофга олазарақ қараб олиб, кўшни ҳовли томонга юра бошлади.

- Юр, болакай, чаққон-чаққон.

- У ёқда нима қиламиз?

- Анави катакларда ажойиб хўрозлар бор экан. Ҳозир ухлаб ётишибди. Бир-иккитасини гиппа бўғиб олиб келамиз.

- Хўрозни бошингизга урасизми?

- Уларни олиб кетсам, жангарилекка ўргатиб, Маматқаримнинг хўрозлари билан уриштираман. Юрақол, йўқ дема.

- Эгаси кўриб қолса калламизни сапчадай узиб ташлайди-ку. Қолаверса, Маматқарим қаёқда-ю, сиз қаёқда.

-Э, эзмаланмасанг-чи. Ҳеч бўлмаса, йўлда егуликка яраб қолар.

Бормасам бўлмади. Катакнинг олдиғача эмаклаб бордик. Тавба, ҳовлининг эгасига ҳайронман. Деворку қурмабди, биттагина ит асраса эти камайиб қолармиди. Товуқ, хўрозлар бошларини ичкарига олиб, уйқуни уришяпти. Ғалва катакка кириб кетди, мен пойлаб турдим. Катак ичидан «патир-путур» овоз келди. Қўлга

«қаердасан» деса, «бу ердасан» деб қолмасин.

Ташқарига чиқсам, ҳали нимкоронғи. Туман тушибди. Секингина хўрозларнинг олдиға йўл олдим. Не кўз билан кўрайки, хўрозларнинг каллалари йўқ эди. Ҳаммаёққа қон сачраган, патлари сочилиб ётибди. Битта хўрознинг ярми ейилган. Биронта мушук еган кўринади. Кўрқиб кетдим. Бир пайт Ғалва уйдан чиқиб келаяпти.

- Ҳа, болакай, жаноблар уйғонишибдими?

- Менга қаранг, катакдан олиб чиқаётганингизда жанобларингизнинг калласи бор эдими?

- Бор эди шекилли. Нима гап?

- Коронғида шоша-пиша калласи йўқ хўрозларни олиб чиққан экансиз-да.

- Йўғ-е, - Ғалва хўрозлар ётган жойга қараб, қафтани пешонасига урди. - Эҳ аттанг, коронғида яхшилаб қарамаган эканмиз-да. Шунча меҳнатимиз куйиб кетди-я. Энди бу калласи йўқларни нима қиламиз?

Гапларимизни ариқдан ювиниб келаётган Оқсоқол эшитиб қолди.

- Кимнинг калласи йўқ экан? - деди у олдимизга келиб.

Ғалва шошиб қолди.

- Анави номардларни айтаяпман.

Оқсоқол ичкарига бир қаради-ю, кўзлари чақчайиб кетди.

- Буларни қаердан олдинг?

- Хўв, анави к-катакдан, - деди Ғалва калтираб.

- Падарингга лаънат, яна шунақа ишқал килдингми? Сени огоҳлантиргандим-ку?!

- Бир мартагина кечиринг, Оқсоқол, - Ғалва тиз чўкиб ялина бошлади. Шу пайт уйдан Жўравой ака чиқиб қолди.

- Шошмай тур, бу ишинг учун ҳали терингни шилиб оламан, - дея Оқсоқол уйга кириб кетди.

Биз ташқарига чиққанимизда Лутфия янга дарров уйни супуриб-сидириб, дастурхон ёзиб, нонушта тайёрлаб қўйган экан. Жўнамоқ тараддудида эканимизни Жўравой ака айтган бўлса керак-да. Кўк чойни хўплаб, сариёғни нонга суриб еб ўтирганимизда ҳар биримизга бир косадан қурутоба келтиришди.

Нонуштадан сўнг хайр-хўшлашиб, йўлга равона бўлдик. Туман кўтарилиб, тонг ёришиб келарди.

XIV б о б

Дарбадарликка ҳам ўрганиб қолганга ўхшайман. Илгарилари мўлтониларни кўриб хайрон қолардим. «Бир жойда тургун яшаса бўлмайdimи? Қандай қилиб қишлоқма-қишлоқ кезиб юришаркан» деб ўйлардим. Энди билдим,

бирор мақсадни кўзласанг, қишлоқма-қишлоқ кезишни ҳам ихтиёр қиларкансан. Зўриқаркансан, толиқаркансан, охири кўникиб ҳам қоларкансан. Жўравой аканикидан чиққанимиздан кейин ҳам кўп йўл юриб қўйдик. Оқсоқол бизни қишлоқ чеккасидаги бир чакалақзорга бошлаб борди. Донишманд иккаласи ниманидир қидира бошлашди. Қидириб-қидириб Донишманд топди. Шох шаббалар остига яшириб қўйилган катта бир қопни олишди. Қопнинг оғзи маҳкам боғланган экан, ечунларича роса қийналишди. Сўнг Оқсоқол қопни силкитди. Турли-туман кийим-кечаклар экан. Қаёқдан олишдийкин? Э, бўлди, кечаси Оқсоқол билан Донишманднинг уйдан чиқиб кетганлари бежиз эмас экан-да. Қаердандир ўғирлаб келишгандир балки. Оқсоқол қишлоқни айланиб чиққан эди. Қаердан ўғирлашни яхши билади. Тагин ким билади дейсиз. Лекин қопдаги кийимлар жуда зўр экан. Бизниқига ўхшаган кир-чир эмас-да.

- Вой-вў, мунча зўр! - деб Ғалва қопга қўл узатган эди, Оқсоқол силтаб ташлади уйга. Шундан сўнг, ҳеч биримиз журъат этолмай турардик, Оқсоқол ўзи тақсимлашга киришди. Ҳаммамиз иссиқ кийимли бўлдик. Айниқса Ғалва жуда қувониб кетди. Эгнидаги янгигина пальтони ҳидлаб, силаб-сийпалайди.

- Анави аскарча формаларни ечиб ташланглар, - деди Оқсоқол. Биз жиннихонадан берилган кийимларни ечиб ташладик. Оқсоқол уларни қопга солиб, бояги шох-шаббалар орасига бекитди. Энди бизнинг устимиз бутун. Лекин барибир яна оёғимиз оҳори кетган шиппак билан қолди.

- Ҳечқиси йўқ, шунча кийимни топдик, ҳадемай этик ҳам топилиб қолар, - Оқсоқол кўнглимизни кўтарди.

Ана ўшандан буён ҳам кўп юрдик. Бир неча қишлоқларни оралаб ўтдик. Қизиқ экан, мелиса бор қишлоқлар бўларкан, мелисаси йўқ қишлоқлар бўларкан. Мелисали қишлоқлардан қочиб-пусиб тезроқ чиқиб кетишга ҳаракат қиламиз. Оқсоқол чойхоналарга, дўконларга кириб одамлар билан гаплашиб чиқади. Яхши одамларнинг бор-йўқлигини суриштирса керак-да. Биз пойлаб турамиз. Унга нисбатан бирор хавф туғилса чақиради, дарров етиб борамиз. Ўзи тайинлаб қўйган. Одамлар билан гаплашган, хуноби ошиб қайтиб келади. «Кетдик, бу ерда қиладиган ишимиз қолмади», дейди. Нега ундай қилади? Наҳотки яхши одамларни тополмаган бўлса? Ёки у ўзига керакли кимнидир қидираётганмикин? Йўқ, ундайда ҳамма нарсага ақли етадиган Донишманд Оқсоқолга эргашмас эди. «Қидираётган одамингни ўзинг топ» дерди. Демак, Оқсоқол ростдан ҳам оқибатли инсонларни қидирмоқда.

тушганлари «қийқ-қийқ» овоз чиқара бошлашди. Ғалва бир йўла учта хўрозни оёғидан ушлаб олиб чиқди. Югуриб Жўравой аканинг ҳовлисига ўтдик.

- Ип топиб кел, - деди Ғалва. Кийимларни қуритиш учун иккита дарахтга боғлаб қўйилган ипни тортган эдим, узилиб кетди. Ғалва хўрозларнинг оёғини жуфтлаб боғлади. Уларни янги қурилган иморатнинг ичига олиб кирдикда, қоронғи бурчакка ётқизиб қўйдик. Шу пайт ташқаридан оёқ товуши эшитилди. Секин мўраладик. Оқсоқол билан Донишманд қайдандир шошиб келишди-да, уйга кириб кетишди. Атрофга разм солиб, уйга югурдик. Ичкарига кирсак, Оқсоқол ҳам, Донишманд ҳам ўринларига ётиб олишибди. Биз ҳам дарров ўрнимизга чўзилдик.

- Қаёқда эдиларинг? - сўради Оқсоқол уйқусираётган одамдек.

- Дарахтларни суғориб келдик, - дедим.

Оқсоқол гапимнинг маъносига тушунди.

- Бечора дарахтлар, - деди-да, бошини кўрпанинг ичига олди.

Тонг саҳарда бизни Оқсоқол уйғотди. Мен тез-тез кийиниб, ташқарига чиқаётганимда ҳали эндигина ўрнидан тураётган Ғалва гапириб қолди:

- Болакай, бизнинг жониворларга ҳам қараб қўй-чи, безовта эмасмикин. Тагин эгаси Йўл-йўлакай бир неча хонадонларда тунаб қолдик. Мезбонларнинг ҳам ҳар хилига учрадик. Бири хуш кўриб меҳмон қилади, бири хушламай. Баъзилари ҳатто уйига киргизмадиям. Шунақа ҳам одамлар бўлар экан-ей. Эсон-омон жамиятимизни тузиб олсак, унақаларни қувиб чиқиш керак.

Илонизи сой ичида кетиб бораёпмиз. Сой сувсиз, анча чуқур экан. Одамнинг бўйи қўринмай кетади. Тепада эсаётган ўлимтик изғирин ҳам бу ерда унча сезилмайди. Ўзи чуқур бўлгани билан кенглиги беш қадамдан ошмас экан. Юриб-юриб бир кўприкка яқинлашиб қолибмиз.

- Тўхтанглар, - буюрди Оқсоқол ва бир амаллаб тепага чиқиб олди. Атрофни кўздан кечирди. - Мени шу ерда кутинглар, тезда қайтаман.

Оқсоқол жўнаб кетди. Ғалванинг кўмаги билан баландга чиқиб олдим. Соининг икки томони ҳам пахта далалари экан. Момиқдан тозаланган ғўза поялари қоп-қорайиб, хунук кўриниб турибди. Изғириндан чийиллаган товуш чиқаради. Хув наридаги далада бир қанча кишилар белларига этак тақишиб, пайкаллар орасида энкайиб юришибди. Оқсоқол ўша томонга кетаётган эди.

- Болакай, туш паётга, - деди Донишманд. -

Бизни ҳеч ким кўрмаслиги керак. Йўлдан ўтувчи-кетувчи кўп. Оқсоқол келса мўйлабингни эзиб қўяди.

Бир амаллаб сойга тушдим. Намхуш қум устига ўтириб олдим. Осмонга қарасам, хаёлларим яна олис-олисларга кетиб қолади.

- Биродарлар, тулки! - қичқириб қолди Ғалва. Ҳаммамиз ялт этиб у кўрсатган томонга қарадик. Бир сап-сарикқина, унчалик катта бўлмаган тулки югуриб жарнинг лабида кетиб бораёпти. Бизни сезмади. Сакраб сойга тушди-да, қия жарликдаги бир тешикка кириб кетди. Қизиқиб, югуриб у ерга бордик. Тулкини ҳеч яқиндан кўрмаган эдим. Уни тутиб олишга жуда ҳам қизиқиб бораёпман. Ғалва иннинг оғзига яқинроқ бориб қаради.

- Хув ана, бақрайиб турибди, - деди у.

Бир-бир бўйин чўзиб қарадик. Шу тобда куёш ҳам чараклади. Иннинг оғзига ичи янада ёришди. Ин унчалик чуқур эмас экан. Бояги тулки бурчакка бикиниб дағ-дағ қалтирар, омонат жонини топширгиси келмай, «шафқат кил» дегандай мунгли термулиб турарди.

- Биродарлар, уни тугайлик, - деди Ғалва.

- Нима қиласан тулкини? - сўради Донишманд.

- Мен уни уйга олиб кетаман. Кўпайтириб, терисидан пўстин тикдираман.

- Мунча очофат бўлмасанг. Ҳеч кўзинг тўядими сенинг ҳам?

- Э, намунча ақл ўргатдинг. Ғалва қўлига иккита катта-катта тош олди-да, тулкининг инига отмоқчи бўлиб шайланди.

- Тўхта! - бақриб юборди Донишманд. - Тўхта, очофат. Нега бунчалик ўлиб бораёпсан? Уйимга олиб кетаман дейсан, қани ўша уйинг? Ҳозирча сен билан бизнинг уйимиз йўқ. Ҳали қанчалар дарбадарликда юрамиз. Уй-уйимизни топиб олгунимизча буни эргаштириб юрамизми?

- Жуда бўлмаса терисини шилиб олсак, дуч келган кишлоқларнинг бирида сотиб юборардик.

- Эҳ, тентак, сен ўзи нима учун бунчалар саргардон юрганимизни биласанми? Қишлоқма-қишлоқ юриб яхши одамларни қидираёпмиз-ку. Нега энди атрофимизга яхши одамларни йиғмоқчи бўламузу, ўзимиз яхши одамнинг ишини қилмаймиз. Тулкини қара, гарчи у ёввойи бир ҳайвон бўлса ҳам дунёга яшаш учун келган, яшашга ҳақли. Сенга ўхшаганлар ҳеч қандай айб-ситамсиз мана шундай табиат неъматларини ўз манфаати учун йўқ қилиб юборади. Яхшиямки ҳозир уйинг йўқ. Агар уйингда бўлсанг, шу очкўзлигинг билан атрофдаги нимаики мавжудлик бўлса, ташмалардинг. Ўзинг тўйсанг ҳам кўзинг тўймай ташмалайсан. Уйингга сиғмай қолгач, қават-қават кўтариб осмонга чиқиб кетаверасан.

- Мени кечир, Донишманд, мен аҳмоқни кечир. Мен урмадим-ку. Тулкини урмадим-ку. Ҳазиллашдим, холос. Оқсоқолга айтмай қўяқолгин. Бундан кейин ҳамаша айтганингни қиламан.

Шу пайт нимадир гурс этди. Оқсоқол сакраб сойга тушган экан.

- Кетдик, - деди у, - роса дам олдиларинг. Энди кечгача тўхтамасдан юрамиз.

Оқсоқолга эргашганимизча сой ичидан юриб кетдик.

XVI б о б

Кун пешиндан оққан маҳалда баланд тоғ этагига етиб қолдик. Ҳавонинг авзойи бузук. Ҳадемай қор ёғиб юборса ажаб эмас. Тоғ нақадар гўзал, ҳавоси мусаффо. Аммо бу ерлар жуда совуқ экан. Тоғ ёнбағирларини қоплаб ётган оппоқ қор юзини ялаб ўтаётган шамол аччиқ совуқни атрофга ёяди. Ялангликда юрган одамнинг совқотиши табиий. Бирок қорнингиз оч бўлса, совуқ истаган куйига ўйнатиши мумкин экан. Оқсоқол бизни шу ерда қолдириб, ўзи тоғ этагидаги кичкина бир қишлоққа қараб кетди. Биз ўнқир-чўнқирликлардаги бир чуқурга тушиб ётдик. Қорин очлигига чидай олмадим.

- Шу ерда бир тамадди қилиб олайлик, оғайнилар, - дедим.

- Очқадингми, Болакай, қалтираётганингдан сезган эдим-а, - деб Донишманд халтасини очиб, бир банка балиқ консерваси, иккита нон чикарди. - Бор бисотимиз шу экан. Етганича бўлишасизлар.

Қорин ғамини қувганимиздан кейин Шофёр Донишманднинг кўлидан халтани олди.

- Йигитлар, биз болакай иккаламиз шу яқин атрофдаги биронта қишлоққа бориб келайлик, - деди Шофёр. - Егулик ҳеч нарсамиз қолмади, ул-бул топиб келайлик.

- Кераги йўқ, - қўл силтади Донишманд, - омон бўлсак ризқимиз топилиб қолар. Қолаверса, Оқсоқол келиб қолса, бу ишингдан хурсанд бўлмайди.

- Оқсоқол омон бўлса очимиздан ўлмаймиз, - гап қўшди Ғалва.

- Мен боролмайман, оёғим оғриб турибди. Шу шиппак билан қаерга ҳам бориб бўларди, - дедим ўрнимдан жилгим келмай.

Шофёр ҳаммамизга ҳайрон қаради:

- Қўйсаларинг-чи, йигитлар, бу ерда тухум босиб ётаверамизми. Оқсоқол қайтгунча ҳали вақт кўп. Биз борамиз-у, дарров қайтамиз. Сен эринчқоқлик қилма, Болакай. Осмонга термулиб ётавергандан кўра, бир бурда нонимизни топиб келганимиз яхши эмасми.

- Бўпти, борақолинглар. Фақат, тезроқ қайтинглар, - қўнақолди Донишманд.

- Агар Оқсоқол келиб қолиб, бизни сўраса, дарров келади денглар.

Эринибгина Шофёрга эргашдим. Йўл-йўлакай жимгина кетаётган тегишдим.

- Шунча йўлга пиёда борамизми? Такси билан олиб кетсангиз бўлмайми, Шофёр ака?

- Боришда пиёда борайлик, қайтишда такси билан олиб келамаман. Яна қанақанги такси дегин, тўрт оёғи, икки қулоғи, бир думи бор.

Гапирса Шофёр ҳам бинойидек гап биладиган одам экан-ку. Тилини тишлари орқасига яшириб ўзини хор қилиб юрган экан-да. Анави жағи бузук Ғалвадан бу бечорага навбат ҳам тегмаган-да. Ҳазил-хузул қилиб, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб бир қирни ошиб ўтдик. Қирнинг нариги ёғи пахтазор экан. Пахтадан тозаланган ғўза поялари бефайз бўлиб турибди. Даланинг нариги бошида этак таққан одамлар кўринади.

- Юр, Болакай, хув анави теримчиларнинг олдига борамиз, - деди Шофёр.

- Нималар деяпсиз, ахир биз синашта бўлмаган одамларнинг кўзидан узоқроқ юрмоғимиз лозим. Оқсоқол шундай деган эди-ку.

- Қизиқ экансан, Оқсоқол билиб ётибдими.

- Оқсоқол-ку билмас-а, аммо улар бизнинг кимлигимизни билиб қолиб, тутиб олишса-чи? Ҳамма ёқда қидиришаётган экан-ку.

- Қўрқма, билишмайди, юравер.

Эгат оралаб теримчиларнинг олдига қараб кетдик. Бир-икки кун олдин ёғиб ўтган қор эриб, эгатларни лой қилиб юборибди. Пайпоқларимиз ҳам ивиб кетди. Оёқларимиз лойга ботиб, эгат ичидан зўрға юриб бораяпмиз. Теримчиларга яқинлашгач:

- Ҳорманлар, жонкуяр теримчилар, - деди Шофёр ҳамма эшитиши учун баланд овозда. Лекин ҳеч кимдан жавоб бўлмади.

- Нима бўлган сизларга, алик олмадиларингиз?

- Орамизда жонкуяр теримчилар бўлмаса нима қилайлик, ака, - жавоб қилди юзлари қорайиб, ёрилиб кетган, қават-қават рўмол ўраган, увода кийимли қиз.

- Ие, шундайми? Ундай бўлса, ҳорманлар, ишқмас теримчилар.

Бу гапдан кейин ҳамма барабар қулиб юборишди. Теримчилар деганимиз тузукроқ теримчига ҳам ўхшамайди. Ўттиз чоғли одам белига биттадан этак тақиб олиб, ўз ҳолича эгат оралаб юришибди. Кўпчилиги этагига бир ёстикка лойиқ пахта териб, устига ўтириб олишган. Даланинг ўртарида бир аёл у эгатдан бу эгатга сакраб пахта терапти. Буларнинг орасида мен тенгилари кам. Кўпчилиги ёши катта қишилар.

Кимлардир зор қақшаб кидириб юрган нарсалар сенинг уйингда моғор босиб ётади. Сенинг эса кўзинг тўймайди. Охири иморат сен ташиган нарсаларни кўтаролмай кулаб тушади. Ўзинг иморатнинг остида қолиб ўласан. Умр бўйи йиққанларинг эса пароканда бўлиб кетади. Ўз нафсингнинг оёгингдан келиб бошингга етгани шу эмасми. - Донишманд тез-тез гапирганча хафа бўлиб харсанг устига ўтирди. Ғалвага яна бир қараб олди. - Сен нимани ҳам тушунардиг. Мияси йўқ жиннисан-да. Аслиям биз сени тўдамитга олмаган эдик. Оёқ остидан чиққан кўзиқориндек ўзинг кўшилиб қолдинг. Сени тўдага қўшмай шаҳарда қолдириб келсак бўларкан. Бошга битган бало бўлдинг.

- Хафа бўлма, Донишманд. Бу аҳмоқни деб бунчалар изтироб чекма, - деди Шофёр уни юпатиб.

- Йўқ, мен изтироб чекаётганим йўқ. Уни яхшиликча огоҳлантирдим. Қолганини Оқсоқол келгач, ўзи ҳал қилади.

Бу гал ростакамига Ғалванинг териси шилинадиган кўринади. Оқсоқолнинг кўлида пичоқ кўрган эдим. Дуч келган кишлокда тулкининг эмас, Ғалванинг терисини сотмасайдик деб кўрқаман.

Ғалванинг кўзлари олайиб кетди. Иккала кўлида ушлаб турган тошларни улоқтирди. Тиз чўкиб, йиглаб Донишмандга ялина бошлади:

- Дехқонга тасанно айтиш керак, - дедим овозимни кўтариб. - Йил ўн икки ой тиним билмайди. Эрта баҳордан ишни бошлаб, у ёғи ёзни ёз демай, кузни куз демай даладан бери келмай меҳнат қилади. Энди уйга келиб дам олай деганда бирдан момақалдирак гулдираб, баҳор келиб қолади. Бир пиёла чой хўплаёлмай яна далага отланади. Дехқонмисизлар ўзи?

- Қаёқда, деди ўтириб олиб сигарет тутатаётган соч-соқоли ўсган йигит хафсаласизгина.

- Унда кимсизлар?

Йигит бизга синовчан бир қараб олди.

- Узоқ кишлоклардан келган ҳашарчилармиз, - деди йигит сигарет дудини пуфларкан. - Уч ой бўлди келганимизга. Колхозчи сифатида олиб келишди. Бу ёғи янги йил яқинлашиб келаяпти-ю, биз ҳалиям дийдираб юрибмиз. «Тер» дейишади. Кесакни терамизми? Битта-яримта лойга қоришиб кетганлариниям топиб тердик-ку.

Даланинг ўртасида тимирскиланиб юрган бояги аёл бир этакча пахтани орқалаб келиб нарироқдаги қизларнинг ёнида тўхтади. Пахтасини ерга қўйиб, устига ўтириб олди. Бизнинг унга тикилиб қолганимизни кўриб йигит қўл силтади:

- А, кеча бошқалардан сал кўпроқ тергани учун уч сўм мукофот олган эди. Шундан

руҳланиб орқа-олдига қарамай тераяпти.

- Кўринишидан онам қатори бўлса керак. Шу аёл ҳам ҳашарчимми?

- Чигирткадеккина бир касалманд қизи бор экан. Кўярда-қўймай бу ёққа олиб келишибди. Бир ой ўтар-ўтмас бечора қизни кишлоғига жўнатишга раисдан розилик сўради. Ўзи эса қизининг ўрнига қолиб пахта териб юрибди.

Шофёр хўрсиниб қўйди:

- Аслида ҳамма нарса инсон саломатлиги учун хизмат қилмоғи лозим. Аммо бизда бунинг акси, яъни инсон саломатлиги ҳамма нарса учун сарфланиши керак.

Ҳа, мактабда ўқиб юрганимизда бизни ҳам ҳашарга олиб боришарди. Кун бўйи эгатдан бош кўтармас эдик. Кечкурун эса директоримиз ҳаммамизни йиғиб кунлик сарҳисоб ўтказарди. Мўлжалга етказиб терган ўқувчиларни мактарди-да, етмаганларни яна далага қайтарарди. Тракторнинг чироқларини ёқиб қўйиб: «Мана шу чироқ ёруғида терасанлар. Нормани бажармаган киши ётоқхонага ҳам бормайди, овқат ҳам емайди», - дерди. Ҳаммамиз дийдираб ярим кечагача пахта терар эдик. Ярим тунда зах босган ётоқхонамизга судралиб кириб борардик.

- Туринглар, туринглар, раис келаяпти. Ҳамманг эгатиинга эгил, деб кимдир қичқира бошлади.

Овоз келаятган томонга қарадим. Уюб қўйилган бир тўда пахтанинг устида боя юзига телпагини қўйиб ётган табелчи саросимада югуриб келаяпти. Узоқда «УАЗ» машинаси елдек учиб келаяпти. Уни кўришлари биланок теримчилар ҳам кимирлаб қолишди. Лекин тўрт-бешта жонига текканлари ҳадеганда ўрниларидан кўзғалишмади.

- Кимга айтаяпман, туринглар, одамга ўхшаб ҳаракат қилинлар, - яна ўдағайлади табелчи.

- Мунча куйиб-ёндингиз, гўзапояни синдириб терайми? - деди соқоли ўсган йигит.

- Ҳозир муҳокама қиладиган пайтми, ука. Ҳеч бўлмаса раис кетгунча энкайиб тур, майиб бўлиб қолмассан-ку. - Табелчи менга ўгирилди.

- Сен нимага қаққайиб турибсан, энкай.

Шошиб қолдим. Қарасам, ҳамма эгилганча пахта тераётгандек кўлларини ҳаракатлантиришяпти. Шофёр ҳам белига этак тақиб олибди. Нарироқда бир неча этак ётган экан. Югуриб бориб бирини олдим-у, эгатга эгилдим. Ивиган кесакми, тошми, тўғри келганини этакка териб келаяпман. Онда-сонда лойга қоришиб кетган пахталар ҳам учраб қолади.

Ваҳима билан келган машина эгат бошида тўхтади. Ундан шляпа кийган уч киши тушди. Олдинги ўриндиқдан тушган салобатли кишининг эғнида қора пўстин, бошида қора

шляпаси бор эди. Раис бува деганлари шу киши бўлса керак. Табелчи югуриб бориб эгилганча кўш қўллаб салом берди. Раиснинг ковоғидан қор ёғарди.

- Қани бугунги уйган хирмонларинг? - деди у табелчига ўқрайиб. Табелчи бечора қалтираб қолди. Қўрка-писа нарида турган бир уюм пахтани кўрсатди. Раиснинг кўзлари чақчайиб кетди.

- Ҳали кун бўйи терганларинг шуми? Ахир, очофатлар, бу еган овқатларингни ҳам қопламайди-ку. Минг лаънат сенларга. Боқи-мандасанлар. Қани бригадиринг, анави нон емас Кўчқор?

- Пунктга кетган эди.

- Кечкурун идорага боринглар. Икковингнинг ҳам каллангни узиб оламан.

Раис машинага минмоқчи бўлиб энди бурилган эди, бирдан тўхтади:

- Ие, ҳа, бегойим, нима қилиб ялпайиб ўтирибсан? - Қарасам, ҳалиги қизининг ўрнига келган аёл биқинини чангаллаганча этакдаги пахтасининг устида ўтирибди. Раиснинг саволидан кейин хиёл ўрнидан кўзғалиб, инграниб жавоб қилди:

- Бекор ўтирганим йўқ, раис бува, анчагина пахта тердим.

- Э ҳа, сен анави аёлсан-ку. Кечаги рағбатлантирганимиздан кейин талтайиб қолдингми?

- Йўғ-е, раис бува, мен ҳали тераман. Шу, биқиним санчиб қолди-да.

- Ўзингни касал қилиб кўрсатмоқчимисан? Қизингнику бетоб деб жўнатиб юбординг. Бунақа нағма қилаверсанг, билиб қўй, қизингни ҳам олиб келиб, иккалангни ҳам итдай ишлатаман.

- Қўйинг-е, раис бува, мен касалман демаяпман-у, биқиним бироз санчиб қолди-да, ўтиб кетади. Қизимни овора қилманг, мен ўзим тераман қанча пахтангиз бўлса. - Аёл бир амаллаб ўрнидан турди-ю, оғрикнинг зўридан «их» деб энкайиб қолди.

- Ўв, текинтомоқлар, - деди раис овозини баландлатиб, - кечгача ўттиз кило пахта термаганга овқат йўқ.

- Раис бува, теравериб далада пахта тугул кесакни ҳам қолдирмадик-ку. Энди ўзимизни торттирагимиз тарозига, - деди соқоли ўсган йигит. Бу гап зимистонда чақнаган чакмоқдек бўлиб кетди. Раиснинг лаблари учди:

- Провакатор. Сен баччағар кеча ҳам шунақа луқма ташлаётган эдинг. Ўлгинг келаяптими? Сенга ўхшаганларни тўпнинг оғзига боғлаб отиш керак. Гап шу, кечгача мен айтган нормани бажармасанг, тилингни суғуриб оламан.

Раис «аёёнлари» билан машинага минди-ю, эшикни «қарс» этиб ёпди. Машина йўлига

қайтиб кетди. Ҳашарчилар табелчининг «энкай» дейишига ҳам қарамай қадларини ростлашди. Ҳаммамиз «вахимали машинанинг» ортидан қаҳр билан қараб қолдик. Машина узокда кўриниб турган ойнабанд иморатнинг олдида етганда тўхтади. Раис бояги икки киши билан машинадан тушиб, уйга кириб кетди.

- Раиснинг идораси ўшами? - сўради Шофёр табелчидан.

- Йўқ, - жавоб қилди табелчи хомуш, - у шийпон. Бояги икки киши райондан келган. Катталардан. Кун бўйи юриб чарчашгандир. Бирор зиёфат ташкил қилишса керак-да.

Шофёр ялт этиб менга қаради:

- Юр, кетдик.

- Қаёққа? - ҳайрон бўлди табелчи.

-Биз сизнинг ҳашарчиларингиз эмасмиз. Биз бошқа бригадага келганмиз. Ишонмасангиз санаб кўришингиз мумкин, иккаламиз ортук чиқамиз.

Машинанинг изидан тез-тез юриб кетдик. Қаерга кетаяпмиз, нима учун, буни Шофёр биледи. Йўл-йўлакай унга бирор савол бермадим. Аммо унинг қандайдир муҳим иш қилмоқчи бўлаётганини сезиб турибман.

Шийпонга етиб борганимизда Шофёр тўхтаб, атрофга аланглади:

- Болакай, раиснинг машинасини олиб қочамизми?

- Қочиб қаерга борамиз?

- Йигитларнинг олдига-да.

- Э, Донишманд «дум» етаклаб келма деган.

- Ҳа-я, тўғри айтасан.

Шу пайт шийпон ичкарасидан бир бақалоқ киши чиқиб қолди. Биз машинанинг орқасига ўтиб яшириндик. Бақалоқ киши нарироқдаги ўчоқ ёнига борди. Қозоннинг қопқоғини олиб, капкир билан кўзғай бошлади. Ош पिшаётган экан. Қопқоқни олиши билан атрофни ошнинг лаззатли иси тутиб кетди. Оғзимиздан сўлагимиз оқди. Бақалоқ киши қопқоқни яна ёпиб, ичкарига кириб кетди. Шофёр югуриб эшик олдига борди. Кетидан мен ҳам югурдим. Даҳлизнинг эшиги ланг очик. Ичкаридаги хонанинг эшиги эса ёпиқ эди. Ичкарида меҳмондорчилик қизияпти шекилли, кулги, гурунг авжида. Шофёр секин даҳлизга кирди.

- Болакай, мана буларни ол, керак бўлади, - деди Шофёр кирза этикларни кўрсатиб. Қувониб кетдим. Мана бу лаънати шиппақдан кутуладиган бўлдим-да. Лекин қандай олиб кетаман бунча этикни? Қарасам, бояги далада белимга боғлаб олган этагим ҳали ҳам турган экан. Шартта уни ечдим-у, этикларнинг ҳаммасини солиб олдим.

- Кетдик, энди қозонни оламиз, - деди Шофёр.

Югуриб ўчоқнинг олдига бордик. Шеригим менга «кетавер» ишорасини қилди-ю, ўзи шоша-пиша камзулини ечиб, қозоннинг иккала қулоғидан маҳкам ушлади-да, кўтариб чопди. Икковимиз шийпоннинг орқа томонига ўтиб, пастликка югуриб кетдик. Шудгор оралаб лой кечиб жон-жаҳдимиз билан чошиб борардик. Хайриятки бахтимизга олдимиздан бир сувсиз сой чиқиб қолди. Сакраб тушдик-да, ҳаллослаганимизча ўтириб қолдик.

- Тўхтамайлик, қўлга тушиб қоламиз, - ундади Шофёр. Сои ичидан югуриб кетдик. Сои кургур ҳам унчалик чуқур эмас экан-да. Тик туриб чопсак, шийпондагилар кўриб қолиши шубҳасиз. Шунинг учун энкайиб чопдик. Бундай пайтда одамнинг бели қотиб, ўпкаси оғзига тикилиб қоларкан. Шу алфозда анча вақт сой бўйлаб югурдик. Менинг қўлимда бир этак этик, Шофёрнинг қўлида бир қозон ош. Шийпон ҳам узоқда қолди.

- Болакай, тўхтаб биров дам олайлик ҳам демайсан-а, - деди Шофёр ҳаллослаганча ошни ерга қўйиб чўккаларкан. - Жонинг тошданми дейман?

- Кувиб келишаётган бўлса-чи?

- Кўркма, энди топишолмайди. Ҳаммалари маст эди. Зўр келса бояги пахта тераётганларнинг олдига бориб суриштиришади. Энди унчалик кўркмасак ҳам бўлади. Кетдик, тепага чиқайлик, анави кирни ошиб ўтамыз.

Сойдан чиққанимиздан кейин атрофга алангладим, ҳеч ким йўқ. Хўв узоқдаги пахта тераётганларнинг олдида ҳам ҳеч қанақа машина кўринмайди. Демак, ошхўрлар уларнинг олдига боришмаган. Балки боришган бўлса ҳам жўнаб кетишгандир. Биз бамайлихотир кирга ўрлаб кетдик.

XVI б о б

Оқсоқол топган кулба тоғнинг анча баландроғида экан. Деворлари анча эски, томи лойсувоқ қилинган, аммо дераза ва эшиклари ёмон эмас экан. Оқсоқол одамлардан суриштириб билсаки, бу уй бир чўпонники эмиш. Чўпон ёзда шу уйда яшаб, қишда болачақаси билан қишлоққа кўчиб кетаркан. Эшикка кулф уриб кетибди. Оқсоқолнинг буйруғи билан Шофёр кулфни тош билан уриб бузди. Эшикни очиб, ичкарига кирдик. Уй ёмон эмас, Чўпон ўзи кўчиб кетса ҳам ортиқча кўрпа-тўшақларини қолдириб кетибди. Авваллари қишда ҳам шу уйда яшаган шекилли, бурчакда гиштдан қурилган печка ҳам бор экан. Печка устида тутундан қорайиб кетган тунука чойнак, катта-кичик бир неча идиш-товоқлар, ҳатто қошиқлар ҳам бор. Печка

ёнидаги қоғоз қутида беш-олтита шам ва бир қутида гурт ҳам турарди. Ерга қатор қилиб эски шолчалар тўшаб қўйилган. Биргина хонадан иборат бўлган бу уй унчалик тор ҳам, кенг ҳам эмас, аммо бизнинг кўзимизга бу жаннатмакондек кўринар эди.

Биз топилдик кулбада нақ бир ярим ойча истикомат қилдик. Бу орада кўпгина қишлоқларга «хизмат сафарига» чиқиб келдик. Турли-туман одамларни учраттик. Улар орасидан Оқсоқолимиз ўзининг тузилажак «Озод жамияти» учун вакиллар топган-топмагани бизга қоронғу. У ҳамон тунд, жиддий ва ўйчан қиёфада юрарди.

Эрталаб кулбада совқотиб уйғондим. Тонг аллақачон ёришган, Оқсоқол Донишманд ва Ғалвани эргаштириб учтерак қишлоғига «овга» кетган.

Шофёр икковимиз яқинлашиб келаётган янги йил кечасига обдан тайёргарлик кўриш топшириғини олиб, шу ерда қолганмиз. Шу боис апил-тапил бир тишлам қаттиқ нон билан тамади қилдик-да, тоғ тараф ўрлаб кетдик. Шофёр каклик ушлаймиз деган. Шунинг учун олдинга юриб янаям тепаоққа ўрларди. У каклик тутишга уста бўлиб қолган. Ўтган ҳафтада ҳам бир талайини тутиб келиб қовурди. Яна бир қанчасини қишлоққа олиб бориб сотиб келди. Шунинг учун қўлига қопни олиб, дадил ўрлапти. Мен эса чарчадим.

- Бўлди, у ёғига боролмайман. Мен шу ерда кутиб тураман, - дедим халлослаб.

- Яхши, - деди Шофёр, - мен тезда қайтаман. Бекор ўтирмай анави буталарнинг шохини синдириб тур, ўтинликка ярайди.

Катта харсанглардан бирининг қорини сидириб, бир оз дам олиб ўтирдим. Сўнг қуриган бута шохларини бир кучоқ қилиб синдириб келдим. Шофёр ҳам ҳадеганда қайтавермади. Ўтинни ерга қўйиб, усига ўтирганимча уни кута бошладим.

- Қалайсан, Болакай! - деган овоздан сесканиб кетдим. Шофёр қўлида қопи билан ёнимда турарди. Оғзи қулоғида. Қоп ичида какликлар кўп бўлса керак, типирчилаётганидан сезилиб турибди. Қойилман Шофёрга, бало экан.

- Овингиз бароридан келдими дейман?

- Келганда қандай! Бугун янги йил кечамиз ажойиб ўтадиган бўлди-да!

- Ҳа, ажойиб бўлса керагу, аммо янги йилни ўз уйингда кутганинга не етсин!

- Нима, сен бу ерда кутаётганингдан норозимсан?

- Йўқ, нега энди. Бироқ ўз яқинларинг, ёру биродарларинг даврасида янги йил кутишни гашти бошқача.

Шофёр хомуш тортиб қолди.

- Янги йилни қаерда кутишнинг менга фарқи йўқ. На уйим бор, на ёр-биродарим, - деди хўрсиниб.

- Нима учун?

- Ох, Болакай, ичимни таърифлаб бўлмас дард кемиради. Гоҳо бу дард мени адоий тамом қиладигандек, жисми-жонимга азоб бериб, умримга зомин бўладигандек туюлади. Бир неча йилдирки, умрим азобда. Аслида биз ҳам бошқалардек оддийгина яшаб юрардик. Оилада тез-тез дадам билан онам ўртасида даҳанаки жанжал бўлиб турарди. Дадамнинг жазаваси тутса, укам, Тима иккаламизни бўлар-бўлмасга қайиш билан саваларди. Шунинг учун кўпинча дадам маст бўлиб келганида Тима икковимиз кўчага қочиб кетардик. Дадам бегона бир аёл билан илакишиб қаёққадир бутунлай кетиб қолди. Шундан кейин онам ҳам ароқ ичадиган, Тимофей иккаламизни бўлар-бўлмасга қарғайдиган одат чиқарди. Йиллар шу зайлда зерикарли ўтиб бораверди. Мен таксопаркка ишга кирдим. Тима эса мактабга ҳам бормаи кўйди. Онам ичкиликка берилиб кетгач, атрофида бегона эркаклар айланишиб қолди. - Шофёр оғир хўрсиниб, кўлидаги қопга қаради. Қоп ичидаги какликлар совқотишяпти шекилли, тинмай типирчилашади. - Бир куни эса даҳшатли воқеанинг гувоҳи бўлдим. Уйимиздаги эски оёқ кийимлари турадиган сандикда икки халтача наша турганлигини қўриб қолдим. Кейин билсам, бу оғу онамнинг танишлариники экан. Мен онамни бу йўлдан қайтармоқчи бўлдим. Аммо онам уйдан кетиб қолди. Бир ҳафтадан кейин эса шаҳар чеккасидаги бутазордан унинг жасади топилди. Мен қотилларни топишга, улардан ўч олишга бел боғладим. Сандикдаги нашани участка милициясига топширдим. Бу орада безорилар, балки онамнинг қотилларидир, Тимани кўчада роса калтаклашиб, ўласи қилиб ташлаб кетишибди. Шундан кейин Тима ҳам ғойиб бўлиб қолди. Кўшнимиз Екатерина Михайловна шаҳар ташқарисидаги дачасида эканида Тиманинг қайсидир автобусда кетаётганлигини кўрибди. Лекин унинг қаёққа кетганлигини ҳеч ким билмайди. Мен бутунлай гангиб қолдим. Участковой ўзини менга дардкашдек қилиб кўрсатди. Бир рюмкадан коньяк ичдик. Коньякка яна нимадир қўшиб берган экан шекилли, у ёғи нима бўлгани менга қоронғу. Кўзимни очганимда жиннихонада эканлигимни пайқадим. Мен энди бутунлай мағлуб бўлганлигимни англадим. Жинни деган тавқи лаънат бўйнимга осилди. Жиннилар орасида яшаганимдан кейин ўзимни жинниликка солишга мажбур бўлдим. Лекин баъзида кундан-кунга ростакам жинни бўлиб бораётганимни

сезиб қолардим. Кўзимга юм-юм ёш келарди. Аммо бари бир жиннихонадан қочишим керак, деган ният сўнмади. У ердан қочиб, укамни қидириб топишим керак эди. Ахир, жиннилар орасида бир йил яшаш қанчалар машаққат эканини билсанг эди. Оқсоқолнинг қочиш ҳақидаги режасини эшитдим-у, севиниб кетдим. «Укамни топаман» деган умид янада аланга олди. Укам тирик, Тимофей тирик! У қаердадир яшяпти. Мен уни албатта қидириб топаман!

Шофёрнинг кўзларига яна ёш қалқиди. Бу кўз ёшлари унинг юрак-бағрини кемираётган дарду аламлардан нишона бўлса ҳам, аммо оппоқ қорли тоғ чўкқиларига тикилаётган мовий кўзлари сўнмас умид ҳисларини намойиш этиб турарди. Бу кўзларга қараб менинг ҳам юрагимда қандайдир туйғулар тугёни кўпириб кетди. Ахир, инсон жисму жонига шунча азоблар нимага керак? Нимага инсонлар бир-бирига рақиб бўлади? Нима учун бир-бирларини йўқотади?

Шофёр кўлидаги қопни елкасига олди-да, секин-аста пастга туша бошлади. Мен ҳам бир кучоқ ўтинни орқалаганимча пастга йўл олдим.

XVII б о б

Янги йилни жуда ажойиб кутиб олдик. Яхшигина тайёргарлик ҳам кўрган эдик-да. Фарибона дастурхонимизни ҳам ўзига хос тузадик. Донишманднинг калласи бор-да. Хув унда ортиб қолган бир жуфт этикни қишлоққа олиб тушиб, эскироқ бўлса ҳам битта қўл соатига алмаштириб келибди. Ахир, янги йилнинг кирганини соатсиз билиб бўлмайди-ку. Хуллас, янги йил дастурхони атрофида ўтириб, яхши-яхши ниятлар қилдик. Оқсоқолнинг ҳам чехраси очик эди. Ҳаммамиз ўзимиз билган-кўрган қизик-қизик воқеаларни эслаб ўтирдик. Сўнг ўйин-кулги ҳам қилдик. Ғалва ўз билганича қўшиқларни аралаш-қуралаш қилиб айтиб турди.

Бугун якшанба. Янги йил кечасидан бери биринчи якшанба. Бир-икки кундан бери куёш чарақлаб тургани учун ерда қор қолмаган, ҳаво ҳам анча яхши эди. Оқсоқол икковимиз Дакангхўроз қишлоғидаги бозорга борадиган бўлдик. У ерда фақат якшанба куни қизгин олди-сотди бўларкан.

Мана, шундай қилиб Дакангхўрозга етиб келдик. Кўча тўла одам. Бозорга борувчидан ҳам кўра қайтувчи кўпроқ. Кимдир сигир етаклаб, биров бир тўда қўйни ҳайдаб, яна аллаким бир қоп нарсани эшагига ортиб қайтапти. Бозор жуда қайноқ, ҳовури баланд. Бозор ичкарасига киришимиз билан кабоб ҳиди димоғимизга урилди. Шовқиндан одамнинг

кулоғи битай дейди. Бу бизнинг Нурбулокнинг бозоридан ҳам катта экан. Одамлар ҳам ниҳоятда кўп. Ҳар ким ўз молини мақтаб бакираяпти. Биз ҳеч бирини суриштириб ҳам кўрмаймиз. Ўзингизга маълум, менинг нафсим бироз шўхрок. Лавлаги фуруш ҳил-ҳил пишган лавлагисини, тарвузфуруш музлаган бўлса ҳам қоп-қора тарвузини мақтаганида оғзим сув очиб кетди. Айниқса, олмалар сотилаётган қатордан ўтаётганимизда хушбўй ҳидидан бутунлай иштаҳам карнай бўлиб кетди. Бир олмафуруш олтиндек товланиб турган сапсарик олмани кўлига олиб, одамларнинг нақ тумшуги тагига келтириб мақтаяпти.

- Ҳидини кўринг буни, ҳидини. Бошқа жойларда бунинг ҳидини фалон сўм сотишяпти. Мен бунинг ўзини сув текинга сотаяпман-ку. Еган одам юз йил яшайди.

Мен ҳам унинг олдига яқинроқ борган эдим, худди шу мақтовни такрорлаб олмани бурнимнинг тагига келтирди. Азбаройи ҳавасим келганидан олмани ғарч эткизиб тишлаб олибман. Тишлаган бўлакни еб, буриляётган эдим, олманинг эгаси елкамдан тутди.

- Олмани оласанми, ука?

- Йўқ, - дедим хотиржам.

- Нега?

- Мен юз йилдан кўпроқ яшамокчиман.

- Унда тишлаган олмангнинг пулини тўлаб кет, номард. Бу олманинг донаси бир сўм туради-я.

Сотувчининг менга ёпишиб олганини Оқсоқол кўрган экан. Шартта олдимизга келиб олмафурушга дўқ урди:

- Олмангни бошинга ёстик қил. Кўйиб юбор буни.

- Олмафуруш пусиб қолди. Оқсоқол менга ҳам танбеҳ берди.

- Бебошлик қилма, Болакай.

Биз олмафуруш, жийдафуруш, туршакфуруш ва бошқа «фуруш-фуруш»ларнинг орасидан ўтиб, бозорнинг ҳам чеккасига чиқиб қолдик. Бир пайт кўлимдан қандайдир ожиз бир куч тортаётганини сездим. Бурилиб қарасам, ўн-ўн икки ёшлардаги бир бола мўлтираб қараб турибди.

- Ҳа, укажон, тинчликми?- дедим. Бола олдига челақка энгашди. Атрофга олазарақ қараб олди-да, челақнинг оғзига ёпиб кўйилган латтани олди. Челақ тўла тухум эди.

- Ака, мана бу тухумларни олинг, - деди бола. - Ўзимнинг товўқларимники, авайлаб йиққанман. Жуда яхши тухум. Арзонга сотаман. Неча пул олсангиз ҳам майли, фақат, шу тухумни олинг, жон ака. Уйимизда пулимиз йўқ.

- Етимчамисан?

- Йўқ, етимча эмасман. Дадам ароқ ичиб ҳамма пулимизни тугатиб қўйди. Буни дадамдан яшириб олиб чиқдим. Онам билади.

Боланинг кўзларида ҳам мунг, ҳам ҳадик, ҳам нажот ҳисси ҳукмрон эди. Унга жуда раҳмим келди ва шу тобда кўмақ ҳам бергим келди. Қарасам, Оқсоқол бозорнинг хув нариёғига бориб қўйибди.

- Укажон, шу ерда туратургин, мен ҳозир келаман, - дедим-да, уларнинг кетидан югурдим. Нима бўлса ҳам Оқсоқолдан пул олиб мана шу тухумларни сотиб олишим керак деб ўйладим. Лекин сал юрганимдан кейин орқадан «кўйиб юборинг» деб зорланиб йиғлаган бола товуши эшитилди. Сесканиб кетдим. Шахт бурилиб бояги бола турган жойга қарадим. Не ҳолки, милиция формасидаги киши бир қўлида ҳалиги челақни кўтариб, бир қўли билан боланинг нимжон кўлидан маҳкам ушлаб судраб кетаётган эди. Бола «кўйиб юборинг, бошқа сотмайман» деб зорланиб йиғларди. Атрофдаги одамлар эса томошабин.

- Сен зумрашага бозорда савдогарчилик қилишни ким қўйибди. Маҳкамага юрчи, сени ҳам, сени муштдай бошингдан бозорга ўргатган отангни ҳам қамайман, - деб ўшқирди формали киши. Болага ҳеч ким ёрдам берай демайди. Эндигина ўша ёққа отилмоқчи эдим, кимдир билагимдан тутиб қолди. Қарасам, Оқсоқол экан.

- Ўзбошимча бўлиб кетаяпсан, Болакай, - деди Оқсоқол жаҳди чиқиб. - Мендан ажралма деган эдим-ку. Қалтис ишларга аралашиб ўзингни ҳам, бизни ҳам хатарга қўяяпсан.

- Болага ёрдам бериш керак.

- Бунинг асло иложи йўқ. Юр, кетдик.

Шу тобда бола бечорага ёрдам бергим, уни кутқариб қолгим келди-ю, аммо Оқсоқолнинг амри вожиб. У бирон нарсани билмаса гапирмайди, жуда эҳтиёткор одам. Шунинг учун ноилож унинг кетидан эргашдим. Биз расталар орасидан ўтиб гилам бозорига кирдик. Гилам бозори кўзни яшнатади. Турфа ранг ва шакллардаги гиламлар чиройини кўз-кўз қилиб харидорларни ўзига тортади. Тортишув зўр. Харидорлар тирриқлик қилиб баҳосига етишолмаяпти. Ўзимча шу гиламлардан бирига харидор ҳам бўлмоқчи бўламан. Бироқ «битимга савдолашаманми» дейман. Сўнг, мол бозорига ўтдик. Эҳ-ҳе, бозорнинг қизиғи шу ерда экан. Ориққина бузокдан тортиб уйдек келадиган хўккизгача қатор қилиб қозикқа боғлаб қўйилган. Битта молга харидор чиқса, йигирма-ўттиз чоғли одам ўраб олиб «ана кетди, мана кетди» қилишаркан. Сотувчи ва харидордан ҳам кўра ўртадаги даллол куйиб-пишади. Бозорнинг энг олди бўлган бир хўкизнинг

савдосига қирқтача одам томошабин бўлди-ёв. Мол эгаси бир минг икки юз деди. Харидор саккиз юзни гапирди. Охири даллолнинг кучи, томошабинларнинг «ол-ха ол» и билан ҳўкиз минг сўмга кетди. Шу пайт бояги тухум сотмоқчи бўлган болага кўзим тушди. Бола нарироқда кўзлари мўлтираб, алам билан лабини тишлаб бир харсангнинг устида ўтирарди. Секин унинг олдига бордим.

- Ҳа, укажон, нега мунча хафасан? - сўрадим ундан.

- Э,-деди бола йиғламсираб.

- Тухумларинг қани, менга сотмоқчи эдинг-ку?

- Олиб кўйишди. - Бола йиғлаб юборди. - Челак-пелаги билан олиб кўйишди. Беринг деган эдим, бермади. Бор йўқол деди. Ҳали мактабимга ҳам хат ёзармиш.

Ҳазабим қайнаб кетди. Қани эди қонун мени ҳам ҳимоя қилса-ю, ўша ноинсофнинг ўзини шармандасини чиқарсам. Ўша бир челак тухумни олиб «ма, нафсинг тўлғунича е» деб бутунича унинг оғзига тиксам.

- Ушла, ўғрини! Вой-дод, одамлар, пулимни ўғри олиб қочди! - деган ҳайқирик эшитилиб қолди. Бир сесканиб, овоз келаётган томонга қарадим. Бозор дарвозаси яқинида бояги минг сўмга ҳўкиз сотган киши фарёд солиб чопиб кетаётган эди. - Қочди, дарвозадан чиқиб қочди, ушланглар!

Бозорда олагувур бошланди. Ҳамма ҳар ёққа югуриб қолди. Мён ҳалиги болани ҳам унутиб Оқсоқолнинг олдига югуриб бордим. Оқсоқол одамлар орасидан тез-тез юриб, ҳар замонда атрофга олазарк қараб оларди. Назаримда у кимнидир кўзлаб борарди. Пайқадим, у ҳув наридаги оломон орасидан тезроқ чиқиб кетишга уринаётган соқол-мўйлови ўсган баққувват кишини назардан қочирмай бораётган эди. Соқолли киши ҳам Оқсоқолга тез-тез ҳадиксираб қараб кўярди. Биз ҳам Оқсоқолга эргашиб бораёпмиз. Соқолли киши оломон орасидан чиқиб, қадамни тезлатди. У дарвозадан чиқиши ҳамон Оқсоқол бизга «Сен кулбага, Менинг ҳисоб-китобим бор», - деди-ю, югуриб кетди. Шу ҳолатда Оқсоқолни ёлғиз юбориб бўлмасди. Қолаверса, унинг нима учун соқолли кишини қувиб кетганига жуда кизикдим у югуриб кетдим.

Югуриб бозордан чиққанимда Оқсоқол ҳалиги кишини деворларни паналатиб қувиб кетаётган экан. Мен ҳам ўзимни уларга сездирмадим. Оқсоқол мени кўриб қолса ортимга қайтариб юбориши мумкин-да. Соқолли киши чолдевор уйларнинг орасидан ўтиб, тепаликка қараб қочди. Оқсоқол энди ялангликка чиқиб олганликлари учун жон-жаҳди билан

қувиб кетди. Буни кўрган соқолли киши ҳам бўридан қочган қуёндек бор кучини оёққа берди.

XVIII б о б

Мен чолдеворнинг панасида уларнинг имкон қадар узоклашишини кутиб турдим. Улар эса кимсасиз тепаликка ўрлаб кетишди.

- Тўхта, каламуш, бари бир мендан соғ қутулмайсан, - кичкирди Оқсоқол. Соқолли киши эса жон-жаҳди билан қочиб борарди. Улар тепликка чиқиб кетишгач, кетидан мен ҳам югурдим. Халлослаб тепаликка чиққанимда ҳеч зоғ кўринмас эди. Ҳар жой-ҳар жойда чолдевор уйлар ҳувиллаб ётарди. Уларнинг нарироғида деворлари нурган эски мачитни кўрдим. Одам қуш эмаски осмонга учиб кетса, курт эмаски ерга кириб кетса. Анави иккаласи ҳойнаҳой мачитга кириб кетгандир деб ўйладим. Деворларни паналаб мачитнинг олдига бордим. Ҳамма ёқ ҳувиллаб ётибди. Мачит жуда эскирган, атрофларида чириган хас-хашакларнинг уйилиб ётганидан яқин орада бу томонларга инсон қадами тегмагани кўриниб турибди. Эшигининг бир табақаси синиб қийшайиб ётибди, бир табақаси эса бутунлай йўқ. Гумбази ҳам ёрилиб кетибди. Кўрқа-писа мачитга янада яқинроқ бордим. Ичкаридан бақирик овозлари сал-пал эшитилади. Секин орқа томонга ўтдим. Бу ерда томга олиб чиқадиغان зина бор экан. «Балки тепада бирорта ўйиқ жойи бўлса ичкарига қарарман» деган ўйда зинадан кўтарилдим. Томга чиққанимдан кейин гумбаз бўйлаб айланиб юра бошладим. Бир пайт юраётган йўлимдан бир ўйиқ жой чиқиб қолди. Ўйиқнинг ичи қоп-қоронғу, лекин у ерга олиб тушадиган зинаси бор экан. Аввал тушишга кўрқдим. Аммо унинг ичига разм соламан деб энкайганимда ичкаридан бояги бақириклар эшитила бошлади. Бирданига миямга ярқ этиб бир фикр келди: балки бу мачитнинг ичига олиб тушадиган йўлдир! Нима бўлса бўлар дедим-да, таваккал қилиб зинага оёқ кўйдим. Қоронғилик қаърига кириб бораётганимдан жуда кўрқиб бораёпман. Аммо зинадан пастлаганим сайин хириллаган, инграган даҳшатли овозлар тобора аниқроқ эшитиларди. Зина ҳақиқатан ҳам мачитнинг ичига олиб тушаркан. Торгина бир ҳужрага тушиб юлдим. Ҳужранинг белим баробар кичкина икки табақали эшиги бўлиб, бир табақаси синиб ётибди. Кўрқа-писа секин ичкарига мўраладим. Мачитнинг ичи анча катта экан. Шамолда учиб кирган хас-хашак, қоғоз, латта-путталар сочилиб ётибди. Оқсоқол бояги соқолли кишини ётқизиб бўғиб олиб, аямасдан қорнига, юзига мушт

тушираяпти. Рақибнинг оғзи-бурни қон бўлиб кетган. Деворларга ҳам қон сачрабди. Оқсоқолнинг ҳам кўллари кип-қизил қон. Серсоқол нукул хириллаб дод солади:

- Мен эмас, мен эмас! Менинг гуноҳим йўқ.

- Ундай бўлса ким? Кимлигини айт! - ўшқирди Оқсоқол, кўзлари қонга тўлиб.

- Айтаман, ҳаммасини айтаман. Қўйиб юбор, - деди соқолли киши инграб. Оқсоқол унинг устидан тушди. Соқолли киши деворга суяниб чуқур нафас олди.

- Менга қара, Каламуш, ҳаммасини рўй-рост гапирасан. Йўкса тилингни суғуриб оламан-да, каллангни мачит гумбазининг учига илиб кетаман.

- Билардим, шундай бўлишини олдиндан билардим. Сенинг жиннихонадан қочганингни эшитган эдим, Тўқмоқ. Бир кун келиб мени ҳам йўқлаб қолишингни билардим. Бизнинг ўйинимиз қалтис эди. Ҳаммасини бошлаган ўша Қорабош.

- Қорабош ҳозир қаерда?

- Ўлган.

- Ёлғон гапираяпсан, ит эмган!

- Ёлғон бўлса тилимни суғира қол. Ўйнаши заҳар бериб ўлдириб, чет элга қочиб кетибди. Шундан кейин болалар тарқаб кетишди. Ҳар ким ўз бошига насиба териб юрибди.

- Боя бозорда бир бечоранинг пулини олиб қочган йигит сенинг шеригингни?

- Ҳа, шеригим. Ўзим ёлғиз ишлаёлмайманку ахир. Бу ерда эканлигингни билганимда бозорга кирмаган бўлардим. Лекин тақдирим қисган экан-да.

- Қаердан топдинг у иприскини?

- Челақдан. Биттасининг кўлидан қутқариб олдим. Ҳали гўра экан, сездириб қўяпти.

Оқсоқол Каламушга қаттиқ тикилди-да, қандайдир нажот оҳангида сўради:

- Тўғрисини айт, менинг хотиним билан қизим қаерда?

Каламушнинг кўзлари бежо бўлиб қолди бошини елкасининг ичига тортди.

- Сендан сўраяпман, ит эмган, гапир!

- Улар йўқ. - Каламуш қалтираб гапирди. Оқсоқолнинг овози эса портлагандек бўлди.

- Нега йўқ? Қаерда улар?!

- Ўлган.

Оқсоқол мачитни бузгудек ўкириб юборди.

- Нега ўлади? Қайси биринг ўлдирдинг уларни? Уларда нима гуноҳ бор эди? Ўзимни қийнаганларинг камлик қилдимиз? - Оқсоқол даҳшат билан Каламушнинг бошларига аямасдан мушт ёғдирди, биқинига кетма-кет тепди. Каламуш ўласи ҳолатга келиб додлади, ўлардек қусди. оқсоқол унинг ёқасидан бўғиб кўтарди. Ўтқизиб деворга тиради-да, яна сўроққа

тутди.

- айт, ҳароми, қайси биринг ўлдирдинг?

- Тўнғиз ўлдирди. Сени жиннихонага ташлашгандан кейин Қорабош хотининг билан қизингни ўлдиришни Тўнғизга топширди.

- Тўнғизнинг ёлғиз ўзи эдимиз?

- Йўқ. Қирғий унга кўмаклашди. Иккови уларни кечаси Дарғомга чўктириб юборишибди. Бунинг эвазига улар Қорабошдан жуда катта сийлов олишди.

- Сен томошабин бўлдингми?

- Қорабошдек аждарлар турганда мен нима ҳам қила олардим.

- Сен ҳам ўшаларга шериксан, ҳароми. - Оқсоқол Каламушнинг қорнига яна бир мушт урди. У инграб юборди.

- Жиннихонадан қочганимдан бери Тўнғизни қидираяпман. Ҳеч қаерда йўқ. Аминманки, сен унинг қаердалигини биласан. Айт, қаерда у?

- Аниқ манзилини билмайман. Эшитишимча Нуротанинг йўлидаги қайсидир қишлоқда яшармиш.

- У ёлғиз ўзи юрибдимиз?

- Ёлғиз эмас, Қирғий билан ишлаётган экан. Бир ой олдин мана шу бозорга ҳам бир машина қўйни олиб келиб пуллаб кетибди Қирғий иккаласи. Мен Самарқандда эдим, уларни кўрганим йўқ.

- Демак, ялло қилиб юришибди дегин? Ўлдираман! Барибир топиб ўлдираман! Унақа ифлосларни ер юзидан қуритганим бўлсин. Агар мени алдаган бўлсанг сенинг ҳам терингга сомон тикаман. Мен энди ҳалол одамларнинг чўнтагини урадиган Тўқмоқ эмас, одамзотнинг номини булғаб юрадиган ифлосларни урадиган Тўқмоқман. Ўша Тўнғизингни ҳам, Қирғийингни ҳам топиб, ўлдираман! Пичоқни уларнинг маразларига тўлиб кетган юрагига солиб бурайман. Токи ўша ифлос юракдаги ифлос қонлар тупроққа қоришиб кетмагунча бурайвераман, бурайвераман! Йўқ, йўқ, тупроққа ҳам тўкмайман. Унда покиза она тупроқни ҳам булғаб қўйган бўламан. У қонлар ер бағридан яна униб чиқиб, яна ёмонликнинг уруғи тарқалиши мумкин. Мен уларнинг қонини биронта идишга соламан-да, ўтда қуйдираман. Ҳа, ҳа, энди мен ўғри эмас, инсонман! Менга қара, Каламуш, наҳотки шунча дарду бало, шунча машмашалардан кейин ҳам кўзинг очилмаган бўлса?! Наҳотки ҳаётингнинг қолган қисмини ҳам мана шундай ифлосликларга булғайсан?! Наҳотки дунёга бир мартагина одам қиёфасида келасан-у, ҳақиқий одамдек яшамайсан?! Умринг давомида одамзотнинг шаънига иснод келтирасан.

- Нима, сенингча одамлардек яшайман деб бирим икки бўлмай далада қора терга ботиб

кетмон чопайми?! Хурмат билан хўрозқанд берди, деб бировларнинг товонини ўпайми?! Тузимни еб тузлиғимга тупурганларга «урра-урра» қилайми?! Одамдек яшаш деганинг шуми?!

- Эҳ, нокас, текинхўр банда! Агар сенга ўхшаган қорин бандалари, тайёрга айёрлар бўлмаса, ўшалар ҳам косаси оқариб яшашарди. Улар сенга ўхшаганларнинг касрига қолиб ночор ҳаёт кечиришмоқда. Лекин уларнинг инсонийлигини караки, шундай ҳолатда ҳам ҳаётдан нолишмайди. Эртанги кунга умид боғлаб яшашади. Ўша эртанги кунга ўзим етмасам авлодларим етсин, деб фарзандлар ўстиришади.

- Ақлли бўлиб қолган кўринадан, Тўқмоқ, - деди Каламуш мийиғида кулиб. - Илгари сен ҳам бизга ўхшаган ўғри, талончи эдинг.

- Ҳа, мен сенлар билан шерикчилик қилиб юрган ўғри эдим. Мени маст қилиб жиннихонага олиб бориб ташлаганларингда ҳам роса изтироб чеккан эдим. Аммо не бахтки, у ерда кўзим очилди, ҳаётни англаб етдим. Жинни бўлиб қоларман деб ўйласам, янглишган эканман. Қайтанга у ерга боришдан аввал гофил, калтафаҳм, жинни эканман. Йўқ, сен хато фикрга борма. Мени дўхтирларнинг дориси шу ҳолатга келтиргани йўқ. Кўзим очилишига ўша ерда бирга ётган бир ҳамхонам, бўйнига ноҳақдан «жинни» деган тавқи лаънат осилган бир бечора инсон сабабчи бўлди. Унинг ақл-заковати жуда ривож топган. Ақли заминда яшаётган оддий одамларнинг ақлидан юз чандон кучли. Шунинг учун ҳам у одамлар орасида яшай олмайди. Ундайларга ҳаётда кун йўқ. Ўзинг ўйла, ухлаётган одамлар уйғоқ одамни ёқтиришадими? Асло ёқтиришмайди. Чунки уйғоқ одам чироқни ёқиб ўтиради. Чироқнинг ёғдуси эса ухлаётганларни ширин уйқудан уйғонишга мажбур қилади. Шунинг учун ухлаётган бандалар уйғоқ одамни лаънатлайдилар. Ўша жинни саналган ҳамхонам чироқ ёқиб ўтирган одамга ўхшайди.

- Хўш, бу билан менга нима демоқчисан?

- Мана буни демоқчиман. - Оқсоқол Каламушнинг қорнига тепди. Ахир, шунча гапирган гаплари бутунлай зое кетган эди-да. Каламуш ҳиқиллаб чўзилиб қолди. - Майли, сен ҳозирча яшаб турақол. Балки биронта тажриба учун керак бўлиб қоларсан. Мен эса қандай бўлмасин бутун бошли оиламга, бутун умримга зомин бўлган Тўнғиз билан Қирғийни топаман. Улардан албатта ўч оламан! - Оқсоқол эшик томон бурилиб секин-секин қадам ташлай бошлади. Шу пайт инқиллаб ётган Каламуш секин ўрнидан туриб, этигининг кўнжидан сопи гажакдор пичоқни суғириб олди. Кўнглим

бир нарсани сезгандек бўлди. Атрофга алангладим. Оёғим остида гишт бўлаги бор экан, кўлимга олдим. Каламуш эшик олдига етиб қолган Оқсоқолнинг орқасидан югуриб бориб энди пичоқни баландга кўтарган ҳам эдики, қандай қилиб ҳужрадан чиққанимни ҳам «Тўхта» деб бақириб юборганимни ҳам, қандай қилиб Каламушга кўлимдаги гишт бўлагини ирғитганимни ҳам билмай қолдим. - Гишт визиллаб бориб Каламушнинг қоқ пешонасидан тегди. «Қарс» этган овоз чиқиб, Каламуш гурс этиб қулади. Оқсоқол фурсатни бой бермай унинг устига миниб олди. Кўлини қайириб, пичоқни тортиб олди-да, кўзлари косасидан чиққудек бўлиб пичоқ тутган кўлини баланд кўтарди.

- Ифлос, ҳали менга қасд қилмоқчи бўлдингми?! Сени чавақлаб ҳам хумордан чиқолмайман. - Оқсоқол пичоқнинг учини Каламушнинг бўйнига тиради. Каламушнинг гишт билан уриб ёрилган пешонасидан қон сизиб турар, ўзи эса ҳозир сўйилиб кетишидан кўрқиб кўзлари чақчайиб кетган эди. Мен эса ҳозир бир қотилликнинг гувоҳи бўладигандек ҳайкалдек қотиб турардим. - Сен ифлосни ҳозир кекирдагингни суғириб, жаҳаннамга жўнатишим керак эди. Аммо надомадки, бундай қилолмайман. Агар ҳозир сени сўядиган бўлсам, мана бу бола бечорани қотилликка шерик қилган бўламан. Унинг тоза кўлини сенинг ифлос қонинг билан булғашни ҳечам истамайман. - Оқсоқол пичоқни этигининг кўнжига тикди. Кейин секин ўрнидан турди. - Сен билан ҳали яна ҳисоб-китоб қиламан. Билиб қўй, менинг йигитларим азамат йигитлар. Ҳар катакда ўнтаси шай бўлиб туради. Бунга ҳозир ўзинг ҳам гувоҳ бўлдинг. Пешонангдан дарча очиб қўйишларига сал қолди. Менга қарши бирон ҳаракат қиладиган бўлсанг, юрагингни суғуриб олиб ўзингга тишлатаман. Йигитларим сени ҳар қадамда пойлаб юришади. Ҳали учрашамиз. Унгача мана буни олиб тургин. - Оқсоқол кетма-кет зарб билан Каламушнинг қорнига тепди. Каламуш оғриққа чидаёлмай буралиб-буралиб қолди ва инграб юборди. Оқсоқол менга қаради. - Юр, кетдик, - деди-да, дадил қадам ташлаб мачитдан чиқиб кетди. Мен унинг кетидан эргашдим.

- Қандай қилиб бу ерга келиб қолдинг? - сўради Оқсоқол менга қарамай тез-тез юриб бораркан.

- Қандай куч бошқариб келганини ўзим ҳам билмайман.

- Ичкаридан чиқдинг шекилли?

- Мачитнинг устидан тушиб келдим.

- Демак, осмондан тушибсан-да!

Мен ерга қараб жилмайдим.

- Ҳаётимни сақлаб қолганинг учун раҳмат.

XIX б о б

Эртага икки ойдан бери кадрдон уйдаи бўлиб қолган кулбани тарк этадиган бўлдик. Оқсоқолнинг буйруғи шундай бўлди. «Яна қишлоқларни оралаб кетамиз» деди у аллақачондай аниқ овозда. Шофёр ётган кўйи нималарнидир ўйлар, Ғалва ўтириб олиб ғинғиллаб кўшиқ айтар, Донишманд қўлларини орқасига қилиб у ёқдан бу ёққа юриб келар, мен бўлсам осмонга термулиб ётиб, сузиб ўтаётган тўп-тўп булутларни кузатар эдим. Булутлар ердан кўтарилади-ю, юриб-юриб яна ерга ёмғир бўлиб тушади. Пайт келиб яна осмонга кўтарилади. Демак, доимий ҳаракатда. Биз одамларчи-? Нега ҳаракатда бўлмаймиз? Нега ҳаракат қилсак ҳам кўпинча фақат беҳуда, мақсадсиз ҳаракат қиламиз? Нега умримизни ҳавога совураимиз? Ҳар биримиз ҳар дақиқани ғанимат билиб аниқ мақсад йўлида ҳаракат қилмаймиз? Шундай саволлар ҳаёлимни чулғаб олади. Бундай пайтда Донишманд билан берилиб суҳбатлашгим, баҳслашгим келади. Хиёл бурилиб Донишмандга қарадим. Бироқ у нималарнингдир устида қаттиқ бош қотириб ўйлар, ҳамон у ёқ-бу ёққа юрарди. Яна қафтларимни бошимга кўйиб ётдим. Ғир-ғир эсаётган салқин шабада дилга бир нафас ором беради. Қирнинг устига чиқиб ётсангиз булутлар сузиб юрган осмону нинадек майсалар қоплаган бўлак манзара кўринмас экан. Лекин айни баҳор кириб келаётганида шунинг ўзи ҳам бир гўзаллик касб этаркан.

Шофёр дастурхонни ёзди. Аммо ҳеч ким дастурхонга қарамади ҳам. Ўзимдаги ҳолатни қийс қилиб қарасам, ҳеч биримизда ишгаҳа йўқ эди. Шофёр яна дастурхонни ўраб кўйди. Ҳайронман, нимага бундай бўлаяпти? Нимага ҳаммамизнинг кайфиятимиз, табиатимиз ўзгариб қолган? Қанча биёбонларни кезиб бунақа ҳолатни кўрмаган эдим. Гўё ҳаммамиз ҳозиргина осмондан тушгандай бир-биримизни танитаймиз, гаплашмаймиз. Ниманидир юрак ютиб кутамиз. Худди ҳадемай оламшумул воқеа юз берадигандай.

Шофёр ва Ғалва аллақачон пинакка кетишибди. Донишманд эса боши эгганича хомуш ўтирибди.

- Сен нега ухламаяпсан, Болакай? - сўради Донишманд.

- Уйқум келмаяпти. - Қарасам, Донишманднинг ҳам ухлагиси йўқ. Ётган ўрнимдан туриб ўтирдим. Қалбимга тинчлик бермай ғалаён қилаётган гапларни унга айтиб дардлашадиган фурсат етган эди. - Кун бўйи осмонга боқиб ётдик, энди қоронғи тушгандан кейин кўзимизни юмиб, уйқуга кетамизми?

Эртага тонг отса-ю, яна худди мана шу аҳвол такрорланиб кетаверадими? Айтингчи, Донишманд, унда бизнинг ўликдан нима фарқимиз қолади? Биз тириклар нима учун бу ёруғ оламда юрибмиз? Ўлганларни қора тупроққа кўмиш учунми?

- Дилимда дарё бўлиб ётган дардлар тўғонини очиб юбораяпсан, Болакай. Бу дардларни мен ҳеч кимга очмаганман. Чунки ўзимга муносиб дардкаш топа олмадим. Сен эса кўнглимга қўл солдинг. «Дардингни бировга айтсанг енгил тортасан» дейдилар. Агар истасанг кўнглимнинг тубидаги баъзи гапларни сенга айтаман.

- Айтақолинг, Донишманд, ўзимнинг ҳам истагим шу. Анчадан бери менинг ҳам юрагим сиқилиб кетди.

Донишманд юзларини қафтлари билан ёпиб, оғир хўрсинди.

- Биласанми, Болакай, мен атиргулни яхши кўраман. Балки бу ёруғ оламда унга ўхшаган яхши нарсалар кўпдир. Аммо мен уни барча яхшилардан кўра ортиқроқ яхши кўраман. «Атиргул қисқа умр кўради» дейишади. Йўқ, у бизнинг умримиз ҳисоби билан олганда қисқа. Бироқ унга табиат томонидан берилган умр маромидаги бир атиргул умридир. Агар ногоҳ бегона жонзот қўли узиб олмаса, атиргул энг узун атиргул умрини кечиради. У ўз ҳаёти давомида борлиққа хушбўй ҳид таратиб гўзаллик бахш этади. Гўзалликка ошно юраклар уни авайлайдилар. Авайлаган сайин атиргул атрофга яна мўл-кўл муаттар таратаверади. Унинг тиканлари бор. Бу ҳам бежиз эмас. Гоҳо нафосатни тушуниб етмайдиган бефаросатлар атиргулнинг нозик танасига чанг солиб қолиши мумкин. Шундай пайтда ўш тиканлар ўша бефаросатнинг қўлларига санчилиб, инсофга чақиради. «Эй мени юлаётган киши, биламанки бир-икки ҳидлаб мени улоқтирасан. Сен фақат ўзингни ўйлама. Атримдан бошқалар ҳам баҳра олсин. Мен фақат сен учун эмас, балки кўпчиликка хушбўй улашгани яралганман, - дейди. У ўз умрининг энг сўнгги дамларигача ҳам фақат муаттар таратади. Ахир, атиргулдан қайси жонзот бурнини жийириб кетади? Демак, атиргул фақат нафислик ва поклик билан яшаб ўтади. Энди ўзинг ўйлаб қара, заминда энг қудратли жонзот бўлган инсон шу биргина атиргулчалик покиза, ҳавас қилгулик ҳаёт кечира олаяптими? Одамлар ҳатто шу даражага бориб етдики, «инсон», «инсоният» каби сўзлар оғзингдан чиқиши билан уларга эриш туюлади, сени баландпарвоз сўзларни айтаётганликда айблашади.

Донишманд пальтосининг ёқасини кўтариб, қўлларини қовуштирганича бир зум жим қолди. Кўрпача устида ҳайкалдек қотиб

ўтирганимдан совқотиб кетдим. Қопдаги қалин чойшабни олиб, ўраниб олдим. Энди баданимни жунжиктира бошлаган совукни ҳам қувдим. Аммо Оқсоқолдан хавотирлана бошладим. У нега қайтмаяпти? Ёки бизни бу ерда қолдириб, ўзи биронта иссиққина уйда ётганмикан? Йўк, йўк, асло бундай бўлиши мумкин эмас. У кетаётганида ҳар биримизга бежиз тикилмади. Кўзларида қандайдир маъно бўлиб, нигоҳлари сирли эди. Унда нима учун шу пайтгача қайтмаяпти? Қаерга кетган эди ўзи? Уйқум ҳам келмаяпти. Донишманднинг одамни сеҳрлаб қўядиган гапларини яна тинглагим келаяпти. Нега жимиб қолди? Ё чарчадимикан? Йўк, нималарнидир ўйляяпти.

- Донишманд, агар сир бўлмаса, бундан кейин қандай яшамоқчисиз?

- Болакай, менинг орзу-ниятларим бутунлай бошқача эди. Менинг ҳам кадрдон уйим, меҳримни берган ҳамқишлоқларим бор эди. Аммо меҳримни қўйган одамлар менга меҳр қўйишмади. Болалигимдан етим ўсганман. Ёлғизгина фарзанди бўлган амакимнинг кўлида тарбияландим. Улғайганим сайин менда жуда ғалати ўзгаришлар пайдо бўла бошлади. Вақти-вақти билан бошим қаттиқ оғрийдиган ва ўша пайтда атроф кўзимга қоронғилашиб, мавҳум одамлар билан гаплашадиган бўлдим. Ўшанда ўзим «бу ҳолатимни ҳеч ким кўриб қолмадимикан» деб кўркат эдим. Йигирма ёшга етганда бу ҳолат янада кучайди. Атрофдаги одамлар бунини сезиб қолишиб, ваҳима тарқатишди. Амаким ҳам эл орасида бош кўтариб юролмай қолди. Йигирма беш ёшимда мени уйлантирмоқчи бўлишди. Аммо қиз зоти менга розилик бермади. Кўча-кўйда кўрганлар мендан қочадиган бўлишди. Ахир, айбим нима эди? Хуллас, жиннихонада эркин яшайдиган, эркин фикрлайдиган бўлдим. У ерда табақалашини, мол-мулк устида талашини йўк. Бирон киши «мен зўрман» дейдиган бўлса ҳам ундан хафа бўлиш йўк. Чунки у ерда ҳаммамиз бир хилмиз. Ҳаммамизнинг пешонамизда жинни деган тамғамиз бор. Биз ҳам баъзан ёқалашиб турамыз. Бу албатта бизнинг эсимиз пастлигидан, баъзи нарсаларга ақлимиз заифлик қилганидан. Аммо одамларчи, ўзларини соғлом ҳисоблаб юрган одамларчи, улар нимага бир-бирлари билан ёқа бўғишадилар?

Донишманд оғир хўрсиниб, бошини бир муддат кафтлари орасига олиб жим қолди. Сўнг яна гапида давом этди.

- Жиннихонада Оқсоқолнинг қишлоқма-қишлоқ кезамиз, деган гапидан кейин дилимда умид учқунлади. Қишлоқ одамлари жуда соддадил, сахий бўладилар. Балки энг тоза ниятли, уйғоқ одамлар макон қурган биронта

қишлоқни учратаман, умримнинг қолган қисмини ўша ерда ўтказарман, деб ўйлаган эдим. Бунақа ният билан шаҳарларни кезиш бефойда. Аммо минг афсуски, қишлоқларни кезиб ҳам бу ниятимга эриша олмадим. Ҳамма жойда ҳам айримлар қийналиб яшаяпти. Сайёҳлигимиз ҳам чўзилиб кетди. Энди орқага қайтамыз. Одамлар орасида яшашим мушкул. Фикрларимни ҳам ҳеч ким қабул қилмайди. Мен жиннихонада яшайман. Сен эса қишлоғингга қайтишинг керак. Болакай, албатта тоза фикрларингни ақлли инсонларга етказ. Оқсоқолнинг асл мақсадини мен жиннихонадан қочаётганимизда билмаган эдим. Бироқ кейинчалик билиб олдим. Унинг юрагида қасос эти мавжуд. Кимдир унинг бутун борлигини инсонлик шаънини поймол қилган. У эса энди уни қидириб топмоғи, ўша ёвуз кучни йўк қилмоғи лозим эди. Бугун у ўша қора куч билан олишиши керак. Бу олишувда ё душман, ё Оқсоқол ўлади.

- Унда нимага бу ерда ўтирибмиз? Бориб ёрдам берайлик Оқсоқолга.

- Юрагида гурури бўлган ҳақиқий эркак киши бунақа пайтда бировнинг кучига таянмайди. Шунинг учун Оқсоқол бизга рухсат бермади. Рақибининг қаерда эканлигини ҳам айтмади.

Демак, Оқсоқолнинг сирли боқиши бежиз эмас экан-да. Наҳотки у қидириб юрган ўша душманларини топган бўлса?! Улар икки киши эди-ку. Биттасини топганми, ёки иккаласини ҳамми? Наҳотки бир ўзи ўшаларга қарши кураша олса?! Енга олармикин?!

XX 6 0 6

Чойшабга ўраниб ухлаб қолибман. Биров турткилади шекилли, йўк, оёқ товушидан уйғониб кетдим. Ҳали атроф қоронғи, тонг ёришишига вақт бор эди. Кимдир гуре-гуре кадам ташлаб биз томонга кела бошлади. Оқсоқол! У олдимизга келиб тўхтади. Кўзлари ғазабдан чақчайган, қўллари мушт қилиб тугилган, кўзларини қандайдир бир нуқтага тикканича ҳайкалдек тик қотиб турарди. Донишманд ҳали ҳам ухламаган экан. У ҳам мен сингари Оқсоқолга тикилганича ҳайратдан қотиб қолган эди. Шофёр ҳам уйғониб кетибди. Унда ҳам худди шу ҳолат. Фақатгина Ғалва ухлаб ётаверди.

- Ғолиб қайтдингизми, Оқсоқол? - деди Донишманд жимликка чек қўйиб.

- Ҳа, бугун мен ғолиб қайтдим. Умримда бир мартагина ғолиб бўлганим ҳам шу бўлса керак. Шу пайтгача ўзимнинг кимлигимни билмай яшадим. Яшашдан мақсад нима эканлигини

чукуррок ўйлаб ҳам кўрмаган эканман. Оқибатда ўзимни хор қилдим. Ифлосларга кўшилиб, инсонларга зуғум қилдим. Мен туфайли икки бегуноҳ - хотиним билан қизим ҳам нобуд бўлдилар. Ҳаммаси менинг нодонлигим туфайли бўлди. Кўзим жуда кеч очилди. Очилди-ю, тўртта девор ичида ўлимимни кутиб ётишни истамай қолдим. Бунинг учун қулай фурсатни кутиб яшадим. Ойларни, йилларни ўтказдим. Болакай, сен менинг умидим дарвозасини очган калит бўлдинг. Бунинг учун сендан миннатдорман. Билар эдим, сенлар ҳам жиннилар орасида роса қийналиб кетдиларинг. Эркинликни истар эдиларинг. Ўзларингни жинни қилиб кўрсатар эдиларинг-у, аммо соппа-соғ эканликларинг кўриниб турарди. Жинниликларинг шунчаки мажбуриятдан эканлигини сезардим. Сабабким, ўзимда ҳам худди шу ҳолат ҳукмрон эди. Ёлғиз ўзим жиннихонадан қочиб чиқолмас, чиққаним билан мақсадимга эришолмас эдим. Оғир кунларимда ҳамдард, ҳамфикр бўладиган ақлли инсонлар зарур эди. Шунинг учун сенларни танлаб обдон синадим. Ҳайриятки, яхши инсонларни ўзимга дўст қилиб танлаган эканман. Мени ёлғизлатмадинглар. Ғалва ердан чиққан кўзиқориндек бизга кўшилиб қолганида газабланган эдим. Аммо ноҳақ газабланган эканман. Ўзи гирт телба бўлгани билан у табиатнинг бизга қилган инояти эди. Зериккан дамларимизда кулдириб, кўнглимизни овлаб юрди. Ҳаммаларингдан миннатдорман. Бугун мен мақсадимга эришдим. Бугун мен ғолиб бўлдим! Йиллар давомида юрагимни эзиб ётган аламларимдан чиқдим. Менинг бутун ҳаётимни поймол қилган ва ҳануз одамларни қон қақшатиб юрган икки қора куртани ер билан яксон қилдим. Бегуноҳ хотиним ва қизим учун, ўзим учун ва барча яхши инсонлар учун улардан қасос олдим.

Оқсоқолнинг кўзларидан ёш сизиб чиқди. Ҳайкалдек тик қотиб турган Оқсоқол бироз юмшади. Кафтлари билан юзларини силади. Биз ҳамон унга ҳайрат билан тикилганимизча қотиб турардик. - Энди сафаримиз ниҳоясига етди. Ҳамма ўзи истаган жойга кетиши мумкин. Мен эса ўша эси пастлар маконига қайтаман. Чунки мен ҳақиқатан ҳам жинниман. Ўзларинг ўйланглар, ахир, ҳаётида бирон кишига яхшилик қилмаган, фақат ўз манфаатини ўйлаган, бегуноҳ инсонлар умрига зомин бўлган ва ўз инсонлик бурчининг англаб етмай, умрини ҳавога совурган одамни соғлом деб бўладими? Энди ҳаётимни бошқатдан бошлаёлмайман. Энди кеч. Мен чин инсоний ҳаётдан кечикдим. Аммо сенлар эркин яшашларинг керак. Ҳали ҳаёт олдинда. Айниқса сен, Болакай, ҳаёт денгизига эндигина кириб бораёсан. Шу пайтгача ирмоқда юрган эдинг.

Энди эса улкан денгиз сари кириш фурсати етди. Эҳтиёт бўлгин, ҳаётдан адашма. Ҳамиша яхши инсонлар билан мулоқотда бўлгин. Мен эса эси пастлар маконига қайтаман. Ғалвани ҳам ўзим билан олиб кетаман. У бечора ҳам тақдир тақазоси билан телба бўлиб қолган. На илож, оддий одамлар орасида яшаш унинг учун ҳам қийин.

- Мен албатта сиз билан кетаман, Оқсоқол, мени ташлаб кетманг! - Ғалва ҳам уйғонган экан-у, сезмабмиз. У эмаклаб бориб Оқсоқолнинг оёғига йиқилди.

- Мен ҳам сизлар билан кетмоқчиман, - деди Донишманд. Оқсоқол унга ҳайрон бўлиб қаради.

- Нима учун? Ахир, Донишманд, сен соппа-соғсан. Сен ўз фикрларингни ер юзининг турли бурчакларидаги зукко инсонларга етказишинг керак.

- Мен барча фикрларимни Болакайга уқдира олдим. Энди у ҳам имкон топса бошқаларга сингдирар. Афсуски, энди одамлар орасида яшай олмайман. Гапларимга улар қулоқ туттирмайди. Табиатим оддий одамларнинг табиатига тўғри келмайди. Қолаверса, бўйнимда «жинни» деган тавқи лаънат бор.

Оқсоқол индамади. Бир муддатлик сукутдан сўнг менга юзланди:

- Сен-чи, Болакай, қаерга кетмоқчисан?

Нима деб жавоб қилишга ўйланиб қолдим. Аммо ҳозир гапни мужмал қилишнинг ҳожати йўқ. Дилимдаги нимаики гап бўлса рўй-рост айтганим маъқул.

- Мен ҳеч қаёққа кетмоқчи эмасман, Оқсоқол. Худди мана шу ерда қоламан. Мана шу пастликдаги қишлоқ менинг она қишлоғим. - Тўртовлари ҳам менга ялт этиб қарашди. - Рост гапираяпман. Бу қишлоқда уйимиз бор. Ота-онам, укаларим ҳам шу ерда яшашади.

- Сенинг ҳам саёҳатинг охирлаган экан-ку.

- Ҳа, Оқсоқол, мен манзилимга етдим. Сизлар туфайли юрт кезиб дарё бўлдим, одамларни кўрдим. Ҳаммангизга раҳмат!

- Шофёр, сен нима дейсан? - сўради Оқсоқол. Шофёр ҳамон хомуш эди.

- Оқсоқол, сизлар озми-кўпми мақсадларингизга эришдиларингиз Энди юрт кезишга чек қўйишларингиз мумкин. Аммо мен ҳали мақсадимга эришганимча йўқ. Дилимдаги умид ҳам сўнган эмас. Мен укамни қидиришда давом этаман. Уни албатта топаман. Кейин эса ҳаётимни бошқатдан бошлайман. Қанчалик натижага эришаман, буни ҳаёт кўрсатади.

- Ундай бўлса биз ҳам ҳеч қаёққа кетмаймиз, - деди Оқсоқол.

- Сен билан бирга укангни қидирамиз. Топганингдан кейингина кетамиз.

- Йўқ, Оқсоқол, мен бунга мутлақо қаршиман. Сизлар туфайли жиннихонадан қутулдим. Шунисиға ҳам катта раҳмат.

Энди буёғига укамни ёлғиз ўзим қидираман.

Орага жимлик чўқди. Юлдузлар аста-секин хиралашиб, тонг ота бошлади.

Хар замонда тепамиздан гала-гала қушлар учиб ўтади. Қишлоқдан эса

итларнинг хуриши тиниб, сигирларнинг чўзиб мўрагани, хўрознинг бирин кетин қичқиришлари эшитила бошлади. Энди атроф хира ёришиб, биронта китобнинг каттароқ ҳарфлар билан ёзилган сатрларини ўқиса бўладиган бўлиб қолди. Ё тавба, қоронғида сезмаган эканман, Оқсоқолнинг қўллари, кийимлари кип-қизил қон бўлиб ётибди. Юзларига ҳам тегибди. Чаққонлик билан сафар халтамдаги сувдонни олдим. Кейин совунни ҳам олиб, Оқсоқолнинг қўлига сув куйишга тараддудландим. Оқсоқол юз-қўлини ювди, кийимларини ҳам қон теккан жойларини тозалади. Сўнг халталардаги сувдонларни олиб ҳаммамиз ювиндик.

- Нонуштани йўлда қиламиз, - деди Оқсоқол.

- Энди эса хайрлашамиз. - У маънос тортди.

- Жигарларим, сизлар билан хайрлашиш мен учун жуда оғир.

Бизни тақдир учраштирди, яна ўзи ажратапти. Битта кемага тушган эдик, кўп вақт бирга юриб ҳаётнинг барча ташвишларини бирга баҳам кўрдик.

Қарангки, кўнгил кўнгилга мос тушиб, бир онанинг фарзандларидек бўлиб қолдик. Агар оғир ботадиган гаплар ўтган бўлса, мингдан минг узр. Сизлар билан хайрлашайман-у, юрагимнинг бир парчаси узилаётгандек бўлаяпти. - Оқсоқол ҳаяжондан қулт этиб ютиниб олди. Сўнг ўтириб қўлларини фотиҳага очди. У фотиҳа ўқиб, қафтларини юзига тортди. Биз ҳам тақрорладик. Оқсоқол биз билан кучоқлашиб хайрлашди. У мени узоқ вақт бағрига босиб турди. Томоғимга илиқ нарса тиқилди, кўзларимга беихтиёр ёш қалқиди. Қарасам, Оқсоқол ҳам, Донишманд, Шофёр, Ғалва ҳам унсиз йиғлашайпти. Шундан сўнг ҳаммамиз кучоқ очиб хайрлашдик. Аммо бир-биримиздан сираям ажралгимиз келмасди. Оқсоқол, Донишманд, Ғалва учаласи сафар халталарини елкаларига осиди.

- Болакай, - деди Оқсоқол кўзларимга жиддий боқиб, - сен мана шу қишлоқнинг одами экансан, буни мен билганим йўқ эди. - У негадир бир-икки дақиқа жим қотди, чуқур-чуқур «уфф» тортди. - Бўпти, Шофёр иккаланг бу ерда қолар экансизлар, лекин ҳозир тўппа-тўғри уйингга бормаганинг маъқул. Шунчасига чидадинг, яна озгина чида. Йигит киши бардошли бўлмоғи лозим. Беш кунгача бу қишлоқ одамларининг кўзига кўринмасдан бирон жойда яшириниб ётишлар. Болакай, мен ҳаётда кўп адашдим, ҳадсиз гуноҳларга ботдим. Лекин сен адашма. Фақат яқши ишнинг этагини тут. Омон бўл, Болакай!

Оқсоқол яна бир бор мени бағрига босди. Улар

жўнаб кетишди. Йигирма қадамча нарига борганда Донишманд бир нарса эсига тушгандай такка тўхтаб ортига ўтирилди ва баян овозда хитоб қилди:

- Болакай, айтган сўзларим ёдингдан чикмасин!

Эзу ишлар йўлидан қайтма, токи келажак авлодлар биздан рози бўлишсин! Гапларимни унутма, Болакай!

Унинг овози борлиқни тутгандай жаранглаб кетди. Гўё Донишманднинг гапларига жўр бўлгандай оппок тонг отди.

XXI б о б

Парда кетмончининг уйига қамалиб олиб беш кун яшаганимиз мен учун беш йилдек туюлди. Айниқса биринчи кунни ўтказганимча роса сиқилдик. Яхшиямки эски сандик ичидан шахматни топиб олдик. Қолган кунларни Шофёр иккаламиз шахмат ўйнаб ўтказдик. Бугун эса энг орзиқиб кутилган кун келди.

Тонг отишини кутиб кечаси билан уйкум келмади. Эрталаб ашғол-дашғолларимни йиғиштириб, кетишга тайёр бўлдим.

- Ҳаяжонланаяпсан-а, Болакай, - деди Шофёр кулиб.

- Албатта, уйимни соғинганман.

- Уйингдагилар сени қандай кутиб олишаркан?

- Қандай бўларди, тирилган мурдани кўргандек-да.

- Болакай, исминг нима эди?

- Мурод.

- Муроджон, энди биз бир-биримизни ўз исмимиз билан атайлик. Лақаб билан аташга нуқта қўйсак ҳам бўлади. Тағин эшитган одамлар «булар ўғримикан» деган шубҳага боришмасин.

- Хўп бўлади-да, Шо.... Макара ака. Кетдикми энди?

- Кетдик.

Биз девордан ошиб ўтиб, қишлоққа оралаб кетдик. Кетиб бораёпман-у, севинчдан гоҳ қувнайман, гоҳ йиғлайман. Ахир, мен уйимизга бораёпман. Мана бу ўзим ўйнаб ўсган кўчалар! Мана бу мен билан ҳамнафас бўлган ҳамқиш-лоқларимнинг уйлари. Худди ҳаммаси бир қадар ўзгаргандай, янада гўзаллашгандай туюлади. Кўчаларда бошига дўппи, эгнига чопон кийиб, белига белбоғ боғлаган тўда-тўда одамлар кўрина бошлади. Уларнинг ҳеч бирига кўринишни истамай дарахт паналарига, девор орқаларига бекиниб-бекиниб уйга етиб олдик. Юрагим дук-дук уради. Ҳовлига қандай киришни билмай кўча эшик олдида бир дам тўхтаб қолдим.

- Бардам бўл, Муроджон, ўзингни йўқотма, - далда берди Макара ака.

Бир чуқур нафас олдим-у, эшикни очдим. Худди ҳозир биров уни ёпиб қўядигандек чаққонлик билан ичкарига кирдим. Уйимиз эшиги олдида Дилбар турарди. Бир қўлида обдаста, бир қўлида супурги. Мени кўриши билан чўчиб тушди. Хайратдан кўзлари катта-катта бўлиб кетди. Қўлидаги обдаста ерга

тушиб думалаб кетди. Энди ортига бурилиб қочмоқчи эди, кўлидаги супурги тушиб кетиб, суришиб йиқилди. Ўрнидан сакраб туриб «Ойи!» деб чинқирганича югуриб уйга кириб кетди. Мен юришимни ҳам, туришимни ҳам билмай жойимда тек қотдим.

- Юр, юравер, - деди Макар ака. Лекин шу пайт уйдан ойим чиқиб келдилар. Ойим бир лаҳза менга ҳайрат билан тикилиб қолдилар-да, сўнг: «Болам, болагинам!» - дея оёқ яланг югуриб келиб, мени кучоқлаб олди. Ойижоним юм-юм йиғладилар. Мен ҳам беихтиёр йиғлаб юбордим. Ойижоним мени бағридан кўйгиси келмас, пешонамдан, юзларимдан тинмай ўпарди. Бечора ойим мени деб қийналиб кетибдилар. Пешоналарида ажин кўпайибди, сочлари оқарибди. Бағридан ҳеч чиққим келмайди. Ойим, Ойижоним!

Ойим бизни уйга бошладилар. Мен билан кўришишга ҳадиксираб ҳамон остонада турган Дилбар ўзини бағримга отди. У ҳам йиғлаб юборди.

- Нимага йиғлайсан, жиннигина! - деб эркаладим.

Уйга киришимиз билан ойим билан Дилбар қават-қават кўрпачалар тўшашди. Дилбар дастурхон ёзиб, елиб-югуриб хизмат қила кетди. Ойижоним эса ёнимга ўтириб олиб нукул йиғлар, сочларимни силар эди.

- Дилбар, бугун мактабга бормадингми? - дедим.

- Вой, бугун якшунба-ку, - деди Дилбар кулиб.

Саргардонликда юриб якшанбаю душанбани фарқламай кўйган эканмиз-да.

- Ундай бўлса Карим билан Санобар қаёқда, дадам-чи?

- Даданг билан Каримжон бозорга кетишган, - деди ойим, - Санобар, ҳа, Насибаларникига чиққан эди. Вой, эсим курсин, хай, Дилбар, Санобар опангни қақир. Акам келдилар деган.

Биз бир ҳўплам чой ичгунимизча ташқаридан: «Ака!» - дея югуриб Санобар келди. Ўрнимдан тургунимча ҳам бўлмай отилиб ичкарига кирди. Очқ турган эшикдан Макар акани кўриб даҳлизда тўхтади. Чаққонлик билан истикболига чикдим. Санобар бағримга ўзини ташлаб йиғлади. Унинг кетидан Насиба ҳам югуриб келган экан. Мени кўриши билан ичкарига кирмай, эшик олдида тўхтади.

- Кел, Насиба, акам билан кўриш, - деди Санобар.

Насиба ийманди, ичкарига кирмади. Уни хиёлатда қолдирмай деб ўзим ташқарига чикдим. Қайтанга шуниси ўзимга яхши бўлди. Бу ерда ойим билан Макар ака кузатиб ўтирган эди. Улардан уялдим. Ташқарига чиқиб, ерга қараб уялиб турган Насибага бир зум термулиб қолдим. Насиба! Жуда ҳам яшнаб кетибди. Эгнидаги атлас кўйлаги, бошидаги гулдор рўмоли унинг ҳуснига ҳусн бўлиб тушибди. Атлас кўйлаги устидан кийиб олган товус гулли жемферининг тутмасини ўйнаганича ерга қараб турарди.

- Салом, Насиба, - дедим. Томоғимга бир нарса тикилгандек овозим зўрга чикди.

- Яхшимисиз, - дея Насиба кўлимга кўлини тутди.

Кўлларимизнинг бир лаҳза туташувидан юрагим дук-дук уриб кетди. Юзларимга қон тепди. Иккаламиз ҳам бир-биримизга ҳеч гап гапиролмай жимгина турган эдик, Санобар кўлимдан тортди.

- Ака, уйга кириш, сизни ойим чақиряптилар.

Уйга кириб ўтирдим-у, аммо ҳаяжон мени бир зум бўлсин тарк этмасди.

Шундан сўнг дадам билан Каримжон бозордан келиб қолишди. Уларнинг ҳам қудуққа тушиб кетган нинасини қидириб-қидириб топиб олган одамдек бир ҳолатда кўзлари чакнаб кетди. Бир-биримиз билан кучоқ очиб кўришдик. Тез орада Каримжон менинг келганимни айтиш учун маҳаллага чиқиб кетди. Санобар, Дилбар, Насиба елиб-югуриб уйларни ҳовлиларни супуриб-сидиришди. Биз меҳмонхонага ўтиб ўтирдик. Каримжон Жўра қассобни чақириб кўй сўйдирди. Менинг келганимни эшитганлардан энг биринчи бўлиб Дадабой келди. У кўча эшикдан кириши билан:

- Қани у хумпар Мурод? Буёққа чиқсин-чи, ўзим бир таъзирини берай у қочқоннинг, - деди. Унинг овозини эшитишим ҳамон ўзимни тутиб туролмай ташқарига отилдим. Дадабой иккаламиз бир-биримизни кучоқлаб олдик. Кувончларимиз ичимизга сиғмасди.

- Тирик экансан-ку, қаёқларда юрган эдинг, галварс? Сени қидирмаган жойимиз, ҳатто сичқоннинг ини ҳам қолмади-ку.

- Ҳа энди, ер қуррасини бир айланиб чиқай дедим-да.

- Бор бўл-е.

Дадабой иккаламиз ичкарига кирдик. Уни Макар ака билан таништирдим. Дадабой бало-да, Макар ака билан ҳозиргина танишдию, худди эски кадрдонлардек у ёқ-бу ёқдан гаплаша кетди.

- Сизларнинг кийимларингиз менга маъқул бўлмаяпти, - деди Дадабой бироздан кейин. - Худди кончиларнинг кийимига ўхшаб қолибди. Бошқа кийим кийсаларингиз яхши бўларди. Ҳадемай бутун кишлоқ сизларни кўргани келишади.

Яхшилаб разм солсак, ҳақиқатан ҳам кийимларимиз эскириб, увадасичиқиб кетган экан. Дадабойнинг кистови билан бошқатдан ювиниб-тараниб, янги кийимларни кийиб олдик. Дадабой билан юракдан суҳбатлашаман деб ўтирган эдим, имкони бўлмади Уйимизга бирин-кетин кишлоғимиз одамлари кела бошладилар. Чошгоҳга бориб ҳовлимиз катта тўйхонага айланиб кетди. Ҳовли ўртасида катта дошқозон осилди. Мен ҳовлига чиқиб меҳмонларни кутиб олавердим. Маҳалладошлар, кўни-кўшнилар, ўртоқларим, ҳамма-ҳамма келди. Улар мени худди армиядан келган аскар йигитдек кучоқлаб олишар, даст кўтариб кўйишарди. Аёллар эса, ўзига яқин олганлари пешонамдан ўпишар, бошқалари елкамдан уриб кўйишарди. Уларнинг баъзилари дўппи, баъзилари белбоғ ҳадя қилишарди. Ёнимда турган Дадабой уларни йиғиб олаверди. Ҳатто Насим ака ҳам мени кўргани келибди. Юзида майин табассум. Мен билан

кучок очиб кўришди. Сўнг эгнимга тўн ёпди. Миша ҳам келди. У мени маҳкам кучоқлаб, даст кўтарди. Иккаламиз роса қувиниб бир-биримиздан ҳол-аҳвол сўрашдик. Кейин Миша хизматга уннаб кетди.

- Мурод, жуда бой бўлиб кетдинг-ку, галварс. Шунча дўппи, белбоғ, тўн. Бир умр кийиб ҳам адо қилолмайсан-ку буларни. Мен ҳам бир йўқолиб келсаммикан-а? - ҳазиллашди Дадабой.

Келиб-кетувчилар мендан ҳол-аҳвол сўрашиб, шунча вақт қаерда юрганим билан қизиқишади. Уларга мендан олдин Дадабой жавоб қайтариб қўя қолади:

- Мурод Тошкентдаги катта заводлардан бирида ишлаб юрган экан. Бу ҳақда ҳали бафуржа ўтириб гапириб беради. Ҳозир мавриди эмас.

Кун пешиндан оққанда меҳмонлар кетиб бўлишди. Уйда фақат менинг ўртоқларим қолишди. Ўртоқлари билан ёзилиб ўтирсин, деб бизга алоҳида уйдан жой қилишибди.

- Мурод, меҳмонларни ҳам кузатиб бўлдик.

Энди болаларнинг олдига кирайлик. Бир суҳбатингни олайлик, деб ўтиришибди, - деди Дадабой. Каримжон икки косада шўрва киритди. Самоварни қайнатаётган Миша бир чойнак чой дамлаб киритди. Биз эндигина қўлимизни юваётган эдик, кун бўйи уйда ўтиравериб зерикиб кетган Макар ака билан дадам ташқарига чиқишди.

- Ҳа, Макар ака, зерикиб кетдингизми? - Сиз билан тузукроқ ўтириб суҳбатлашолмадик ҳам, Ҳали икковимиз бафуржа гурунглашамиз, - деди Дадабой.

- Албатта, албатта гурунглашамиз, - деб жилмайдди Макар ака ва ҳовли ўртасида тўхтаб, эрта баҳор ҳавосидан тўйиб нафас олди. Бир пайт самоварга ўт қалаб ўтирган Мишага кўзи тушиб, унга қаттиқ тикилиб қолди. Кўзларини юмиб, бошини чайқаб олди-да, яқинроқ бориб янада тикилди.

- Тимофей! - бирдан қичқириб юборди Макар ака. Миша бир сапчиб тушди. Ҳайратдан кўзлари катталашиб, Макар акага тикилганича бир зум қотиб қолди.

- Макар! - қичқириб юборди у ҳам. Икки вужуд бир-бирига отилди. Маҳкам кучоқлашганларича ўқсиб-ўқсиб йиғлашарди. Ўз тилларида нималардир деб гаплашарди ҳам. Биз кузатиб турганлар эса ҳайратдан қотиб қолган эдик.

- Ўзи у қанақа одам, Мурод? - сўради Дадабой ҳайрон бўлиб.

- Ҳаммасини кейин айтиб бераман.

Нималар юз бераётганини унчалик фаҳмлаёлмай дадам ака-укаларни меҳмонхонага олиб кириб кетди. Дадабой иккаламиз эса ўртоқларимиз ўтириган хонага кирдик. Болалар роса чақчақлашиб ўтиришган экан. Ичкарига киришим билан мени кўтаришиб уйнинг тўрига ўтқазиб қўйишди. Бир зумда чуғурлашиб саволга кўмиб ташлашди.

- Шошманглар-шошманглар, - деди Дадабой, - аввал таом, кейин калом. Ҳовлида ўтиравериб Мурод иккаламизнинг қорнимиз пиёзнинг пўсти бўлиб кетди-

ку. Қани, Мурод, шўрвани ич.

Овқатланыапман-у, болаларга разм соламан. Улар бири олиб-бири кўйиб чуғурлашадилар. Армияга борадиган бўлиб қолишибди-ю, аммо ҳалиям уларнинг табиатида болаларча соддалик, қувноқлик мавжуд. Майли, ҳали босиқликни ҳам ўрганиб олишар. Шундайлигича ҳам улар менга ёқишади.

Ўртоқларим билан қоронғи тушгунча гурунглашиб ўтирдик. Уларнинг саволларига қисқа жавоб қайтаравердим. Бу орада ойим бир неча бор эшикни очиб менга қараб-қараб қўйди. Болалар кетишганидан кейин хонада Дадабой, Каримжон учаламиз қолдик.

- Ана энди бор гапни бизга гапириб бер. Болаларнинг олдида гапни олиб қочганинг ҳам етар, - деди Дадабой яхшилаб ўрнашаркан.

- Бу ерда валаклаб ўтиришимиз тўғри бўлармикан? Дадамларнинг олдида бориб ўтирайлик.

- Қўяверинг, - деди Каримжон, - дадам Макар ака билан суҳбатлашиб ўтирибди. Миша билан Насим ака ҳам шу ерда.

- Гапни бурма, хумпар, бизлардан сир сақлайдиган бўлдингми, деб Дадабой бари бир гапирмаганимга қўймади.

- Майли, бўлган ҳамма воқеаларни айтиб бераман. Сен аввал бу ёқда мен тўғримда нима гаплар бўлганини гапириб бер.

- Сен тўғрингдами, жуда ваҳимали гаплар кўпайиб кетди-да. Жиннихонадан бекор қочган экансан-да каллаварам. Аввал сенинг у ерда эканлигингни ўз-ўзимиз билардик, холос. Қочганингдан кейин эса ҳаммамиз қидиришга тушдик. Бу воқеа бутун кишлокда, ҳатто қўшни кишлокларда ҳам дув-дув гап бўлиб кетди. Ҳатто «Муродни жиннихонада жиннилар ўлдириб қўйишибди, эси бор кишилар бу сирни яшириб, Муродни қаергадир кўмиб ташлашган» деган гаплар ҳам тарқалди. Ҳеч биримиз бу гапларга ишонмадиг-у, аммо дарагинг чиқавермаганидан кейин одам ҳар хил хаёлларга бораркан. Айниқса, Мамадали бобонинг роса хуноби ошди. Ахир, дўхтир сенга жавоб бермаганидан кейин у обкомга борибди-да. Шундайми, Карим?

- Ҳа, тўғри.

- Ҳамма ишни тўғрилаб жиннихонага борса, сени «тўртта жинни билан бирга қочиб кетган» дейишибди. Шундан кейин ҳаммамиз ваҳимага Сизлар туфайли жиннихонадан қутулдим. Шунисиға ҳам катта раҳмат. Энди буёғига укамни ёлғиз ўзим қидираман.

Орага жимлик чўкди. Юлдузлар аста-секин хиралашиб, тонг ота бошлади. Ҳар замонда тепамиздан гала-гала кушлар учиб ўтади. Қишлоқдан эса итларнинг хуриши тиниб, сигирларнинг чўзиб мўрагани, хўрознинг бирин-кетин қичқиришлари эшитила бошлади. Энди атроф хира ёришиб, биронта китобнинг каттароқ ҳарфлар билан ёзилган сатрларини ўқиса бўладиган бўлиб қолди. Ё тавба, қоронғида сезмаган эканман, Оқсоқолнинг қўллари, кийимлари кип-қизил қон бўлиб ётибди. Юзларига ҳам тегибди. Чаққонлик билан сафар халтамдаги сувдонни олдим.

Кейин совунни ҳам олиб, Оқсоқолнинг қўлига сув куйишга тарадудландим. Оқсоқол юз-кўлини ювди, кийимларини ҳам қон теккан жойларини тозаллади. Сўнг халталардаги сувдонларни олиб ҳаммамиз ювиндик.

- Нонуштани йўлда қиламиз, - деди Оқсоқол. - Энди эса хайрлашамиз. - У маъёс тортди. - Жигарларим, сизлар билан хайрлашиш мен учун жуда оғир. Бизни тақдир учраштирди, яна ўзи ажратаяпти. Битта кемага тушган эдик, кўп вақт бирга юриб ҳаётнинг барча ташвишларини бирга баҳам кўрдик. Қарангки, кўнгил кўнгилга мос тушиб, бир онанинг фарзандларидек бўлиб тушдик. Сени шу кўйларга солган Қосим юмалокқа қишлоғимиз одамлари кун бермай кўйишди. Мамадали бобо: «Ернинг остидан бўлса ҳам топасан Муродни», - деганида, Қосим юмалок: «Пошёл ты», - деди. Шундан сўнг мен болаларни тўпладим. Бир куни қоронғи тушганида Мирободларнинг ҳовлисига бордик-да, девор орқасига яшириниб турдик. Уйига қайтаётганида мошинасини тошбўрон қилдик. Ўзининг ҳам, мошинасининг ҳам дабдаласи чиқиб кетди. Шундан кейин у қишлоққа қадам босмай кўйди. Насим ака ҳам шофёрликка ўзимизнинг Саттор акани олди. - Дадабой бўлган воқеаларни шундай берилиб ҳикоя қилардики, Каримжон иккаламиз уни вужудимиз кулок бўлиб тинглардик. - Айтганча, душанба куни кечаси Намоз чўтир билан шеригини кимдир сўйиб кетибди. Қишлоқ чеккасидаги чолдевор бор-ку, эсингдами, кўй боқиб юрганимизда ўша ерда ўйнардик, ана ўша чолдеворнинг ичида бир

халта пул санаётган пайтида ўлдириб кетибди. Иккаласининг ҳам юрагини суғуриб олиб бир челака солибди-да, ўтда куйдирибди. Юракларининг ўрнига эса даста-даста пулларни тикиб қўйибди. Буни эртасига Латифнинг укаси Ашур эшагини кидириб чикқанида кўриб қолибди. Бугун чўтирнинг худойисини беришди.

Дадабойнинг ортиқ гап-сўзи қулоғимга кирмай кўйди. Кўз олдимда Оқсоқолнинг қонга беланган устбоши лип-лип ўтар, қулоғим остида эса «мен қасос олдим, мен ғолибман» деган сўзлари жаранглаб-жаранглаб турарди. Мен шундагина бор ҳақиқатни рўй-рост англаб етдим.

Биз аламаҳалгача гаплашиб ўтирдик. Агар ойим келиб жойимга ўтиб ётишимни айтмаганида ҳаливери суҳбатимиз адо бўлмас эди.

Мехмонхонага ўтганимда дадамнинг бир ўзи ўтирган экан.

- Мехмонлар қаёққа кетишди? - сўрадим дадамдан.

- Макар билан Мишани Насим уйига олиб кетди.

Бир мехмон қилай деди. Эрталаб ака-ука Самарқандга жўнаб кетишаркан.

- Ўринларинга ўтиб ётинглар, жой солиб кўйдим, - деди ойим.

Биз қатор қилиб оппоқ тўшаклар солинган уйга ўтдик. Дадабой ҳам бизникида қоладиган бўлди. Иссиққина ўрнига ётар эканман, бошимдан ўтказган воқеаларим, кўрган-кечирганларим яна бир бор ҳаёлимдан ўтди. Аммо ҳеч бирининг такрорланишини истамас эдим...

1995 й.

Уйғун Рўзиев. Атиргул

НАСРИМИЗДА ЯНГИ БИР ОВОЗ

Ўзига хос услуб ҳаммада ҳам бўлавермайди. Хонандалик санъатини мисолга олсангиз, бу соҳада пайдо бўлган ҳар янги овоз ўзига хос ёрқин бир услуб билан янграй олмаса, тақдир йўлидан боради, шу сабабли уни бошқа хонандалардан фарқ қилиб бўлмайди.

Адабиётда ҳам ҳар бир яхши шоир ўз овозига эга бўлгани каби, ҳар қайси насрнависнинг услубий ўзгачалиги унинг худо берган истеъдоди қанақалигини кўрсатиб туради.

Самарқандлик ёш ёзувчи Уйғун Рўзиевнинг "Атиргул" романи насримизда янги бир овоз пайдо бўлганидан далолат беради. Ёшликка хос қувноқлик, тиниб-тинчимаслик, ўз нуқсонлари билан кулиб хайрлаша билши, ҳар тарафга бош уриб, ҳаётдан ўз зрнини топишига интилиши асар қаҳрамони Мурод Олатўн мисолида мароқли ва ишонарли қилиб тасвирланади. Роман қаҳрамонларининг айрим саргузаштлари мумтоз адабимиз Фафур Буломнинг "Шум бола" қиссасини эслатади. Фақат воқеълар бутунлай бошқа бир даврда - шўро тузумига хос рижорликлар ва зўравонликлар шароитида бўлиб ўтади. Сөг одамларнинг Қосим-юмалок тоифасидаги золимлар томонидан руҳий касалликлар шифохонасига қамаб қўйилганлиги ҳам ўша мустабид замонанинг кирдикорларидан бири тарзида кўрсатилади.

Ўйлаймизки, "Атиргул" романи, айниқса, ёш китобхонлар томонидан қизиқиб ўқилади. Уйғун Рўзиев бу романнинг илк вариантини 21 ёшида, ҳали дорилфунун талабаси бўлган кезларда ёзган. Шунинг учун унда талабалик даврининг жўшқин нафаси сезилиб туради.

Ёш адиб адабиётга дадил қадам билан кириб келяпти. У янги адабий авлод вакили сифатида насримиз ривожига келажакда катта ҳисса қўшади, деб умид қиламиз.

Пиримқул ҚОДИРОВ

Собир ЖАББОР



УЙҒОНДИ ЁЛҒОННИ СҮЙМАГАН ЖИНИМ

СУБҲИДАМ

Кушларидан уйғонди кўнгил.
Кучоғимда исинди куёш.
Зулумотни, гафлатни енгиб,
Оғочларнинг баргида кўз ёш.

Еллар елпир хайрли тонгни,
Яйраб кетар сиқилган ҳаво;
Ташвишларим кетдилар ўнгиб,
Мени Ишққа йўллагай Дунё!

Кўшил, дейди, тиниққан оқим,
Кўшиламан, кўшиқ бўламан.
Умид яқин - омадлар яқин, -
Худо суйган - қуйган боламан...

Куйинаман - севаман дадил,
Сирлашаман гунчалар билан;
Толе томон ташлайман одим
Меҳри қайноқ кўчалар билан.

ДҮППИ (Устоз Миртемирни хотирлаб)

Сизни йўқлаб йўлга чиққан дам
Намчил эди кўкнинг жоласи;
Дўппимни қўйнимга тикаман:
«Собир - камбағалнинг боласи».

Етиб бордим жунжикиб ҳиёл,
Биз учрашдик яна - нон насиб.
Менга дўппи этдингиз ҳады.
«Домла - Оқибатнинг боласи!...»

Авайладим ўша дўппини,
Муътабардир Инсон тухфаси;
Кўрдим шоирларнинг кўпини,
Сизга ўхшамайди зуваласи!

Бошда дўппи куюндим, кулдим,
Ҳамон ёдда Меҳр сиймоси;
Устоз, ўйчан турибсиз бу дам:
«Шоир - Уқибатнинг боласи...»

МУНОЖОТ

Бону!
Кипригимга кўнди окшомлар,
Аламзорлар аро юлинди жоним.
Тилим тугун эди - унди ушшоқлар,
Уйғонди ёлғонни суймаган жиним,

Дедим: Ай, юрагим, айт, нима бўлди?
Деди: Ишқ аталмиш гунчангиз сўлди.

Аламзорлар аро жоним юлинди,
Сизилган сўзларим қуйқадир, илло -
На-да сўз, на-да кўз билан ялиндим,
Мен Шоҳман, юраги яролар ялло!..
Дедим: Ай, юрагим, айт, нима бўлди?
Деди: Ишқ аталмиш гунчангиз сўлди.

Тилим тугун эди - унди ушшоқлар,
Кўксим, сим-сим дедим, очиди тилсим.
Жиззали жуссамни ғусса ушоқлар,
Исмингиз ёзилмиш кўксимни тилсам!
Дедим: Ай, юрагим, айт, нима бўлди?
Деди: Ишқ аталмиш гунчангиз сўлди.

Уйғонди ёлғонни суймаган жиним,
Тўлғонди аламлар сукутларимдан.
Лолагун юракни отди-ку жунун
Феруза осмоннинг булутларига...
Дедим: Эй-й... юрагим! Ҳа, нима бўлди?
Деди: Осмоннинг ҳам бўлари бўлди...

ЯЛПИЗ

М. Юсуфга

Меҳр борки, одамзод тирик,
Яхшиларга бўлолдим шерик,
Гарчи номим, мансабим йирик,
Сенга сизинаман, ялпизим...

Қай кун шошдим (шуҳрат худди май!)
«Қишлоққа бораман ҳадемай...»
Хабар олиш қўлимдан келмай
Энди қийналаман, ялпизим.

Қалам ҳақи келса эшикка
Онамга, деб жўнатдим тикка
Пул керакми хокисорликка?! -
Ўйланаман энди, ялпизим.

Дил қонайди онамни ўйлаб,
Юрганмидим кучада ўйнаб,
Қийналаман ўйларим қийнаб,
Қуюнаман энди, ялпизим,

Йўлларимга кўзин тикқандир,
Мени ахир шу зот тукқандир,
Ўғлим ҳидлар дея, эққандир -
Сенга суянаман, ялпизим...



Умр - қумсоат ҳам яримлаб қолди,
кўнгил тўлгани йўқ билганларимдан.
Ёдимни оғритар кечирганларим,
кўндир қилмаганим қилганларимдан.
Шавкат РАҲМОН.

- «Жангир-жунгир»...

Бир маромда янграб турадиган бу товуш сира тинмайди, қаришаш, эскиришни билмайди, олис мозиёнинг қонталаш уфқларида жимирлаётган сир-синаотини бағамом англашга тафаккуримиз, кўзлаган манзилини илғашга кўзимиз имкониятлари ожиз - ҳаёт карвонининг кўнғироғи садоси бу. Илк йўлга тушган работи ва сўнг бекати сирли бўлгани сингари кўнғироғини ҳам оддий қулоқ билан эшитиш маҳол. Фақат тақдиру азал пешонамизга зарб этилимиш манзилда унга кўшилиш, ҳаётимиз поёнида ажралиш насибимиз. Ким билсин кунига бу карвон сафига неча киши кўшилиб, нечаси узилиб қолади. Тақдир уйинини қаранг - бу карвонни тўхтатиш ҳеч бир бандасига насиб этмаган, этмайди ҳам, вақт-соати етганда биз нечоғлик уринмайлик, талвасага тушмайлик, шоир каломи билан: «тўхта-я, тўхта-чи, умрим карвони», - дея илтижо қилмайлик, кўз илғамас сарҳадларга чўзилган карвон ҳаракати ўз маромини ўзгартирмайди. Биз ирмоқлармиз, сокин карвоннинг бир ҳаприқиб, пишқириб, оқадиган, сўнг қақраб қоладиган ирмоқлари. На ҳорғин тортиш, на ҳордик чиқаришни билладиган карвонга кўшилган бир сиким умримизнинг тўлиб-тошиб оққан давридаги шижоатимиз ожиз уринишдир. Бу уриниш эса ўз дунёкарашимиз доирасида яхши ҳам ёмонни ажратишгагина етади, холос.

- «Жангир-жунгир».

Карвон кетиб боради, кимдир кўшилиб, кимдир эса узилиб...

1

Ўша оқшом, борликка тун зулмати ўралган палла кўз кўриб, қулоқ эшитмаган беомон жанг бўлди, томонларнинг бирида Муҳаббат ва Садокат, иккинчисида Шаҳват ҳамда Хиёнат муҳорабага саф тортди, эрта тонг эса қишлоққа илондек ўрмалаб совуқ миш-миш оралади:

- Сулув ўзини осибди.

- Нега?

- Шундай бокира жувонни нима жин чалди экан?

Ўлимнинг мўъжизакор бирлаштирувчи кучи бор. У бир муддат одамлар онгидан кундалик тирикчилик ташвишларини қувиб чиқарди. Маъшум хабар қулоғига чалинган кимса борки сўнги йилларда эркак қўлининг излари тушмаганидан лойсувоғи кўчган афтодаҳол ҳовлига оқиб келарди. Тушга яқин тобут кўтарилди. Куноша урушдан совуқ хабарлар олиб юракзада бўлган жаманда елкаларида лопиллаётган тобутда қийинчиликларга дош беролмай ўз ширин жонига қасд қилган ожиза эмас, уруш жангоҳидан олисдаги яна бир қурбони ётганини, фожиага кўзлари ўғри

мушукникидек олазарак ҳосилот алоқадор эканлигини билмасди...

Оила - кўрғон, эр унда посбон, аёл малика бўларкан. Вақтида элнинг не-не алп йигитлари Сулувга зимдан сирли боқиб, ягона жилмайишига жон таслим этишга ҳам тайёр эдилар. Нашидали тўй оқшоми, чимилдикдаги нозли гурунг кўпларнинг орзусидаги малакни бировнинг ҳасмига айлантирувди, кейин эса оила кўрғонининг безағи бўлиб фарзандлар туғилди. Қутилмаганда бошланган уруш, эрнинг Ватан ҳимоясига отланиши бахтли ҳаётга оғу солди. Йиллар, ҳижрон азоби, жўжабирдай уч фарзанднинг қорнини тўк, эгини бут тутиш илнжиди унча-мунча эркакнинг ҳам силласини қуритадиган кетмон чопиш, ўроқ ўриш қўлларини дағаллаштириб, пешонасига ажинлар туширган бўлсада Сулувнинг сулувлгини аритолмади. Балки ҳосилотнинг сўқир қалби фақш истаклар билан тўлиб-тоғишининг боиси ҳам шундадир.

Кунлик режани бажармасанг бугдой оломайсан.

- Бажаролмасам туни билан ўраман.

Сулув ориятли эди, бировдан таъна эшиттиси

келмасди, «болаларимнинг қорнини ҳалол ошдан тўйдирсам» дерди, ўзгалардан ҳам ҳалолликни кутарди: Эҳ, Сулув-а, нахот сен кунузу қора меҳнат изидан бир сиким донга эришаётганингда, кимнингдир уйига копи билан тушаётганини, ҳаром йўл билан эришилган тўқлик айримларни қутуртиришини билмасдинг. Агар англаганингда тўрт мучаси соғ туриб, қай йўл биландир урушдан қолган, фронтдаги тенгдошлари ҳасмига кўз олайтириб, вужудини наҳс босган ҳосилотнинг човутига тушиб қолармидинг. Ўша кеч далада сени орият, ҳосилотни қабих нияти ушлаб турди, хуллас сен хиёнатга дош беролмадинг...

Ҳовлидан тобут кўтарилди, у жонсиз танани сўнг манзилга олиб кетди, дастлаб ота, сўнг эса разолат қурбони бўлган она меҳридан ажралиб зир қақшаган фарзандлар атрофида беором руҳ ҳамда топталган Садокат чирқираб қолди.

Карвон кетиб боради, кимдир кўшилиб, кимдир эса узилиб...

2

Боланинг Ойширин момога меҳри зўр эди, биргина унинг эмас, маҳалладаги ҳамма болаларнинг овунчоғи эди момо. Аслида сочининг бирон тола қораси қолмаган момо, момо эмас, бола эди. Ёши етмишдан ошган момонинг ёлғизгина ўғли олис яйловда чўлик

КҮҲНА КАРВОН КҮНҒИРОҒИ

бўлиб ишлар, бунинг устига ёшлигидан ўпкаси шамоллаб, йилнинг тенг ярмини вилоят марказидаги шифохонада ўтказарди. Момонинг қора-қура болаларни севиши, кўни-қўшниларида неча чурвақа бўлса ҳар бирини, ҳар куни ўзи тайёрлаган серқаймоқ қатик билан сийлаши ҳам шундандир балки. Болалар ўз уйларига ўт юлиб келишдан қочишсада, момонинг сипирини сира оч қолдиришмасди. Баҳор келди дегунча Ойширин момо болаларнинг бошини бириктириб, маҳалладаги қўй-эчкилардан сурув қилар, болалар шовқан-сурон кўтариб сурувни эрта тонг яйловга ҳайдашар, кош қорайганда қишлоққа энишарди. Момо болаларни зериктирмас, гоҳида қизиқ-қизик чўпчаклар айтса, гоҳида кўлларига чиллак чўпини ушлатиб, бир четдан ўйинларига одил ҳакамлик қиларди.

Ёз кунларидан бири. Эрта тонгданок момонинг муъжазгина ҳовлисига тумонат одам йиғилди. Момо ёлғизгина ўглининг кийим-бошларини бўйнига ташлаб, оппоқ сочини ёйиб, айтиб-айтиб йиғлади:

*Йигит ёшга етганда,
Хазон бўлган болам-а.
Юрак-бағримни доғлаб,
Ташлаб кетган болам-а...*

Ҳаётида бундай даҳшатли томошанинг илк бор гувоҳи бўлаётган бола сеҳрланиб тик қотган, у ёқ-бу ёқдан ўтаётганларга эътибор бермас, йиғи-сигиларнинг сабабини тушунмасда кўзлари жикқа ёшга тўлганди. Кечагина момонинг ўглини дўхтир мошинида шаҳардан келтиришган, туни билан ҳовлига келиб-кетувчиларнинг изи узилмаган, болаларни уйга киритишмаганди.

Бола ҳайрон: «катталар нега бундай қилишади, биронтаси момони овуғай демайди, аксига аёллар ундан қолишмасликка баҳс бойлагандек давра айланиб, эркаклар сафга тизилиб, бир-бирининг елкасига қўл ташлаб йиғлашгани-йиғлашган...»

- Ҳа, болам, бу ерда нима қилиб турибсан? - онасининг меҳрибон овози боланинг хаёлларини тушовлади.

- Нима бўлаёпти, она?

- Момонинг ўгли ўлган, уйга кет, азага бола келмайди, борақол болам.

Елкалари шалвираб тушган бола ортга қайтди, ҳали у ўлим, жудолик, фарзанд нималигини билмас, фақат бугун момонинг эртақларини эшитиб, қатик ичишдан маҳрум бўлганидан ранжиганди.

Турмуш қатига турфа сирларни яширган китоб экан. Бола ўсиб вояга етди, ота бўлди. 1983 йил қаҳратон қишда Ойширин момо бандаликни бажо этди. Энди у замонавий посёлкада, жияниникида яшаётганди. Эрининг, ёлғизгина ўглининг ювиғи чиққан уйга талпиниб узоқ вақт кўз юмолмади. Дилдан ишонган, суйанган тоғим деб билган қариндоши:

- Момони кўтаринг, йигитлар, уйига олиб борамиз, - деганида синиққина жилмайиб, ёлғон дунёни тарк этди.

Қор бўронлаб турганига қарамасдан Ойширин момонинг меҳрибонлари - кечаги болалар, бугунги оталар уни елкаларида кўтариб сукунат салтанатига қўйиб қайтишди. Тунги пайт «бола»нинг онаси хўрсиниб:

- Бечора момо бир умр тирноққа зор ўтди, - деди.

- Бўрноғи йили вафот этган ўғли-чи?

- Тутинган боласи эди.

«Бола»нинг кўз олди қоронғулашиб кетди.

Турмуш китоби саҳифаларини варақлай бошлаган ўша бола мен эдим. Донишманд ҳаёт ҳаммамизга ширинини ҳам, аччиғини ҳам торттирди. «У қайтади» деган илинжда соч оқартирган бевалар эртақ эмас ҳақиқат, бутун умр тирноққа зор ўтиб, бир-бирига садоқатли қолган воқелик. Во дариг, ҳамма аёл ҳам бирдек она номига лойиқ бўлавермас экан. Тунда фарзандини четга суриб, ёстиғини ярмини ҳиёнат эгаллайдиганларни ким деб аташ мумкин? Мен ҳар доим бу улғу сўзни тилга олишим билан Ойширин момога ўхшаганларни эслайман. У аламидан, хўрлигидан ер тепиб айланаверади, айланаверади, бўғзида ҳиркироқ товуш қотиб қолган:

*Йигит ёшга етганда,
Хазон бўлган болам-а-а-а...*

Карвон кетиб боради, кимдир кўшилиб, кимдир эса узилиб...

3

Далли дарё эндигина йигирма икки баҳорни қаршилаган, орзулари бир жаҳон йигитни оғушига олди. Балки унинг бу ҳаракати алп ўғлонга нисбатан дилида меҳр кўз ёрганидандир. Ҳар ҳолда ўтганнинг ёш жонига жабр бўлди. Суюкли ёр совуқ тобутни қучоқлаб қолаверди, йўрғақдаги ҳамда эндигина ширин тили чиққан икки қизалоқ ҳали бу айрилиқни англаб етмасди.

Вақт бешафқат, у бизнинг йўригимизга бўйсунмайди, қай кундир, кимдандир жудо бўлганимизда яшашнинг ҳожати қолмагандек, ҳаёт ўз файзини йўқотгандек туюлади, аммо бефайзми, файзлими вақт доира бўйлаб айланаверади, кунлар ўрин алмашинаверади.

Ёш беванинг кўлини сўровчилар қайнота эшигини қоқишаверди.

- Ёш нарса, ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган, увовлига қолмайлик, мен розиман, келинингни кўнглини сўра, - деди чол кампирига.

Қайнона келинга дил ёрди. Келин эса:

- Менинг эрим бир эмас, икки фарзандим икки эр, уларни уйли-жойли қилмагунимча бу ҳақда сўз очманг, - деди.

Қатъий эътироз шубҳа-ғумонга ўрин қолдирмади. Орадан йигирма икки йил ўтди, ҳозир қизларнинг ҳар иккаласи ота орзулаган, олийгоҳни тугатиб бир кун ишлаш ҳам насиб этмаган касбни эъзозлашаёпти - ўқитувчи...

Карвон кетиб боради, кимдир кўшилиб, кимдир эса узилиб, унга кўшилган қисқа фурсатда англаганларим - насл шажарасини давом эттирувчи қаср оила, эр шаҳзода, аёл малика эканлиги, бу қаср устунлари Меҳр, Муҳаббат, Садоқатдан яралса, фарзандлар риштаси билан боғланса сира-сира дарз катмаслиги бўлди.

Абдунаби АБДИЕВ



«ЯХШИ ОДАМ» БИЛАН ЎН КУН

Нолар Думбалзенинг «Куёшни кўраянман» киссасини ўқитганимлаёқ у инсонга меҳрим тушиб қолган эди. Кейин у ҳақлаги матбуот ёзган жамки нарсаларни қилириб ўқий бошлади. Охири гуржиларнинг бу хассос адиби билан танишиб, суҳбатланиш истаги мени буткул оғушига олди. Ва ниҳоят Нолар Думбалзе билан тасолифан учрашиб қолдик.

Кичик ўғлим Сарвар бахонаи-сабаб Қора денгизга тез-тез қатнайдиغان бўлиб қолдим. Ўғлимга солир бўлаётган астма касалининг аввалам бор Аллоҳдан, қолаверса Қора денгиздан лавосини сўрайвердим.

Шундай сафарлардан бирида Пицундалаги ижодий уйга энди етиб келиб ажратилган хонага жойлашган ҳам эдик, хонамизни саришалаб берган ходима:

- Тушликка қиринглар. Шошилинглар, кеч бўлиб қолмасин, - деди. Ота-бола ошхонага бордик. Қираверишдаги эшик орқасида парла бор экан. Шу парлани очиб, боламни ўтказиб олай, деб турсам, у томондан ҳам бир думбюк қўл парлани очибга чоғланди.

- Ие, қизиқ бўли-ку, - деди афтимга қараб у, биз, тушунмайдиган тилда.

- Кечиринг, бироз шошиб, - деб ўз сўралим.

- Парлани айтмайман юзингиздаги айни меникилака бурунни айтганиман, - деб ханлон уриб қўл узатди. Менинг онам картошка бурун, сенлақа ношул жахонла битта, дера эли. Хайрият, бир жуфт эканмиз, - дея яна ханлон олди. Бу ташларни гуржи тилида айтгани учун тушунмай анқаяр эдим.

- Қизиқ одам экан-ку, - деб мен ҳам кулиб юбордим. Сўнг гап қайтармай, жимгина кулиб турганим учунми, гуржи тилида яна алланималарни гудранди. Унинг гуржисидан биргина «Қацо»ни тушундим. Яна индамай туравердим. Шунда у ўрисча сўрала:

- Арманмисан?

- Йук! - дедим.

- Алхазмисан? - сўрала яна.

Бошимни сарак-сарак қилдим. Шунда у киши портлади:

- Соқов бўлмасанг агар, гапир!

- Ўзбекман!

- О, Тошкентданмисан, гуржиларнинг «Динамо»си чемпион бўлган Тошкентдан-а! Москва «Спартак»ини ерга ётказиб қўйган мукаддас тупрок, - деди-ю, кучоқлаб олди. Сўнг:

- Э, меҳмон экансан, юр! - деди-ла, қўлимдан сураб, бизни ўзи ўтиралитган қатордаги бўш уриндикка ўтказиб, ўзи болаларча чопиб кетди

нарига. Зум ўтмай қўлида бир шиша «Чихавери» виноси олиб қайтди.

Икков ҳали бир-биримизнинг исм-шарифимизни билмай туриб бу ширингина винони «майдаладик». Сўнгра у овқатни қошиқ билан оҳиста титкилаб ўтирган ўғлимга юзланди:

- Исминг нима, болажон, - деди.

- Сарвар, - деди оҳиста жавоб қилди ўғлим.

- Отангнинг исми-чи? - сўрала у.

- Сайёр, - деди болам.

Шунда унинг саври члмай:

- Меники Нолар! - деди.

- Ана, танишиб олдик, - дедим унга овқат ейишга мулозамат қилиб.

У эса ўрнидан туриб:

- Ташқарида тоғолчалар тагидаги уриндикда қутаман, - деди-ла шошиб чиқиб кетди.

Овқатдан сўнг ота-бола шошмай ташқарига чиқсак, янги танишимиз бир неча ўзимизга ухшаган офтобда пишган, қорача тус одамлар лаврасида турунг бераянти. Бизни кўрди-да:

- Фозил, ты вель мусманнин, вот они, - деди.

Уларга яқин бориб, қўл олишдик. Фозил Москвада яшагани учун мени сал-пал билар экан.

- Сен уша Сайёр шоирмисан. Ўзбексан, а? Николай Старшинов таржимасида «Юности» да биринчи шеърларинг босилган эли.

- Биларкансиз! - дедим хаяжонланиб.

Хаммамиз беихтиёр, Қора денгиз соҳили бўйлаб жўнадик. Болам кичикрок бўлгани, устига-устак ўзи бутун келганимиз сабабли ҳали ошналар топмаганидан маҳкам қўлимдан ушлаб олган эли.

- Фозил Искандармисиз! - дедим ёнимдаги мендан бир қарич бўйи узун одамга.

- Худди шундай!

- Сизни Алабёт институтидаги ўқитувчи Лариса Теалоровна Исарова кўп гапирар эдилар, «Древо детства» китобингиз ҳақида айниқса...

Фозил Искандар камтарона пажайиб қўйди.

- Анави, ҳадеб ёнидаги жўраларини тошириб култираётган Нолар исми йиғит ким? - сўралим шайт пойлаб.

- Ўша Нолар Думбалзе-да!

- Йўт-е!

Ўғлимни Фозил Искандар билан қолдириб, биздан уч-тўрт қалам ортла келаётган Нолар ёнига интилиб, кучоқ очдим. Оловлай чакнаб турган кўзларини хайрон тикиб, у ҳам мента

интилади. Кучоклашиб кетдик. У гуржи тилида дўстларига алланима деди. Ҳаммаси қорнини ушлаб кулишди.

Кейин Нодарнинг айтишича, икки эгарбурун урушиб кетмасайли кучоклашаётганимизда, осмонда чакмоқ чақиб юборали-я, дебди. Шундан завқланиб кулишган экан.

Денгизнинг шундоққина бўйидаги ошқонала утириш бўлди. Ўша ерда хизмат қилиб юрган йигитлардан бири Сарвар ўғлимни биз жойлашган хонага қоқ ярим тунда олиб бориб қўйиб келгандай, суҳбат тугамали.

Эртаси куни Нодар Думбалзе нонуштадан кейин Тебисидан келган хотини ва баландпаст бўйли икки қизи билан таништирди.

Ўша куни тушликка кириб келаётганимизда Нодар ёнимга келиб:

- Ўғлингдан энди хавотир олма. Унга бир йўла уч қоровул бор. Хотиним ва икки қизим, уни осонликча «Шави зигва»*га бериб қўйишмайди, - деди кулиб, - улар овқатга киришсин. Сен билан мени бошқа дастурхон кутаяпти.

Хуллас, машина келиб қолди. Ундан ошпоқ, пахтадай, миктигина, ажойиб, қимматбаҳо кийимлар кийган, тахминан қирк яшар йигит тушиб, Нодар турган томон шошилди.

У ҳали нарида келаётганидаёқ Нодар:

- Ашот бу. Арман бўлишига қарамай яхши одам, - деб кулиб уни қарши олди.

Унинг ҳазили менга қалтисроқ туюлиб, пешонамдан тер чиқиб кетди. Аммо бойваччанамо Ашот урис тилида:

- Нодаржон, Нодаржон, генацвали! - деб кучок очди.

Кейин мен билан ҳам кучоклашиб кўришди. "Мени ҳам гуржи хаёл қилди, шекилли" - деб уйладим.

Машина Гагра шаҳрининг ярмидан ўтиб, бораверишда унг томонга, тоққа чиқадиган тик йўлга бурилди. Умуман Гуржистон ерлари, айниқса Қора денгиз бўйлари жуда қизик. Бир томон тиник, мовий уммон, ўртала оёгина ерунинг ҳам ярмини кўча эгаллайди. Кейин лимон, апельсин, мандарин дарахтчалари гул экилган кичкина - вежим ҳовлилар. Ҳовли тошга, тоғнинг пойига такалади. У ёғи тоғ бўлиб кўтарилиб кетали. Шу танқис ер орасида яна поезда йўлига ҳам жой топилаганини айтмайсизми. Иморатлар хусусий, кўпинча уч қават. Яна у уч қаватнинг тағидаги тош ўйиб ергўла қилинган.

Хуллас, тоққа кўтарилиб боряпмиз. Бир маҳал тоғлик кўча бир четида темир дарвоза пайдо бўлди. Ичкари қирлик. У ерда бир чолу кампир, енглари шимарилган, башанг кийимдаги бир қиз, бир ўғил бизни очик чехра билан кутиб олишди.

Нодар ҳаммаси билан куюқ сурашди. Мен ҳам Ашотнинг отаси билан кўла олишиб турганимда:

- Хороший человек, - деб қўйди Нодар. Бу иборани Ашотнинг отаси Ваню амаки ҳақида айтдим, ё Ваню амакига мени шундай деб таништирдими, фахмлай олмадим.

* Шави зигва - Гуржи тилида «Қора денгиз» дегани.

Наридан Нодарнинг ҳайқирик овози эшитилди:

- Нега энди, нега энди!

Улар ёнига борсам, Ашот билан Нодар бахшлашаётган экан.

- Меҳмон бор, уйга кирамиз, - деди Ашот.

Нодар эса бош чайқаб:

- Нега энди, саройга, хашак устига жой қил-табий! - деди.

Мен уларнинг бахсига қўшилмадим. Хонага қирлик. Бир пиёлалдан енгил вино ичиб, сўнг тапқарига, саройга чиқдик. Ажойиб жой экан, деганимни кўзимдан уқиб турган Нодар:

- Айниқса-чи, ортиқча кулок йук, хотин-халаж йук, - деб қўйди қафтларини қафтларига ишкалаб.

Саройга киришимизданок:

- Сен ўзбек мақтаниб кетмайсан, бидаман. Сал кам юз эллик билан бери тутқунликда яшаб келаяпсан. Сарикларнинг чивини конларингни обдан сўриб, жонларингни обдон олди. Тинканг қуриган. Жоним ачийди. Ахир биз қачонлардир бир юрт - бир мамлакат бўлганмиз. Амир Темур бизни бирлаштирган, - деб қолди.

Ҳазил қилаяптими ё гапи чинми, билмадим. Мен:

- Табиатни қаранг, ажойиб жойлар экан! - деб гапининг узанини бошқа ёқа буришга тиришдим.

Нодар муғомбирларча илжайиб:

- Чучитиб қўйишганми, жула, а! Сизлар, бизлар ўруслан анчайин қалимрок халқмиз-ку! - деди. - Бирлашганимиз ҳар ҳолда яхши бўлган. Мана, масалан: Арман, Гуржи, Ўзбек - йигилишиб қолдик. Сўзлашяпмиз. Бир-биримиздан бетонасрашмаяпмиз.

- Бир-бирига тобе бўлмай ҳам яхши қўшни бўлиш мумкин, - деди Ашот. - Бу кетишда ўрис халқи ишга яроксиз бўлиб қолди. Ўзига қўйин бўлди, ахир. Очил дастурхонни ўн тўрт республика ҳаминша яратиб қўймас. Қўзи очилади. Гурури пайдо бўлади. Қарамликка ҳатто ит ҳам чиқомайди.

- Ўрис халқила айб йук. Ўрис мужигининг аҳволи ҳам ўзимиз қатори, - дедим барибир эҳтиёткорликни бой бермай.

Хайрият, Ашот мавзунни ўзгартириб юборди. Тонг отгунча алабиёт ҳақида сўзлашдик. Шота Руставели, Григорий Табилзе, уч халққа бароғар шоир Сайат Наво, Григорий Георгалде, Бараташвели. Хуллас, Гуржистонда мингдан ортиқ ёзувчи, шоир, драматург алабиётшунос, мунаққил бор бўлса, Нодар Думбалзе гапидан хулоса шуки, ҳаммаси «Яхши одам» ва қобилият эгаси экан. Кимни сўрасанг:

- О, у зўр! - деяверали.

Бундан билдимки, Нодар Думбалзе ўзи зўр экан. Ўз ибораси билан айтганда ўзи: «Яхши одам» экан. Шу тунги суҳбатдан кейин ундан чўчимай қўйдим.

Эрталаб нонуштадан кейин, Нодар шунлай деди:

- Ашотжон, қай миллатга мансублигимиздан фахрланишни ўрганайлик. Бу яхши. Аммо сен айтгандай ҳамма туркийлар ёмон бўлавермайди, ҳамма арман ҳам бирлек эмас, ҳамма гуржи княз эмас, ёмонига нафрат сочиб, яхшисига

мехр кўрғазиб яшайлик. Аммо сен Ашот арман бўлсанг ҳам яхши одамсан!

Уйқусиз кўзларни аранг очиб баралла кулишдик.

Ижод уйига қайтдик. Ўғлимга «қоравул»лар яхши қарашибдию аммо у чегарасиз чўмилавериб озгина шамоллаб қолибди. Иситмасини туширишга уннаб кетдим.

Эртасига тоғ бошида табиат пайдо қилган Рица кўлига жўналик. «Латвия» автобусида Фозил Искандар, Нодар ва унинг оиласи, мен, ўғлим ва яна иккита киши. Бир ёғи жарлик, бир ёғи тоғ бўлган торгина тоғ йўлидан шунчалар машинани югуртиришалики, одам жонини ҳовучлаб утирди.

Табиатнинг ўхшашлигини қаранг. Хулди бизнинг «Жули Хубон». Бир томон тоғ қулаб, сой олдини тўсиб қўйган. Рица юзига қуёш тушиб турса ялтирайди. У ер - бу ерида осмондаги булутнинг кўланкаси.

Нодар мени нақ Рицанинг қирғоғига яқин олиб борди. Ўғлим унинг қизалоқлари билан нарида қолди. Қирғоқда ўн лакика туришим керак экан. Одамнинг қандай эканини «Рица» айтиб берармиш. Агар синалалган олам ёрига бевафолик қилган бўлса, «Рица»нинг зилол сувлари бирозгина лойқаланаркан. Агар дўстига хиёнат қилса, тунд рангига кириб қора тўлқинлар ҳам пайдо бўларкан. Агар у Ватани ва халқини норизо қилаётган бўлса, ўша қора тўлқинлар кутуриб, қирғоққа ташланар экан.

Ўн лакикала ҳам Рица юзида ҳеч нима ўзгармади. Қайтага «Рица» қуёш нурида бахмалдай яшнаб, мавжлари ҳам қошдай бир текис тизилди.

Нодар билан Фозил ёнимга келишиб, мени самимий, чиндан қутлашди.

Ўғлим Сарвар: - Мен ҳам ўзимни синай, - деган эди, Нодар:

- Отаннинг боласисан-ку, оламнинг меваси тағига тушди. «Сен яхши одам!» - деб унинг елкасида кучди.

Бу шарофатни ҳам енгил вино билан ювиб, бу ердаги арман кабовчилари пиширган ўқловдек келадиган сихларда тайёр кабовдан едик.

Қайтишда Сарвар суратга тушди. Бизни Фозил Искандар суратга олди. Мен «Рица» хақида шеър уйлаб бошладим. Шеър, йўл узоклигидан бўлса керак, «Рица» сувидай ёйилиб дostonчага айланди. (Бундан азиз ўқувчилар хавардор.)

Орадан уч кун утиб, мени отасига кўрсатиш ваҳонасида бизни Нодар ўз қишлоғига олиб кетди. Тоғ оралиғидаги қишлоқ. Тўрт томони девордек тоғ билан уралган. Қишлоқдан икки юз метрча тепаликда тоғнинг туртиб чиққан бир ерида, одам чинчилогидек келадиган тубалан жиллирав сув тушиб турибди. Сув олиш учун челақ қўйилалган жой тубалан росмана тўрт метр наstda. Табиатнинг мўъжизасини қаранг. Шу қишлоқда яшайдиган етмиш тўрт хонадон учун йўқ жойдан Аллохнинг марҳамати билан сув оқиб турибди. Ундаан ўтиб Нодарнинг ота-онаси яшайдиган хонадонга кирдик. Уни ҳам бизнинг тушунчалаги хонадон деб бўлмайди. Туғри, дарвозаси бор. Дарвозанинг

икки ёнида икки-уч таъ келадиган четан девор, то туртиб чиққан тошгача, у ҳам мол-ҳол учун. Булли. Қолган ҳаммаёқ очик харсанг тошлар. Отаси хулди ўзимизнинг чоллардай серсоқол. Онаси ўзимизнинг камширлардай ураниб олган.

Улар билан самимий кўришиб, хол-аҳвол сурашиб, тутунларимизни тоширдик.

Қизик, хонадонда ҳамма нарса қора рангда. Дераза, парла - қора матолан. Хотинларнинг рўмоли, кўйлаги, устига кийган нимчаси ҳам қоп-қора. Бинонинг қуёшга тесқари томони айвон. Уч тарафи очик. У ҳам оч қора рангда. Демак, денгизнинг ҳам Зитва - қора, деб аталдишда гап бор экан?!

Хонадонда яна мени қизиктирган нарса, томдаги хулди мушукка ўхшаган тарновдир. Тарновнинг тағида олам бўйича келадиган ёғоч сувдонлар. Улар ер юзидан челақ бўйи баробарида кўтарилган, жўмрақлари бор. Қизиги шувадики, ҳаммасида топ-тоза сув тўда. Ажаб! Ўша ингичка тубалан келадиган сувдан ташиб келиб, шунча сув йиғиш тушқул. Йўқ, сув ташиб келинмас экан. Бир қулла ўртача олти ё етти марта ёмғир ёғиб сувдонларни тарновлар орқали тўлдириб кетавераркан. Тош ёнида хонтахтадек ер бўлса ҳам унга жўхори ва жўхори тағига мош, ловия, нўхат қалалар экан. Нон пишириш учун унга албатта жўхори уни қўшиларкан. Баъзан қовоқ шарбатига, баъзан - эчки ё қўй ёки сиғир сугига ҳамир қорилар ва «Лаваш» деган палнис шаклидаги нон пиширилар экан. Ниҳоятда мазали нон.

Биз бироз хорлик чиқариб улгурмай, ён - атрофдан катта-кичик қўшнилари тўпланаверди. Қўллариди, албатта, бир тортиқ кўтариб келишаркан. Хонтахталарни қатор қилиб узун дастурхон тузишаркан. У ҳам қоп-қора газмолдан. Салом-алиқдан сўнг, Нодар қишлоқдаги уйда сақланадиган махсус альбомини олиб чиқди. Унинг ёзилмаган қатини очиб ошпоқ вараққа шеър ёзиб бошладим. Шеър йўллаёқ тўкиладиган эди. Сарлавҳаси ҳам Нодар тинмай такрорлайдиган шёра: «Яхши одам». (Бу шеърим ҳам назм ишқибозларига китобларим орқали таниш бўлса ажабмас.)

Ўтириш бошланиб қоладиган булли. Дастурхонга қалдиригочдек тизилишдик. Соқий мени ва ўғлимни қим ва қай ердан эканимизни эълон қилди. Тошкент ва Тбилиси учун қалаҳ кўтарилди. Бир футбол қасаллиги билан оғриган ўрта яшар киши:

- Динамо ўша қутлуғ тушроқда чемпион бўлган! - деб ўрнидан туриб, майин жундан Ёр куррасининг ярмидек шаклида тўкилган оқ қалин ип билан қок тўртга бўлинган қоп-қора дўшисини менга кийдириб кетди. Яна бир одам янгигина плашчини елкамга ташлади. Хишлоат бўлиб турсам, Нодар:

- Хали замон ёмғир қуйиб қолди. Аскотали, олавер, - деб қолди.

Кейин Нодарнинг ота-онаси мени фарзандликка қабул қилишди. Сарвар ўғлим уларга назира булли. Биргина хазил, бурун ўхшашлиги ваҳона бўлиб, бир юмалаб Гуржистоннинг Гурия юртига ҳам фарзанд бўлиб қолдим.

СОЙЛАРНИНГ СУВЛАРИ АСАЛ БЎЛАДИ



ХОРАЗМ

Қудрат БОБОЖОН



СЕН БИЛМАЙСАН...

1

Кўхна ва заминий минораларни
Дунё боғларида тўкилган
хазон... кўзёш
ва уларнинг чўкиндиси
сертуз қумликлар
кўмиб йўқ қилар-кан
бу дунёга қайта келурман
теп-текис минорлар,
жарликлар узра жимгина кезгани...
кетаяпман, стар,
куз кўшиқлари
юрагимни шунча эзгани.

2

Қаердадир ўрмонлар нотинч
ҳеч ким тушунмас тилимни тушунган.
Қаердадир қиличлар - чакмоқлар ярақлар...
Бежиз эмас ахир бу кўрқинч,
йўқса нега кираберар тушимга

минглаб яшил байроқ кўтарган дарахтлар...

3

Сен билмайсан
минг йиллардан бери ётган бу тупроқ
бир дўстимнинг хоки эканлигини...

...манжанақнинг улкан соққаси
кўкда жонланар-кан
қочишга шошилдим жонимни асраб...
дўстимни ташлаб...
хануз қувиб юрар мени бу соққа, -
шўрлик дўстим-кўзидан оққан.

* * *

Сувга ташлаган ул
олма пўчоғин
қирғоқдаги бесаранжом куш
қандай илиб учгани ҳақда
мен ўйламай кўйдим алақачонлар.

Куш ўрнида қолган осмон, шамол,
дарахтлар ҳақида қилдим ҳаёл.
Кулранг булутларга тикилдим олис
ва ўйлай бошладим ёмғир ҳақида...
Мен шундай унутдим
сен берган
кип-қизил
олмани.

ЁЛҒИЗЛИК

Биринчи
қаватдан ўзига
йўлдош тополмаган у ночор

Иккинчи,
Учинчи,
Тўртинчи,
Бешинчи...

қаватларга кўтарилди жим...
ҳеч ким уни қилмади меҳмон

ЕТТИДА,
САККИЗДА,
ТЎҚКИЗДА...

сўнг томга чикди у паришон бўлиб.
Сизмади у ерда ўтирган
бир бахтиёр жуфтнинг орасига ҳам...

... сўнг эса томма том кеза бошлади
шаҳарда ёлғизлик ...

ОҒАХИЙ ИЗДОШЛАРИ

Лаффасийнинг «Тазкират уш шуаро» асарида хабар берилишича, ўтган асрнинг иккинчи ярмида Хоразмда қирққа яқин забардаст шоир қалам тебратган ва бу истеъдод соҳиблари Оғахий паноҳида бўлиб, у бошлаган ишларни ниҳоясига етказганлар. Ана шу шоирларнинг аксарияти ҳали жумҳурият адабий жамоатчилигига тўла маълум эмас. Шўролар ҳукм юргизган йилларда бу катта тўлқин пасайди, тинди, бир қолишга тушди. Орадан юз йил ўтгач, асримизнинг сўнгги чорагида «оққан дарё» яна оқа бошлади. Адабий муҳитда истеъдод чечаклари бодраб чикди. Бунга асосий сабаб шуки, устод шоир ва таржимон Матназар Абдулҳаким сахий кўнгил билан қаламкашларни теварагига йиғди, асарлари тарғиботига бош-қош бўлди, ҳатто арзирлик шеърларни рус тилига ўгириб, собиқ Иттифоқ адабиётшунослари эътиборига ҳавола қилди. Ана шу



* * *

Сойларнинг сувлари асал бўлади,
Гуллар бир-биридан гўзал бўлади,
Қушларнинг хониши ғазал бўлади,
Кимки бахил бўлса, ўсал бўлади,
Менинг бу баҳорим гўзал бўлади.

Осмон куз-кузлайди тўлин ойини,
Яхшилар топади жойли-жойини,
Паҳлавон Маҳмуднинг ўпиб пойини,
Алпомиш тортади олтин ёйини,
Куртаклар бир зумда ўсар бўлади,
Менинг бу баҳорим гўзал бўлади.

Бир аср яшарар Фитрат, Чўлпонлар,
Юртига қайтади «қувғин» Усмонлар,
Томирда мавжланар покиза қонлар,
Бирга суҳбат айлар дўсту-ёронлар -
Неки ёвуз руҳ бор касал бўлади,
Менинг бу баҳорим гўзал бўлади.

Қадимий Хоразм номли маконим -
Орзуим, армоним, жону-жаҳоним,
Масжидим, мадрасам, Мамун - **ҲОҚОНИМ**
Довруғинг оламини тутар бўлади,
Менинг бу баҳорим гўзал бўлади.

Даврада бўлмайди асло сергаплар,
Шеър билан бошланар ширин суҳбатлар,
Ўзбек боласини шоир йўрғаклаб
Исминг Алишер деб севар бўлади,
Менинг бу баҳорим гўзал бўлади.

* * *

Ўзимдан бошқага етмайди додим,
Ойдан ҳам йироқла ул менинг Моҳим,
Фақат ўзинг қўлла Қодир илоҳим,
Қаро кўзларимда ёшлар тизилгай,

Севги ришталари энди узилгай.

Эй, содда ёшлигим, кўзинг оч энди,
Раҳмоним яғонам бахтим оч энди,
Зиғирча юрагим бошга тож энди,
Ҳақ қайда, ҳақ қайда, тамом сезилгай,
Севги ришталари энди узилгай.
Қай кун ёрнинг камон қошига боқдим,
Унга ёқмадим-у, ўзгага ёқдим,
Кўзимнинг тубида тош қотди бахтим,
Тошнинг ҳам юраги оғрир жизиллаб,
Севги ришталари энди узилгай.

* * *

Тун бўйи қисирлаб синди нимадир
Дилимда - юракнинг ичида
Тун бўйи ўртаниб чикдим мен фақир,
Ораста туйғулар ўчидан.

Тун бўйи дилимга нелардир ботди,
Нимадир синади сабрим - қарорим
Тун бўйи ҳеч кимга сездирмай ётдим
Синди юрагимнинг қобирғалари,

...ва яна қайгадир кетмоқлик мумкин,
ва яна кимгадир қўлингни бермак
ва яна кимнидир мақтамоқ текин,
ва яна кимгадир бўлмоқлик эрмак

Тун бўйи ўзимга шуларни айтдим,
Тун бўйи ўз-ўзим чикдим койиниб
Ва яна ит каби яладим тинмай,
Дилнинг қобирғалар тилган жойини.

Тун бўйи нимадир синди қисирлаб
Дилимда - юракнинг ичида.

Рустам НАЗАР

СОБИҚ ПИЁДА

*Шатранж ўйини қондасига кўра,
ҳимоя томондаги охириги катакка
етган пиёда фарзинга алмаштирилади.*

Дадил эди,
ўзини
аямасди пиёда -
интиларди олдинга,
хавф бўлса-да зиёда!

Мақсадига эришди:
фарзин исмин олди у.

асосда воҳада адабий ҳаракатчанлик қайтадан жонланди, таржима мактабига пойдевор яратилди. Устоднинг Кубро, Бедил, Паҳлавон Маҳмуд каби даҳолар ижодиётини ўзбек китобхонига таништиргани ва Болтабой Бекматовнинг Пушкин қаламига мансуб «Моцарт ва Сальери» шоҳ асарини маҳорат билан ўзбеклаштиргани сўзимизга далилдир. Ўз навбатида хоразмлик шоирлар шеърятларидан намуналар рус, туркман, қорақалпоқ тилларига кўп ўтирилган.

Болтабой Бекматов воҳанинг энг чекка қишлоқларидан бирида, чорвачилик фермасида зоотехник бўлиб ишлар эди. Илк машқлари биланоқ устоднинг назарига тушди. Ёш шоир шеърлари рус тилига таржима қилиниб, Москвага жўнатилиди. Натига шу бўлдики, Б.Бекматов Москвадаги Адабиёт институтида таҳсил кўриб қайтди. Шоирнинг русчада чиққан китобига таниқли адабиётшунос Татьяна Бек сўзбоши ёзган.

Ҳозирги кунда Хоразмда қирқдан ортиқ истеъдодли шоирлар бор. Рустам Назар, Жуманазар Юсупов,

Шундан кейин
негадир
тез ўзгариб қолди у.

Рўй берса ҳам сал танглик,
энди дарров чекинар.
Уялмасдан
кимнингдир
орқасига бекинар!

Юргай турли йўлларга,
қочиб ракиб домидан -
айрилишга кўрқади
фарзин деган
номидан!

БАЙРОҚЛАР

Байрам куни алвон байроқлар
пештоқларни безади ёлиб.
Намойишдан кейин
негадир
улар бир-бир кўйилди олиб.

Бунга ҳеч ким ажабланмади,
ҳамма лоқайд эди теграмда.
Нахот,
зарур бизга байроқлар
осиш учун фақат байрамда?!



*Гавҳар
ИБОДУЛЛАЕВА*

* * *

Йўк, орадан ўтмади ҳеч гап,
Оғримани диллар ортиқча.
Биз ўйладик: малҳам бўлар вақт
Сал қийналдик, қуйиндик пича.

Кўтармадик залворин, тошин,

Эрта севиб, эрта тўйдик биз.
Бу дунёнинг ўн саккиз ёшин
Армонларга йўйиб кўйдик биз.

Энди нуқул бир-биримизни
Хотирадан қувмоқ бўламыз,
Кўнгилдаги доғ-сиримизни
Шу тилхатда ювмоқ бўламыз,

Яшаймиз мағрур, устивор,
Биз билмаймиз: ишқ гард-кўнгил гард.
Унутмоқлик душвордир, душвор,
Унутмаслик - энг бедаво дард,
Биз билмаймиз!...

НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Яшнагай бағрингда қаддим, гулистоним сен менинг,
Сен омонсан, мен омонман, эл омоним сен менинг,
Гар раво қил, норавоқим, ороми жоним сен менинг,
Гар жафо қил, гар вафоқим, дилистоним сен менинг,
Гар мени ўлтир ва гар тургузки, жоним сен менинг.

Билмадим қай кун туташди бағрима ўт, алҳазар,
Сочларинг занжирларига чирмашди жоним сар ба сар,
Эмди билсанг, билмасанг, девонаман, мен дарбадар,
Ҳоҳ раъно қад била борғил ёнимдин жилвагар,
Ҳоҳ кел қошимгаким, сарви равоним сен менинг,

Бу тароват, бу назокат, лабларим - олим сенга,
Чашми шамсим, ширин забон, шаккарим-болим сенга,
Лозим эрса ол бу жонни, ютқиздим-ей, золим, сенга,
Кўнглим ичра сенсену ишқинг не дей ҳолим сенга,
Чун бу янглиғ маҳрами рози ниҳоним сен менинг,

Дил бериб сенга гуноҳ қилдим, гуноҳим қилма айб,
Ўртаниб ҳажрингда қилсам розу фироғим қилма айб,
Сўзларингга бу зора қил раҳм, раҳм, қилма айб,
Жилва айлаб ҳар замон афғону оҳим қилма айб,
Ҳам сен - ўк чун боиси оху фиғоним сен менинг,

Кел, бу он ҳижрон қуёшин мансур қил, эй ҳаста жон
Сипқориб васл гулобин манзур қил, эй ҳаста жон,
Жилмайиб қуйган кўнгилни масрур қил, эй ҳаста жон,
Лаълидин бир-икки сўз мазкур қил, эй ҳаста жон,
Бори бу бир-икки дамким меҳмоним сен менинг,

Ойжамолинг домида сайд қилдинг мени, лек англағил,
Тегмасун захмим - чашбанд қилдинг мени, лек англағил,
Ошу нўшим ичмака бад қилдинг мени, лек англағил,

Шокир Бек, Сотим Аваз, Гулсара Худойберганова, Содик Иноят, Жумабой Матёқуб, Мадамин Қўчқор, Йўлдош Эшмурод, Гавҳар Ибодуллаева, Бахтиёр Маҳмуд, Сайёра Самандарова, Қудрат Бобожон, Насиба Жуматова, Шакаржон Ибодуллаева, Исмоил Оллоберган, Шухрат Мустафо, Адолат, Раъно Ромонова шулар жумласидандир. Бу шоирларнинг услуби бир-бирига ўхшамайди, қадимий ва навқирон воҳанинг рангин садолари қаламларидан томади, ташбеҳи, ифодаси шу ўлка табиатига менгазайди. Масалан, Даврон Ражаб ёзадики: *Хонам ичра капалак шаклида учиб юрар мен излаган ранг Ёзув усталимга кўнар нега истаса ичунга кўнар Тус ҳақида бирон фикрга келсанг яна ўзгарар капалак Хонам ичра капалак каби жиллолиниб учиб юрар Мен йўқотган ранг.* («Бир томчи юлдуз» китобидан.)

Давроннинг ижод лабораторияси «дерзалари» мумтоз шеърятимиз сари қараган. У шарқ ва ғарбни муштарак шаклда ўргангани, сўздаги «ранг»лар билан ишлайди кўпроқ. Бу бежиз эмас. - Негаки Давроннинг асосий касби рассомлик. «Хоразм» нашриёти тарафидан чиқарилган кўпгина китобларга муқова ишлаган.

Худди шу услубда ёзаётган, ғарб анъаналаридан кўра шарққа яқинроқ усулни танлаган шоир Маҳмуд Ражабнинг «Дард мавсуми» китоби воҳада шухрат қозонди.

Телбалардин гарчи рад қилдинг мени, лек
англағил,
Ким пари рухсоралардин танлагоним сен менинг,

Умидим гунчалар очди, дилрабо дебсен ани,
Кўзларимдин уйку қочди, чун шахло дебсен ани,
Чикди жони Гавҳарингнинг, бебаҳо дебсен ани,
Ўлди меҳрингдин Навоий, бевафо дебсен ани,
Эртаги нозик мижози бадгумоним сен менинг.

* * *

Бекишанман, аммо бандиман,
Гоҳо ғамли, гоҳо тантиман,
Гоҳо захар, асал-қантлиман,
Мен сени соғиндим, муҳаббат.

Бахтлар мандан йироқлаб кетди,
Хаёлимни тароқлаб кетди,
Мени ҳижрон кучоқлаб кетди,
Мен ҳижронни кучоқлаб ўтгум,
Мен сенга қоқиндим, муҳаббат.

Зулмат ичра ёруғ жаҳоним,
Жон оларим, ҳамда дармоним,
Буюк қувонч, буюк армоним,
Аввал-охир, бор-йўқ имконим,
Мен сенга топиндим, муҳаббат.

Йўлларим фироқни соғинди,
Қўлларим титроқни соғинди,
Юрагим ширин тулғоқни соғинди,
Мен сени соғиндим, муҳаббат.

Бекишанман, аммо бандиман,
Гоҳо ғамли, гоҳо тантиман,
Гоҳо захар, асал-қантлиман,
Бир умрга энди дардлиман,
Мен сени соғиндим, муҳаббат,
Мен сени соғиндим, муҳаббат...

Яши

Бахтиёр МАХМУД

Азим сарой ичра ўйлабман ўзни
Атабман номимни ғолиб шахзода.
Аччиқ тутунлардан юмилган кўзнинг
Ноаён рўёси ҳаддан зиёда.

Бериё тафаккур, тумандан ҳоли,
Дақиқа, руҳимда кўзғади исён.
Англадим адашган банда мисоли,

Йўлдош Эшмурод кум барханлари чўзилиб ётган, балиғи кўп мовий кўллари ўзига тортадиган Кўшкўпир кенгликларидида камолга етди. Шоир шеърларидан ана шу кенглик ҳидлари барқ уриб туради: *Ҳаммаси ажойиб Ҳаммаси яхши! Зангори осмон ҳам, Майин шабада ҳам, Кўчадан ўтаётган Машиналар овози ҳам ёқимли Чунки улар баҳорники Уларда қувонч бор Уларни баҳор силамоқда Яшил япроқлари, Майин бармоқлари билан.* («Соғинчли кунлар» китобидан.)

Қудрат Бобожон шеър ва ҳикоялар ёзиш билан биргаликда жамоат ишларида фаол қатнашмоқда. У «Оқбўри» телекомпанияси ташкилотчиларидан биридир. «Оқбўри» воҳа аҳли онгини чархлаётир, улар кўнглига нафис туйғулар ташиётир. Мана, Хоразм адабий муҳитининг жон томирлари!

Бу гапларни таъкидлаб мен элдошларимга «оқ йўл» тиламоқчимасман - зотан, уларга «оқ йўл» тиланган, улар аллақачон йўлдалар. Шунини айтмоқчиманки жумҳуриятимизнинг энг чекка гўшаларида боболаримиз руҳий оламига ворислик қилаётган бу гуруҳга улуг Огаҳий руҳи ёр бўлсин! Зеро, бу ёруғ дунёда вақт шамолларидан омон ўтган йўлларда сайрни давом эттиришдан-да улканроқ саодат йўқ.

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД

Дарбоза қошида турибман ҳамон.
Соҳибин кутламас ёпиқ дарвоза,
На ҳамла, на ҳийла бари бетаъсир,
Кучларим қирқилган, умидларим кул.

Фақат энг курашчан, фақат энг тоза,
Энг доно инсонга интиқ мунтазир,
Буюк даҳоларга очик экан ул.

2

Саройга ожизни қилишмас қабул
Нигоҳим қадалур тирқишлар аро.
Қулоғим деворга ёпишиб нукул,
Ғойибдан тинглади минг турли садо.

Замонни замонга улаган зотлар,
Бири шоҳ, бири кул, бири девона.
Насиҳат ўқийди бамисли падар,
Оғзидан чикқан сўз файласуфона.

Бу фоний дунёда ҳар бир тирик жон,
Яшаркан, нимадир қилишга мажбур.

Харакат тўхтамас, тортар бағрига
Тўхташ бу - ўлимдир, тўхташ бу - мотам,
Кимгадир ёмонлик қилиши мумкин...
Ҳеч кимга яхшилик қилмаган одам!

ЎТМИШ ДАҲОЛАРИГА

Тарихни ёритган куёш сиймолар.
Тақдир йўлингизга назар соламин,
Нақадар буюксиз, азиз боболар,
Сизнинг қаршингизда ҳали боламин.
Ҳали кашф этилмаётган оролдай
Умрингиз тилсимоғ, мавҳум бир олам.
Кўрмаганингизни кўрдик биз, аммо
Кўрмоқни истаймиз кўрганингиз ҳам.

ҚАНИ БАҲОРИМ

Қани менинг баҳорим?
Қайда ёз жазираси?
Қизил ҳамда зангори,
Рангларимдан айрилдим.

Энди бошдан оёғим
Сап-сарик мисли заранг
Қалитини соғинган,
Сандиқ кулфин босди занг...



Даврон
РАЖАБ

Кетяпман.
Йўк, бу зеркиш эмас, киши зерикса
эснайди, йиғламас.
Кетяпсан...
Асфальт четидаги ўтларнидек сочларим -
ни тебратади гўзал мусибат
Кўзларим сувдек бир хажмда тура қолмас
Шамол ғамза этиб итарар мени.
Мен туш кўряпман...

* * *

Энг кўрқоқ одам фақат ўзидан кўр-
қади, бошқалардан эмас. Бирдан сен
чикиб келган уй аксирса. Эшик отилиб
ерга тушса-ю уй мукка тушиб уйқуга
кетса!



Шакаржон
ИБОДУЛЛАЕВА

Гоҳи тонгим келар.
Гоҳи юз-ўгиргим,
Гоҳи ишонишни
Истамайман ҳеч,
Кўзим олдидаги
Бор ҳақиқатга,

Гоҳи зор бўламан
Кул бўлишгаям,
Хаёл қилганларим.
Йўк нарсаларга.

Бахт деб хайкираман,
Гоҳида дардни.





Шухрат МАХМУДБЕКОВ

ЁШ ОИЛА ТОШ ОИЛА БЎЛСИН

Жамоатчилик асосидаги кузатишларнинг баъзи жўлосаларидан келиб чиқадиган бўлса, ҳозирги кунда оилаларда, айниқса, ёш оилаларда рўй бераётган ажралишларнинг тўб сабабларидан бири оила бюджетидagi танқислик ва истеъмол учун зарур бўлган эҳтиёж молларининг етишмаслигидир. Бироқ, бу етишмовчиликлар оиланинг бузилишига сабаб бўлармикан? Ёки бунинг бошқа маънавий жиқатлари борми? Агар чўқур ўйлаб қаралса, ҳар бир киши учун зарур маънавий ва моддий неъматлар етарли. Гап фақат уни эгаллашда, бошқариш ва амал қилишда. Ҳозирги ёшлар мана шу жиқатларни чўқур ўйлаб мустақил турмушга қадам қўйсалар оиланинг бузилишига мумкин қадар чек қўйилган бўлар эди. У ёки бу оиладagi ҳар қандай етишмовчиликлар жамият ишлаб чиқаришидаги камчиликлар ёки нуқсонлар ҳисобланмайдди. Оиладagi мажоролар учун маълум бир жамиятни айблаш ва ундаги шарт-шароитлардан нолиш мутлақо нотўғри. Чунки, ҳар бир оила энг аввало икки ёшнинг ўзаро келишиви, биргаликдаги муносабатли ва ҳатти-ҳаракатли орқали вужудга келади. Шундай экан, бахтли ва бахтсиз дамлар, келишмовчиликлар, етишмовчиликлар энг аввало оила бошлиқларининг турмушга, ишга ва ҳаётга бўлган муносабатлари билан ўлчаниши керак. Биз кўп ҳолларда оилани мақалла тарбиялайди, апроқдаги одамлар тарбиялайди деган ибораларни кўп ишлатамиз. Лекин тарбияга бўлган бундай муносабатдан ёшлар тўғри жўлоса чиқариша олмаётми. Ёш оилалардаги ажралишлар пасаймаётми.

Агардех, биз у ёки бу оилада бўлаётган келишмовчиликлар ҳақида кўп гапирармиз, аниқо ана шу келишмовчиликлар қандай ижтимоий оқибатлар натижасида келиб чиқаётми, мана шу ҳақда камроқ мулоҳаза қилармиз.

Қолаверса, кўп ёшлар оиланинг муқаддаслигини, настьулиятини тўла чўқур тўшнуб етмаётдилар. Ёшлар оилани мўътабар эканлигини тўла англамай ўз ҳаётларига бефарқ бўлмоқдалар. Кимдир ўйлаб, кимдир ўйламай бу ўйда хато қилмоқда. Бу ачинарли вазиятни тўзатишда Бахт уйлари фаолияти ҳам қонқарли эмас. Улар ҳам ўз настьулиятини тўла тўшнуб етмайдилар. Тушунсалар ҳам ортиқча бош оғриққа тоқатлару ўй. Ёшларни бир-бирига кўнгли борми (аксарият ҳолда ота-она розилиги билан), уларда дунёнинг минг бир чигирқлари ҳақида тасаввур уйғонганлиги, бу ҳеч кимни қизиқтирмайдди. Бунинг ҳисобга олишмайдди. Берилган аризалар тўла қондирилади. Ҳали бирор марта эшитганимиз ўйқки, Ниқоҳ уйи мудираси иккита бир-бирига тибдий, руҳий, ёки ижтимоий ҳолати нозасидан ном-носиб бўлган ёшларнинг

аризасини қаётариб беришганини. Таассуфли жойи яна шундаки, оила кураётган бир-бирига кўнгли ўйқ ёшларни биз ҳам кўрамиз, лекин лоқайд қолармиз.

Германияда ажралиш бўсағасида турган оилаларни сақлаб қолиш мақсадида аёллар учун алоқиди, эркаклар учун алоқиди «Ҳовридан тўшнриш» уйлари мавжуд экан. Масалан, бирон бир оилада жанжал тўшнрили эр-хотини шу даражага дориб етдики, уларда бир-бирини кўролмаслик аломати пайдо бўлди. Ана шундай мўшкул вазиятда аёл ҳеч иккитанимасдан ўша «Ҳовридан тўшнриш» уйларига равона бўлар экан. У ерда аёлни юқори малакали психологлар, врачлар, тажрибали турмуш машаққатларида тобланган оналар кўтиб олишар экан. Бу ерга нажот излаб келган аёлга ҳамма шароит яратилар экан. Бу масканга эркаклар кўйилмас экан. Фақатгина ўша аёлнинг эри излаб келса, у ерда керакли суҳбатлар ўтказилиб, икки ёшни бир-бири билан қаётга қовуштириб оиласига қаётарар экан. Ҳудди шу сингари эркаклар учун ташкил этилган «Ҳовридан тўшнриш» уйлари ҳам фақат оиласидаги жанжал тўшнрили нажот излаб келган эркакларгагина хизмат қилар экан. Бу ўйга биронта ҳам аёл киритилмас экан. Ана энди ўзингиз ёш оилаларда бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай бахтсиз ҳодиса ёки ажралишларнинг олдини олишда хоршждаги ана шундай хизмат уйлариининг нечоғлик аҳамиятига эга эканлигини ҳис қилаётган бўлсангиз керак. Ҳўш, нега ана шундай хизмат уйлари бизда ўйлга кўйиш мумкин эмас? Бундай хизмат уйлариининг очилиши биринчидан, ёш оилалардаги деҳудда ажралишларнинг олдини олса, иккинчидан, у ерда кўрсатишган ва кўрсатиладиган руҳий хизмат тўшнрили ёшлар турмушга бўлган муносабатларини дутунлай ўзгарттиради, иродаси мустақкамланади ва ҳаётга бўлган фаоллиги янада ортади. Учинчидан эса, муҳаббат бу ширин тўшнри бўлибгина қолмасдан, балки тўшнри бўлмас қаётудан ҳам иборат эканлигини тўла англаб етади. Оилалардаги бундай қарашлар, муносабатлар ва тарбиявий жараёнларнинг тўла шаклланиши эса ўз навбатида оила мустақкамлигига олиб боради.

Ўйлаинизки, республикамизда ҳам оғир вазиятни кечираётган оилаларга ижтимоий хизмат кўрсатадиган муассасалар ташкил қилиш вақти келди. Улар оила хизмати деб номланиб ниқоҳ уйлари, ёки ЗАГСлар қошида ташкил қилиниши мумкин ва муҳтож одамларга турли-хўқўқий, ижтимоий, тибдий масалалар орқали ёрдам ҳанда амалий кўмак кўрсатишлари мақсадга мувофиқдир.



НИГОҲИМ - УҒҚДА ШАҲЗОДА

Мени етайлайди қайгадир ёғу
Мени етаклайди тўда оламон
Риску насибамга тўкилар оғу
Умримга қадалиб ўйга толаман.

Сен борсан овутдим ўзимни-ўзим
Шақилдоқ мунчоқлар онгимни юмди
Ясовул занжирга михланган кўзим
Умримнинг ишончли кунлари тинди.

Шамоллар тентирар, совуқлар синган
Чирсиллар бўғзимда юмалоқ бир дард
Арчилган ожизлик барига кўнган
Ғариб пешонамни силайди бомдоқ.

Сен борсан овутдим ўзимни ўзим.

2

Кузак совитолмас аччиқ тунимни
Деразам ортида ёлгонлар яшар.
Текинга алмашиб кўйдим кунимни
Қалтираб-қимганиб кун кўрар башар.

Буралиб, судралиб инграйди наво
Бу қандай интиқом букчайган тоғлар
Бўғзимга тутатиб тирмашар ҳаво
Саргайган сўзларни чўқийди зоглар.

Йўқотган кунларим чўнтагим йиртар
Тоқатим қалқонлар сел, довулларга.
Беҳаё қизларнинг кўзлари туртар
Шаҳардан қочаман мен овулларга.

Йўқотган кунларим чўнтагим йиртар...

ДОҲИЙ

Оҳ, севгимга қадалган тугён
Оҳ, севгимни бўяган ранглар.
Мен йиқилдим, йиқилдим ёмон
Тавонимдан оқмоқда қонлар.

Ҳасратларим тутдай тўкилди.
Оғриқлари қийнайди ҳамон.
Кўзларимга шуҳрат тиқилди,
Мен йиқилдим, йиқилдим ёмон.

Осмоним ҳам сийламай қўйди
Юлдузлар ҳам мендан бурканар
Сафдошларим кўксимни уйди
Тупроқ ҳамон мендан жирканар

Мен йиқилдим, йиқилдим ёмон.

...

Шукрки, бу кўнглим топ-тоза эди
Ҳеч нарсани раво кўрмади ҳаёт
Нигоҳим уғқда шахзода эди
Яна кўзларингни соғиндим фақат.

Тунлар ўтаверди тунлар кетидан
Суянчим, юпанчим эди менинг сўз
Кунлар ўтаверди кунлар кетидан
Мени кўриб ҳар йил эзиларди куз.

Юпингина танамни силарди шамол
Оёғимга раҳми келарди қорлар
Умидимни иситиб яшарди хаёл
Фақатгина писанд қилмасди борлар.

...

Уйландим...
Мунисгина хотиним бор
болаларим бор
лекин дардларимни
сенинг суратингдан бошқа
ҳеч кимга айтмайман.

Э Воҳ -
кундан кун
эскириб бормоқда
Сенинг суратинг

ШОИР

Бу дарахт жуда ҳам бахтсиз яшар
Тун билан артади кўз ёшларини
Бу дарахт жуда ҳам бахтсиз яшар
Силагинг келади унинг бошини.

Бу дарахт жуда ҳам бахтсиз яшар
Изгирин изтироб шамол қучади
Бу дарахт жуда ҳам бахтсиз яшар
Ойни газак қилиб шароб ичади.

МАЪНОСИ ОЛАМ-ОЛАМ..

Тилимиз нақадар тароватли, бой. Бир улуг адибимиз ҳаққоний тарзда эътироф этганидек, ўзбек тилида ифодалаб бўлмайдиган нарсанинг ўзи йўқ.

Мана, она тилимизга давлат тили мақоми берилганига ҳам тўққиз йилдан ошди. Шунини мамнуният билан қайд этишимиз жоизки, шу қисқа давр мобайнида ўзбек тили янада бойиди.

Албатта, ҳеч бир тил ихоталанган ҳолда, ўз-ўзича, фақат ички имкониятлари эвазигагина ривожланмайди. Тил тараққиётида баъзи ҳорижий сўзларнинг кириб келиши табиий жараён. Айрим ҳолларда тилни софлаштиришга, четдан кирган сўзларнинг муқобилини топишга уриниш кўнгилдагидек натижа бермайди. Мисол учун, асримиз бошларида поездни «оташ арава» ёки яқин йилларда ўзимизда «самолёт»ни «учок» деб аташга бўлган уринишларни эсланг...

Ҳар бир тилга чет сўз ўзидан кириб келмайди. Таъбир жоиз бўлса, ҳар қандай сўз йиллар синовидан ўтгандан сўнггина, тадрижий равишда маҳаллий халқ тилида, адабиётида ўз ўрнини топади. Бунга истаганча мисол келтириш мумкин. Хусусан, француз тилидан ўзбек тилига ўтиб қолган сўзлар мисолида.

Маълумки, «устаси фаранг» ибораси бизда қадимдан қўлланиб келинади. Бироқ туркий тили халқларда «ф» товуши билан бошланган сўзлар йўқ. Шарқда азалдан «фаранг» деганда француз ва умуман Европа халқлари тушуниланган. «Устаси фаранг» ибораси дастлаб соч олиб бўлгандан сўнг, атир селиб, мижозини елпиб кўядиган саргарошларга нисбатан ишлатилган. Бора-бора эса бу ибора ҳар қандай ҳунар устасига нисбатан ишлатилиб,

ниҳоят бугунги кунда ишлатилаётганидай кенг маъно касб этган.


Ёки бўлса ҳалиям оғзаки нутқимизда кенг ишлатиладиган «одеколон» сўзини олинг. Одатда у бизда «эркаклар ишлатадиган атир» маъносида келади. Аслида эса у француз тилидаги «eau de Colonne», яъни «Колоннинг суви» сўзининг сал бузилган шакли бўлиб, Колон провинциясида ишлаб чиқариладиган атир маҳсулотларидан бирининг номи билдиради.

Шунингдек, «антракт» сўзи ҳам французча «entre» ва «acte» сўзлари йиғиндисидан тузилган бўлиб, «спектаклдаги пардалар ёки кўринишлар орасидаги танаффус» маъносини беради.

Бизда, айниқса шаҳарда кенг тарқалган нон турларидан бири «батон» деб аталишини ҳаммамиз яхши биламиз. Ҳолбуки бу атама кўплар ўйлаганидек рус тилидан кириб келмаган. «Батон» сўзи французчада «таёк» маъносини беради. 30-40, ҳатто 50 сантиметр узунликдаги нонларни французлар метафорик тарзда «батон» деб аташган, ҳолос...

Хуллас, азиз ёшлар, тил бойлигимизнинг чек-чегараси йўқ. Она тилимиздаги ҳар бир сўз, ҳар бир ибора хусусида жуда қизиқарли тадқиқотлар олиб борилган ва бу эзгу иш давом этмокда. Умид қиламизки, сизларнинг сафингиздан ҳам бу соҳага қизиқадиган фидойи мутахассислар етишиб чиқади. Ахир, «Тилга эътибор - элга эътибор» деб бежиз айтишмаганку...

Тешабой АЛИҚУЛОВ,
Дилбар АЛИҚУЛОВА,
филология фанлари
номзодлари





Озода БЕКМУРОДОВА

ҚАЙҒУ ДАРЁСИДАН

КЕЛДИМ ЧЎКОЛМАЙ...

Мен сени ҳар куни кўргим келади
У. Азим

Мен сизни ҳар куни кўргим келади,
Бу оғриқ, бу лаззат жоним сўради.
Фақат кўзингизда ўлгим келади,
Фақат ўзингизга тўлгим келади.

Мен сизни ҳар куни кўргим келади,
Неки ҳукмингизга кўнгим келади.
Ҳар қандай ёзувдан тонгим келади,
Жисму жонингизда ёнгим келади.

Мен сизни ҳар куни кўргим келади,
Биза қачон фасли гулгун келади.
Битта қарашингиз жонимни олса,
Ўнта жонингизни олгим келади.

Мен сизни ҳар куни кўргим келади,
Мудом ёнингизда тургим келади.
Минг йилки сизники бўлгим келади.
Бахтнинг сочларини ўргим келади,

Мен сизни ҳар куни кўргим келади.

Гулгун фасларнинг нафаси билан,
Ҳажрингизда ўлмақ ҳаваси билан
Муҳаббатнинг олтин қафаси билан
Қўлларимни чўздим эҳсонингизга.
Раҳм айланг ишқи пинҳонингизга.
Манда вайронаман, вайроналардан.
Кўринг афсонаман, афсоналардан,
Дилимни кузатдим осмонингизга.
Гулдимни узатдим найсонингизга.
Куйганларга айтинг, келсинлар мана
Менинг қон кўксимни кўрсинлар, мана.
Ҳасратдан юз буриб кетсинлар мана
Афғонли гулларнинг чамани ўзим.
Умри ғамзорларнинг ватани кўзим.
Эй, ҳазрат Навоий уйғонинг энди,
Бу ишқ ҳайратидан тўлғонинг энди
«Лайли, Мажнунингиз» ким бўлибтурлар,
Бу ишқ қиссасига чўлғонинг энди.
Токи тинсин, «севдим» деган овозалар.
Очилмасин дийдор учун дарвозалар.
Манда вайронаман, вайроналардан,
Кўринг афсонаман, афсоналардан.

I

Ўйламанг!
Барибир унутолмайсиз,

Оловдек титраган нигоҳларимни.
Севги андуҳлари Танридай гўё,
Яқин қилаверар йироқларимни.
Манда осийдурман,
буюклигим шу.

Мунча санайверманг гуноҳларимни.
Манда юксақдурман англамг бир куни
Тавоф этадилар суякларимни.
Фақат сиз учун ман

Туфроқман абас
Уфқман шунчаки маҳв этилган
Вале, англамассиз!
Дунё англамас...
Юлдузли кечаман маънос кетилган..

II

Ҳажрингиз муқаррар ёмғирли кундай,
Бу на савдодирки бошимга тушди.
Нада фироқингиз битта кўнглима
Жоним-а,
Кўзим-а,
Қошим-а тушди.
Унутманг биз фақат ишқда аёнмиз
Ишқда сарбаладмиз, ишқда нолонмиз
Қора чечакларни бағрима боссам
Боғлари барқ урган яшил мезонмиз
Азизим!

Шоиру,

Давроним
Бир пас тўхтаб ўтинг, далли масканда -
Андижонга боринг - осмонга чиқинг
Мен ахир биттаман Ўзбекистонда
Мен ахир танҳоман Ўзбекистонда
Мен ахир ...Ёлғизман... Жунунистонда!

Нимадир эсимдан чиққандай,
Ниманидир унутгандайман.
Ортимда нимадир қолгандай.
Тортади умидвор нигоҳим.
Дўзах эшигига сирмайди.
Бир сизни севганим, гуноҳим.
Олов остонасин кучаман,
Куйган бағрим совутмоқ учун.
Товонимга осилмангиз, бас!
Ахир севмай яшамоқ нечун?
Нечун бунча юрагингиз кир?
Бунча ожиздирсиз одамлар.
Ниманидир унутгандайман...
Чорлаётир маънос қадамлар...

Озода БЕКМУРОДОВА 1975 йилда туғилган. ТошДУ нинг журналистика факультетини тугаллаган. «Дилрабо оқшомлар» китоби муаллифи. Ҳозир Ўзбекистон ойнаи-жаҳонига хизмат қилади. «Ёшлик»да илк бор чиқиши.



Йўлдош СУЛАЙМОН

Учинчи парда
Тўртинчи кўриниш

Олтинду дуру лаъллар билан безатилган тахтда ҳалифа Мўтасим ўтирибди. Унинг гавҳару тилло, олмослар қадалган тожи ярақлайди. Ҳалифанинг икки ёнидаги икки соқчи кичик қимирлатмайди. Атрофида вазиру вазаролар.

Мўтасим:

Кутула олмадим сира қайғудан,
Кутула олмадим икки туйғудан -
Бир-бирини инкор этади улар,
Бир куни бошимга этади улар.
Бир ишонч бўлса, бири шубҳадир,
Қайсиниси дилда топади қадр?!
Билмайман, билмайман, бошим ҳам қотган,
Илдизи кўксимга қайси вақт ботган?!
Бу уруғни қайси ярамас эккан,
Ўйламоғим керак, ўша ким эккан?!
(Ҳалифа ёнидаги мунажжимга қарайди)
Қани, не дейсиз, эй, Сиз, мунажжим.
Чеккада турибсиз сўзламасдан жим?
Дарак борми фалак илтифотидан?

Мунажжим:

Ҳеч бир ишора йўқ осмон қатида!

Мўтасим:

Ҳадиклардан ҳоли бўлмадим сира,
Типирчилаб дилни қиялпти хира.
Вазирларда йўқдир нега ахиллик.
Бир-бирини кемириб охир бахиллик -
Ўзига ҳам қолмас, ўзгаларга ҳам,
Бундан саройимга ёғилмасми ғам?!

(Мўтасим атрофидагиларга бир-бир қараб чиқади)

Гоҳ тадбир, сиёсату сулҳу муҳаббат,
Гоҳ таҳдид, шиддат ё афу мулозамат -
Илмини ўргандим, уни яратдим,
Гоҳ гофил, гоҳ одил номин таратдим.
Рухий оламиниз ҳоқимлари эй,
Рухий оламиниз ҳоқимлари, эй -
Яна қадамларни куйдирмасин чўғ,
Тавбанинг эшиги ҳамиша очик.

(Мўтасим вазирлардан бири-кичиқ жуссали кишига тикилади)

Сен, эй, Абу Амин жуда хурсандсан,
Сенга одамларни ўлдириш осон.
Вафода қиёссиз бўлиб турасан,
Шундай сўзлайсан-ки, ишонтирасан.
Дорга осилмади кимлар қасдингдан,
Қонхўр номин олдим Сенинг дастингдан.

Абу Амин:

Сизнинг ўйингиздир қулингиз ўйи!

АЛ-ФАРҒОНИЙ МУҲАББАТИ

Драматик достон

* Давоми. Боши ўтган сонларда

Мўътасим:

Одамлар ўлими сен итнинг тўйи.
 Сенга ёқмас шодлик, ёқмайди кулги.
 Бундай яшамокнинг маъноси шулки:
 Йиғлаб келиб, яна йиғлаб кетишлик,
 Лаззатли дунёни захар этишлик,
 Ал-Фазлдай суҳандон дорга осилди,
 Шундан юрагининг хаври босилди.
 Унинг маълумлиги сени сайратди,
 Шундай шоир кони сени яйратди.

Мунажжим:

Аё Амин ҳазиллашибсан газабланган эл билан.

Мўътасим:

Бир-бирига қўл бериб келаётган сел билан.
(Эшикоғаси қиради)

Мўътасим:

Ташқарида не гап бақиряпти ким?

Эшикоғаси:

Ал-Фазл мухлислари сизмас ҳеч ерга.
 Жаҳолатдан бари ботгандир терга.
 Ҳеч нима кўринмас қасоскор кўзга.
 Кўпайиб атрофни роса ўрашяпти, -
 Улар тўхмагчига жазо сўрашяпти.
(Халифа ўрнидан туриб, Абу Аминга яқинлашади)

Мўътасим:

Сендайлардан ўзи юрагим безган,
 Қандай кириб олдинг қаторимизга?!
 Ёняпти, ёняпти, таним ёняпти,
 Оламни куйдирар оловим тафти.
 Ёнган билан нега тугамапти?!
 Ўйлаб-ўйлаб охир қаловин топдим:
 Сени ҳозир дорга осишим керак.
 Шунда хиёл ором топади юрак.
 Жаллод!

Абу Амин:

Шоширманг, шоҳим, дод!
 Бошимизда турган хумо кушимиз,
 Пушлу паноҳимиз - ёлғиз кишимиз -
 Фақат ўзингиздир, фақат ўзингиз,
 Тўридир, тўридир бари сўзингиз.
 Шубҳалар ичида яшаганим рост,
 Бу - Сизга садоқат майлидан холос!
 Ўзингиз сўзлаган сўзни эслатай,
 Уқтирган эдингиз бизларга атай:
 Кўрқоклик қилибми ёки торғиниб,
 Қатъий этмай ўзин ваколатини -
 Халқнинг ҳуқуқини кенгайтирган шоҳ
 Кўксини тилади охирида "оҳ!"
 Юрагим қатини очиб сўзласам:
 Халифалик тинчтин кимки ўйласа -
 Хукмдор ҳуқуқин ҳимоя этар!

Мунажжим:

Иккисин тенг тутган муродга етар!

Мўътасим:

Кўрмай бу аблахнинг кўзин ёшини
 Олиб чиқиб узинг, унинг бошини.
*(Жаллод Абу Аминнинг бўйнидан ушлайди.
 Абу Амин шиддат билан Халифага юзланади)*

Абу Амин:

Бу қандақ бедодлик, қандай бедодлик,

Бу асли одамий хисларга ётлик!
 Ўз фикримдан ўзим очолмадим лаб,
 Сен пинҳон буйирган сўзни такрорлаб -
 Ёмон кўрганингни ёмонладим мен,
 Қаламинга қараб, одимладим мен.
 Ўша қанчаларнинг бошин еган сен,
 Жаллодга буйирдинг мени нега сен?!
 Сени чўчитарди шоирнинг тили,
 Мен эмас, ўзинг-ку унинг қотили!
 Ким айёр бўлолса, сен-ла топишди,
 Ўзингни эсрадинг менга ёпишдинг.
 Тўхта, эй, Мўътасим, бунча кўрқоксан,
 Аввал кўзларимга, қани, бир боқ сен!

Мўътасим (унга қарамай):

Амин оқлолмади ошу тузимни,
 Қани, жаллод тезроқ бажар сўзимни!

Мунажжим:

Кони бордир бизда Одам Атонинг,
 Такрорлаймиз биз ҳам баъзи ҳатони.

Мўътасим:

Кимни кўйиш, кимни сўйиш ўзимда.
(Эшикоғаси кўринади)

Эшик оғаси:

Яхё ибн Мансур сўрар ижозат.

Мўътасим:

Майли кира берсин, *(атрофдагиларга қарайди)* Сизлар-чи, озод!
 Қолсин бунда фақат эшик оғаси.

Яхё ибн Мансур:

Соҳибни шафқатим, эй, эрк паноҳи.
 Бу ерга етказар бахтлилик роҳи.

Мўътасим:

Тавонимни ялай бошлаганингда,
 Нима ўйлар ўтган эди ёдингдан.
 Эзсам бўлар экан сени ўшанда,
 Жонимдан тўйдирдинг, сен ҳам кушанда!

Яхё ибн Мансур:

Хунук кўринади садоқатлилар,
 Ёлғончилар эса яшадини билар.

Мўътасим:

Одам бўлиб сен ҳам никобингни еч,
 Бир он ўзинг бўлиб турганмисан ҳеч.

Яхё ибн Мансур:

Никобим йўқ Сизнинг ҳузурингизда,
 Кимлар агар чиқса, Сиз босган издан -
 Тўқимай-чапимай Сизга айтарман,
 Асли ҳолимга ҳам шунда қайтарман!
 Мана бу китобга Сиз ҳам бир қаранг,
 Ўзни зўрга тутиб турибман аранг.
 Ал-Фарғоний тузган мана, япти "Зиж",
 Ўйимга, фикримга ташлади ўқинч!
 Бундай бебошликка ким турар куймай?

Мўътасим:

Нима учун, сабаби нима?

Яхё ибн Мансур:

Зиж халифа Маъмунга боғлиқ!

Мўътасим:

Очқроқ айт, сўзла сиёғлик,
 Маъмун йўқ-ку, ахир у ўлгон!

Яхё ибн Мансур:

Маъмун зижги пойдевор бўлган -
 Фаргонийнинг ўшал зижига
 Ва ёзиб кўйилган унинг ичига:
 “Аз-зижул Маъмун ал-мум-тахон” дир у.
 Не хадди бор? Қандай сирдир бу?!
 Тортиқ этиб турса илмий инъомин,
 Шарафласа ҳамон Маъмунининг номин.
 Бу асли нўжўя босилган из-ку,
 Ахир Еру Осмон куббаси Сиз-ку?!

Мўътасим:

Унутмайди буни ҳеч-ҳеч Мўътасим,
 Лекин сезилмайди нафратли ҳисим.
 Садоқатни англатар ҳар битга сўзинг,
 Мени холи кўйиб, ўйлаб кўр ўзинг.
 Ул “Зиж”дан муғлақо қолмасин нишон,
 Юмушинг мазмуни қутқудир ишон!

Яхё ибн Мансур:

Битираман бари енгининг ичиди.

Мўътасим:

Чиндан ҳам тенги йўқ айёрсан жуда.

Яхё ибн Мансур:

Унинг бу сирини ечмоқлик керак,
 Фаргонийдан рости, кечмоқлик керак.

Мўътасим:

Бу ҳақда жуда кўп гапирдинг, аммо
 Уни хуш кўради Бағдодда ҳамма,
 Топган далилларинг етарли эмас.
 Йўқ этсак эшитган, майлига демас!

Яхё ибн Мансур:

Тахту бахтингизнинг душманидир у,
 Вақт ўтса тожнинг ҳам пушмонидир у.
 У қувватлар Маъмунининг одамларини!

Мўътасим:

Қувватларми Маъмун одамларини?!
 Итваччалар унга суянадимми?!
 Бунинг исботлашга борми одамнинг?

Яхё ибн Мансур:

Уларнинг кўпини йўлдан қайирдим,
 Содиклардан бири ҳозир шу ерда.

Мўътасим:

Қани, чорла уни! Сўзинг рост бўлса!

Яхё ибн Мансур:

(У Абу Машар Марғилонийни бошлаб қиради)
 Маъна, ўша Сизга фидоийи банда!

Мўътасим:

Қошки, ал-Фаргоний бўлса шарманда!

Яхё ибн Мансур:

Фаргоний чиндан ҳам ғаламус ҳислик,
 Билган илми эса, фақат ифлослик.
 Унинг сўзларидан анкиб турар бал,
 Уни тузатолмас ҳагто табобат!
 Ростини сўзласанг, обрўйинг ошар,
 Икболнинг кулмоқда, эй, Абу Машар!

Абу Машар Марғилоний: (Яхё ибн Мансурга қарайди)

Савдойи девона эмасман асло,
 Сўзимга жавоб бер қаддингни ростлаб!
 Ҳаёт деганлари хушбўй гул эмас,
 Сен айтганча, Яхё, ёки пул эмас.

Бошқаларни депсаб яшаш истаги -
 Кўнглингнинг бирдан-бир суянч дастаги?
 Сўзим такрорлар деб бўлма овора,
 Сирли қарашингдан юрагим пора.

Яхё ибн Мансур:

Абу Машар, қани, келиб қолди пайт,
 Ўйламаздан унинг душманлигин айт.
 Тахтга содиқлигинг изхорини қил,

Абу Машар Марғилоний:

Яхё ибн Мансур, сўзларинг маъкул!
 Халифа Мўътасим онаси Сулдон,
 Унга кўхна Мари бўлгандир ватан.
 Қадри ошди шундан туронликларнинг,
 Араблар яшириб эски кекларни -
 Кўтарилиб борди юракдаги ғам,
 Жойлашиб халифа саройига ҳам -
 Тиклангандай бўлди эгилган қаллар.
 Аста ошиб борди ҳам фикрий ҳаллар!
 Етиб Ал-Фаргоний сўровлари ҳам,
 Халифамиз кеча икки миллион дирҳам -
 Ажратиб юборди хазинасидан -
 Шошда битта канал қазимок учун.
(У Халифага қарайди)

Бизда, ҳазрат, Сизга душманлик нечун?!
 Устоз сизга жоғин беришга тайёр.
 Аммо уни суймас мана бу айёр!

Яхё ибн Мансур:

Кўрнамақ-кўрнамақ, ҳеч вафо қилмас!

Абу Машар Марғилоний:

Ал-Фаргоний фандир, фан жафо қилмас.
 Ёлгончининг дўсти ёлғиз айёрлик.
 Ундан йироқ юрар номусу орик!
 Жасоратлар ичра энг оғири илм,
 Орзу йўлин боши-охирини илм.
 Астрономиянинг яралишида,
 Бу фанни дунёга таралишида -
 Сиздаги донишлик катта йўл очди,
 Манаянги илм нуруни сочди.
 Йўлу йўринингиз тўқислигида
 Алломалар Синжор текислигида -
 Бағдодимиз фани шунчалар ўсиб,
 Ер меридианнинг бир градусин
 Узулигин ўлчаб чиқди олимлар!

Мўътасим:

Бу ишда айтнинг-чи, қатнашди кимлар?

Абу Машар Марғилоний:

Фаргоний жонга жон бердилар асли,
 “Байтул ҳикма”да-ку ижоднинг фасли.
 Мукамал жадваллар соз тузилиши.
 Ҳақиқий зағжирнинг пайдо бўлиши -
 Акду идрокнинг меваси шохим,
 Бахтимизга доим яшанг, илоҳим!
 Ал-Фаргоний Сизга дуводадиллар!
 Мана бунга ўхшаш юраги кирлар -
 Кўролмайдил Сизни, бари буюқларни,
 Топганини ўйлайди элга сулоқларни!
(Мўътасим Яхё ибн Мансурга савол назари билан қарайди)

Мўътасим:

Жавоб тополмайсан унга чамамда.

Яхё ибн Мансур:

Ёлгончилар бари Турон томонда.
Фарғоний устидан арз қилган ўзи,
Ҳар он никоблидир уларнинг юзи.
Теккандир устозин бирорга нафи,
Мени лол этипти тескари гапи.

Абу Машар Марғилоний:

Мени суҳбатига чорлаган пайти,
Турондан катта иш беришни айтиб -
Бу ерга келишга мажбур этди у,
Ҳазратим ҳақдидан ошиб кетди у.
Бир гап - устозингни ёмонла деди,
Ҳалифа ҳам бизнинг томонда, - деди.

Яхё ибн Мансур:

Ажам одамлари арабга душман,
Кеч бўлади ҳазрат кейинги пушмон!
Бизга фақат араб олими керак,
Арабга арабнинг таълими керак.
Бизларга беролсин арабий бир шаън!

Абу Машар Марғилоний:

Миллат фани бўлмас, дунёники фан!

(У Яхё ибн Мансурга кўрсаткич бармогини ўқталади)

Таши ялтираган жуда ҳам қип-қизил.
Чақнаб қуёш нурин кўрсатади юзи.
Хаёлга ҳеч кирмас ичин чириклиги,
Сохтадир чиройи, унинг йириклиги.
Сен ўша олмага ўхшайсан жуда ҳам,
Сенга ишонганнинг боши бўлади ҳам!
(У Яхё ибн Мансурга яна яқин боради)
Хатто руҳим танимни эзди,
Сендан ақлу идрок ҳам безди.
Мени мажбур этдинг бўзлашга,
Сен ҳақингда ростдин сўзлашга.

(Ҳалифа Мўътасим яқинига бориб, тиз чўқади)

Бу макон ирфондир, маърифатуллоҳдир,
Ниятингиз тоза, ниятингиз оқдир.
Бахтин топиб нурга чайилган ул танлар,
“Ё орифин биллоҳ” деб эъзозлаганлар!
Энг аввало Сизга тилаймиз соғлиқ,
Омадимиз фақат Сизгадир боғлиқ.
Марҳаматингизнинг соясидамиз,
Сизга содикликнинг ғоясидамиз!
Орада ҳеч нохуш шабода елмас,
Нурдан ўзга мужда саройга келмас!

Яхё ибн Мансур: (Ҳалифага қарайди)

Сўзлаяпман Сизга юракни тўкиб,
Исёндир, исёндир Туроннинг ўйи.
Аҳмад Фарғонийнинг тарафқоши кўп,
Бошимизга бало бўлар обрўйи.
Исёндир, исёндир Туроннинг ўйи.

Мўътасим:

Қани, икковинг ҳам кўзимдан йўқол,
Эй, эшикоғаси, ёлғиз ўзинг қол.
(Иккаласи чиқиб кетади)

Мўътасим: (ўзига-ўзи)

Дерлар “Иштонсизнинг ҳадиги чўпдан,
Зимдан таҳдид қилар кўпчилик кўпдан.

Тинчимайди Турон, тинчимас Эрон,
Кеча бостирилди Румдаги бўрон.
Дамашк, Бағдодда писанлар йўқми,
Менга қарши бўлиб ўсанлар йўқми?!
Кимни сўйиб, кимни осишим керак,
Қадамимни билиб босишим керак?!
Бошимдаги тожнинг энг содиқ ити.
Ўзим ҳам ранжийман уни ранжитсам,
Йўл-йўриқ топилмас ақлимни титсам!

Эшикоғаси:

Арабга айланиб кетган Фарғоний!

Мўътасим:

Бегонадир унинг барибир қони!
Аммо унинг изи абадий издир,
Уни маҳв этмокқа ҳукмим ожиздир.
Далил топиб агар бадарга этсам,
У ҳам қўлин силтаб, Бағдоддан кетса -
Энг аввало жоҳон шоҳлари кулар,
Буни тентакликка ёйишар улар.
Дунёнинг энг улуг одами ўша,
Бутун ал-Фарғоний яшаган гўша -
Бағдодга бағишлаб қалбин кўрини,
Қуёшдай сочипти фаннинг нурини!
Йўқ-йўқ, унинг кўнглин олишим керак,
Хаёлида дўст бўлиб қолишим керак!
Наҳот фаҳминг етмас Яхё ибн Мансур,
Ўйлаб кўр, охир бу - оддийгина сир.
(Мўътасим бир дақиқа жим қолади)
Фарғоний, Фарғоний, Аҳмад Фарғоний,
Минг афсуски, араб эмасдир қони!
(У ўрнидан туради, керишади)
Маънисиз ўйлардан увишди танлар!
(Эшикоғасидан сўрайди)
Йиғилиб бўлдимиз чақирилганлар?

Эшикоғаси:

Абадият қасрин остонасида,
Сизни кутишяпти жуда осуда.
Қаторда ҳорижлик меҳмонлар ҳам бор.

Мўътасим:

Бир базм қурайлик тарқалсин губор?
Эшитайлик яйраб, севи куйини.
Ўртани қизитсин сўзлар ўйини.
(Сарой задогонлари, шоирлар, олимлар тахт атрофидан ўз ўринларини оладилар)

Мўътасим:

Яна соғинч билан кутдим Сизларни,
Шодумонман кўриб, нурли юзларни!

Мўътасим:

Ёндирувчи сўзинг йўқ-ку, эй, шоир,
Ёзганигда ўзинг йўқ-ку эй, шоир.

Биринчи шоир:

Шоирлар, ширин сўз айтсангиз кимгадир,
Ва унинг олдида топсангиз гар қадр -
Умидвор кўзингиз пойлайди кўзини,
Шунга бағишларми шоирлар ўзини?!

Иккинчи шоир:

Шеър сотмадим, лекин очмас болаларим,
Хушомад нонидан йирок лолаларим.

Мўътасим:

Салтанат дийдасин, эй, Сиз хуш бўй гули,

Гулзорим тўғиси, кумриси, булбули -
Яна шеть ўқингиз, дилингизда не бор,
Кўнглингиз ичида қолмасин ҳеч губор.
Ўнг қўл фазилатин билишимиз тузук,
Не учун сўл қўлга тақилади узук?
(Халифа ўйлаб жим қолади)

Ал-Фарғоний:

Аҳли мажлис бунга, балки, кўшилар,
Фозиллар ҳаминша махрум кишилар.

Мўътасим:

Нимани ўғирлай олмайдди ўғри?

Ал-Фарғоний:

Илми!
Унга тегмас ажал ҳам!

Мўътасим:

Тўғри!
Яна битта савол ҳам донишлар фаҳмига:
Ким эришар ўзидан улуглар раҳмига?

Ал-Фарғоний:

Ким раҳмдил бўлолса ўзидан пастиларга,
Эътиборсиз қолмаса увоғу ҳасларга -
Эришади! Зое кетмас ҳар они!

Мўътасим:

Офарин, офарин Аҳмад Фарғоний
Аммо жуда зарур инсон бўлмоқлик,
Шунга эришмаслик тирик ўлмоқлик!

Мўътасим:

Сиз “Байтул ҳикма”нинг дилу жонисиз.
Дунёнинг илмдаги қахрамонисиз!
Хозир не хаёлда турибсиз ўзи?
Нималарни кўряпти идрокнинг кўзи?

Ал-Фарғоний:

Осмонга тикилганимда юрагимда ёнар ўт:
Ерга энг яқини Ойдир, иккинчиси Ўтаруд.
Учинчиси Зухро, тўртинчиси Куёш, офтоби бут.
Бешинчиси эса, Миррих, олтинчиси Аторуд!
Еттинчиси Зухал юлдуз, барининг бор ўз ўрни.
Кузатишу ўқиш керак билмоқ учун бу сирни!

Мўътасим:

Яна не ўйларни ўйламоқдасиз,
Дилингизда нени сўйламоқдасиз?

Ал-Фарғоний:

Баҳор юз очяпти йироқлашди киш,
Вужудимда яна ажиб ўйғониш!
Қайта жонлангандай томиримда қон,
Очилиб боришти Сиз билан имкон.
Ҳақиқат нелигин билсин авлодлар -
Уларга битайлик энг эзгу хатлар.
Йўқлик селобида оқиб кетмасин,
Уни ўчиришга кучи етмасин:

(Даврага ҳофизлар ва раққосалар кириб келишади. Шўх кўйларда раққосалар хироми кўзларни чақнатади. Шоирлар рақс тугаши билан бир чеккада тизилиб турган қизларга сўз айтишига шошилади)

Мўътасим:

Кани, эй, шоирлар не дейсиз бунга?

Иккинчи шоир:

Гўё тун хаёлим айланди кунга!
Янграб кетди беҳос дардли бир наво,

Кўнглим оғригига бўляпти даво.
Битта ишораси жонга талабгор,
Сездим пойлариди не йигитлар бор.
(Давранинг энг қари кишиси қўл кўтаради, қизларга қарайди)

Қария:

Менинг ширин-шакар ҳамроҳим-оҳим,
Сизни илғолмайди нурсиз нигоҳим.
Уйкуга ошиқдир бугунги туйғум,
Тунда кела қолган уйқуни севиум!
О, нозанин уйқу, нозанин уйқу,
Сенинг аразингдан яшайман кўрқиб!
(Қулга кўтарилади)

Учинчи шоир:

Ажиб ҳис уйғонди шодлик боғида,
Хаёлим яйради қиз кучоғида.
Гулдай лабин ўйлаб, лабимда “оҳ”лар,
Хушни ўғирлади момик томоқлар!

Биринчи шоир:

Аввал ичингдаги шайтонни йўқот,
Муҳаббатга шунда сига олар хад.
Хузур-ҳаловат деб ўйлайсан шуни,
Чаён санчганандай тошга нишини -
Ишқ азобин тортиш лаззатин билмай,
Висол йўлларини кўзингга илмай -
Кўзинг нега тушса-топташни ўйлаш,
Қип-ялонғоч фаҳш сўзларни сўйлаш -
Тўшакдан-тўшакка ўтиб ётганинг,
Чуқур ботқоқликка тамоғ ботганинг!
Нега менсимайсан аёқ зотини,
Кўргинг келмас унинг камолотини!
Сенга тинчлик бермас бебош эҳтирос!

Учинчи шоир:

Хушим ўзимдамас, сўзларингиз рост.
Бермагансиз, наҳот, ўзгага кўнгли?
Яшаш, яшашмиди хидламасанг гул.
Устоз кечирингу Сизда йўқдир шавқ,
Тамоғ бўлганингдир ололмасанг завқ.

Ал-Фарғоний:

Халқ ишонар ўзин ақлу кучига,
Халқ ўхшайди олтин кидирувчига.
Минглаб асар ичра қайси энг нодир,
Саралаб олишга ҳаминша қодир
Ва уни пардозлаб кўрсата олар,
Синовдан ўтгани абадий қолар.
Буюклар сўзига қор қилолмас вақт,
Элнинг хизматиға турар доим нақд!

Мўътасим:

Шошилмасдан ўйлаб чиқаринг ҳукм,
Дунёда энг аъло саҳоватли ким?
Қайси инсон кўпдан-кўп сочар зиё?
Яхшиликлар қилиб юрганларми ё?

Ал-Фарғоний:

Бундайлар ҳеч қачон айланмас ғовга,
Ёмонликни раво кўрмас бировга.
Юраги бўлмаган кишилар ҳар он
Юракни пеш қилиб сўзлаши ёмон.
Мард одам ҳаминша гапирар тўғри,
Хушомадгўй яхши кийинган ўғри!

Бешинчи шоир:

Эй, уфқлар султони, эй, Сиз, тарикул-ақл,
Хар башар бахтлидир-бўлолса Сизга кул!
(Эшикоғаси кириб келади)

Эшикоғаси:

Муборак изларин ўпмоклик учун,
Кутяпти Фарангушахоншоҳи Чин!

Мўътасим:

Фозиллар, шоирлар, хайр кўришгунча!

Овозлар:

Баҳра олдик тўйиб, яйрадик шунча!
(Хамма чиқиб кетади)

Мўътасим: (ўзига ўзи)

Яна хаёлимда ўша Фаргоний,
Наҳотки, йўлимга бўлолса мене?!
(Уқарсак уради, эшикоғаси киради)
Аҳмад Фаргонийнинг ортига қайтар.
(Эшикоғаси чиқиб кетади)
Ёлғиз сўзлашай-чи, бирор сўз айтар...
Ул зот дунёдаги энг доно одам!
(Эшик оғаси киради)

Эшикоғаси:

Аҳмад ал-Фаргоний қабул хонада!

Мўътасим:

Мен учун энг кадрли доим дил раъидир,
Кўнгли ул оқ бадан парилар истайдир.

Эшикоғаси:

Янги келди Турондан, ул Табаристондан,
Константинодану ҳам Арманистондан.
Хуросону Хиндийдан, Мағрибу Машрикдан,
Ўша олис Чиндан, ундан ҳам наридан -
Буларнинг ярмидан кўплари оқ бадан!

Мўътасим: (кулади)

Бирор нуқси йўқми яна танларида?

Эшикоғаси:

Нигоҳ жуда ўткир Зубайда париди!

Мўътасим:

Барин бир-бир кўриб, қайтиб чиқаман,
Маъкул бўлганини айтиб чиқаман!
Унгача Аҳмадни ўзинг ушлаб тур,
Зериктириб кўйма, кўнглин хушлаб тур!
(Мўътасим бошқа эшикдан чиқиб кетади)

Эшик оғаси:

Бошидадир Хумо қуши, бахт қуши.
Гўзаллар-ла ишрат энг зарур иши!

ПАРДА ЁПИЛАДИ

**Тўртинчи парда
Бешинчи кўриниш**

Учинчи кўринишдаги ҳолат. Ал-Фазор
ичкаридан чиқиб келади.

Ал-Фазор:

Билмадим не ўзи имон, диёнат,
Хатто фарқламасдим недир хиёнат.
Билмасдим инсоний оқибатларни,
Пул деб ўйлар эдим гўзал қадларни.
Билмасдим мухаббат борми ёки йўқ,
Билмасдим юракка тушадими чўғ.

Камбағаллик нима, нима муҳтожлик,
Менга улуг эди ким бўлса - тожлик.
Робияни излашим очди кўзимни,
Фаргоний танигди менга ўзимни.
(Кўча эшикдан Йаъқуб ал-Киндий келиб, ал-
Фазорни ҳайрат билан тинглайди)
Юрган йўлларимда, сўзимда хато,
Шу кунгача ўтган ўзимдан хато.
Кўлинг узун эди Яхё ибн Мансур,
Ва аммо барибир ўзим сендан зўр.
Шу йўлга тикилган ал-Фазор жони,
Билиб қўй ўртада бордир Фаргоний.
(Йаъқуб ал-Киндий йўталиб ўзини сездиради)

Йаъқуб ал-Киндий:

Сассиқ қапа ичра очилган гулдай,
Ёстик кучоклаган бечора тулдай -
Аламу армонга йўғрилган сўзинг,
Нега нолияпсан ўзингдан ўзинг.
Грҳо Фаргонийга тоғ деб қарайсан,
Гоҳ ҳамма одамни зог деб сайрайсан.
Нима бўлди ўзи сенга ал-Фазор?!

Ал-Фазор:

Ўзимдан ўз-ўзим чекканман озор!
Ёмон одам худди қозон қуяси,
Унга суяниб мен банди осий -
Юзим қора бўлди, қўлим ҳам қора,
Лаънатга қоришдим не диллар аро!

Йаъқуб ал-Киндий:

Сўзингни эшитиб хира бўлди таъб,
Нима қилиб қўйдинг, ўтди нима гап?!

Ал-Фазор:

Қора қилмишимни Фаргоний билар,
Унинг яхшилиги бағримни тилар.

Йаъқуб ал-Киндий:

Кўзингдан сезилар адоқсиз нидо!

Ал-Фазор:

Бугун Шаммасуя тепалигида
Кузатишяпти-ку куннинг куйишин.
Мен-ку тушунмайман буларнинг ишин -
Бошқа хаёлларда қотган суягим.
Нега бормадингиз Шаммосуяга,
Фаргонийнинг яқин одамисиз-ку?

Йаъқуб ал-Киндий:

У билан тенгма-тенг ишлаган биз-ку.
Бирга эдик, Кунни қузатдик бирга.
Баъзи тахминларни тузатдик бирга.
Оламон ўраган кейин афтидан -
Савол-жавоб қизиб қайтишмабди-да!

Ал-Фазор:

Эй, қани, ўтиринг, мана, мен борман.

Йаъқуб ал-Киндий:

Етиб келишгунча қайтиб келарман.
Китоб дўқонига қиришим лозим,
Масжида ўқийман пешин намозиң.
(Йаъқуб ал-Киндий чиқиб кетади)

Ал-Фазор: (қўшига қарайди)

Кун ҳам ўз ҳолига келиб олибди.
Дарвоқе пешин ҳам бўлиб қолибди.

(У жойнамозини олиб, ичкарига кириб кетади. Жим-

житлик. У ёқ-бу ёққа аланглаб кириб келган Яхё ибн Мансур таажжубланади)

Яхё ибн Мансур:

Хей, ким бор? Хей, ким бор? Нахот ҳеч ким йўк!
Одам шарпасидан хатто учкун йўк!
Қаёқларда экан ҳаром ўлурулар,
Ажалидан олдин гумдон бўлурулар!
(У яна у ёқ-бу ёққа қулоқ тутади)
Келади, барибир келар Фарғоний,
Мени кўрса чиқар яна фиғони.
Номин эшитиш ҳам гашига тегар,
Шундай улгайишин билганимда гар -
Нени хаёл қилсам этардим адо,
Йўқ қилиб ташлардим ўша Кубада!
Нега кутганимдай ўлиб кетмади,
Йўлларда ёки ем бўлиб кетмади?!
Темирдан эғанми унинг вужуди,
Ўлмаслик сувини ичгандай худди.
Эй, келиш осонми Бағдода яёв!
Оёқ тагидаги чумолидай ёв -
Тоғ мисол турибди бугун қаршимда,
Адашган эғанман ўзим аршимдан!

(Яхё ибн Мансур секин юриб, тамошабинлар билан юзма-юз бўлади. Чап тарафдаги хоналардан бирининг дарчасидан жойнамозини йиғиштириб, ўрнидан қўзғолган ал-Фазор кўринади, ўзини хилватга олиб, Яхё ибн Мансурга қулоқ тутади)

Яхё ибн Мансур:

Ҳар битга одамнинг ўзи бир китоб,
Уни ўқимокқа бера олсанг тоб -
Шунда юрагига кириб борасан,
Ажрага оласан оку қорасин.
Хукм ўқий олмасанг ўзинга ўзинг,
Бебурдлик либосин кияди сўзинг.
Робияни ўзим олиб қочганман,
Аҳмаднинг номидан дилин очганман.
Кейин ўзни тугдим ўтирлапгандай,
Хатоликлар ўтди кейинча, андай...
Аҳмад борасинда жуда адашдим,
Нимага шошдим мен, нимага шошдим.
Кўшиб юборибман хатто қарвонга,
Лаънат бўлсин ўша ҳовликқан онга.
Мўътасимга энди сўянниб бўлмас,
Ўша ал-Фазорни ўлдираман, бас.
Ўлдираман яна Абу Машарни.
Мен ким, истамасам улар яшарми?!
Уддалайман буни ўз йўли билан,
Пулга учарларнинг ул кули билан!
Эмиш, у дунёга устози соний,
Мен учун кўрқилчсан Аҳмад Фарғоний!
Араб осмонининг юлдузи бўлиб,
Хаёлимиз тунини қундузи бўлиб -
Ўзини кўрсатган Йаъқуб ал-Қиндий,
Суфеи бин Юсуф, ор йўқми жиндай?!
Аррам ибн ас-Асбаъ, ал-Фазл ал-Давла,
Нега индамайсиз ё борми ғовлар?!
Ҳиссам ал-Қалбийсиз, яна ал-Жихоз,
Дилингизда борми ахир бирор роз?!
Она миллатимиз шаънини ютказиб,

Олтиндан қимматли вақтни ўтказиб -
Юрибсиз Фарғоний оғзига қараб,
Сизга хайф тож-тахту Сизга хайф араб!
(Уиккала қўлини муит қилиб, асабий сийтайди)
Ўртамасин нега дилларни алам,
Ундан кўрқар хатто ҳалифамиз ҳам?!
(У тамошабинга илтижоли тикилади)
Уни ўз холига қўя олмайман,
Издан қолмайман, асло қолмайман!
Тортган азобимнинг шудир асоси,
Армон бўлиб қолмас аммо қасосим!
Робияни жондан ортиқроқ суйган,
Билишимча, ҳамон ишқиди куйган -
Бошқага сочмабди орзу-хаёлни,
Ўйлаб ҳам кўрмабди бирор аёлни!
Ҳамоқ Робияни дараклар эмиш,
Сўзлаганда кўзи яраклар эмиш.
Унинг Робияси тайинлик жойда,
Ҳар куйга соламан беролса фойда.
У қатта савдогар саройидадир,
Қисматида недир бўйишдир содир.
Қоҳирала яшар ўша савдогар.
Унга қаттароқ пул тўласам агар -
Бутун ихтиёрин берар қўлимга,
Не десам Робия юрар йўлимга.
Букилиб бўлгандир эҳтимол ул қад,
Суриштириб топиб, ёздираман хат.
Роса очтираман дилин қатини,
Танийди-ку ахир унинг хатини!
Ёзар олисдаман, Бағдоддаман деб,
Келасизми, Аҳмад бизлар томон, деб.
Ўйлаб-ўйлаб фикрим либосин кийди,
Иккаласи энди бир-бирин ейди.
Ал-Машар-ку сўзни кўнглидан узмас,
Кўрқадим энди у орани бузмас!
(Яхё ибн Мансур кета бошлайди. Ал-Фазор дарчадан сакраб тушади)

Ал-Фазор:

Қаёққа кетяпсан, тўхта мунофиқ!
(Яхё ибн Мансур ҳайратланиб, гоҳ ер, гоҳ осмонга қарайди. Ал-Фазор унинг олдига ўтиб, йўлини тўсади)

Ал-Фазор:

Кўчага чиқиш йўқ, эшиклар ёпик!

Яхё ибн Мансур:

Сени кўриб турганим чинми,
Ўзинг эмас, ёки бу жинми?!
Ул гуноҳкор қулоғинг динми,
Сўзларимни, хей, эшитдингми?

Ал-Фазор:

Нега боғиб кетаяпсан терга,
Не мақсадда келдинг бу ерга?

Яхё ибн Мансур:

Аввал сен айт савол жавобин!

Ал-Фазор:

Биласан-ку эмасманг тобе!

Яхё ибн Мансур:

Паноҳ сўраб кепсан-да, илгон,
Сирлашдингми Фарғоний билан?

Ал-Фазор: (ёлгон сўзлайди)

Ҳозиргина келдим уни сўроқлаб,
Учрашган чоғимда ўзимни оқлаб -
Бор гапларни айтиб, сўрайман узр.

Яхё ибн Мансур:

Сени кўриш унинг кўнглини бузар!
Алдаясан, кўрган бўлишинг керак,
Мени алдаясан, ўлишинг керак.
Сен тубансан, бирор сўзинг рост эмас!

Ал-Фазор:

Сезгим бор, ҳиссим бор, мен ҳеч хас эмас.
Мени тубан дединг менсимай қитдай,
Ўзинг ҳам эгасиз дайдингдан итдай -
Кун кўрасан ҳали, қани, шошмай тур,
Кўз мошдай очилар ҳаддан ошмай тур!
Яширмасдан сўзим якунин айттай:
Ўша тубанликка ўзингни отай!
Заҳарга айланар ошингу тузинг,
Пасткашларнинг кунин кўрасан ўзинг.

Яхё ибн Мансур:

Йўқдир сенинг оринг, йўқ сенинг эсинг,
Доғ туширдинг араб деган номга сен.
Янчилар барибир ниқобли юзлар.

Ал-Фазор:

Муаммо қилмасдан очикрок сўзла.

Яхё ибн Мансур:

Фуруринг, шууринг, ифтихоринг ким?
Ўзинг арабсан-ку, мадақкоринг ким?
Қуллар авлюдига тобе бўлишлик -
Тубанлар ичида тубан ўлишлик!
Гапни айлангирдинг савол сўрасам...

Ал-Фазор:

Ким тубан, ким пасткаш ҳали кўрасан.

Яхё ибн Мансур:

Ўйласам ҳамиша даврон сурибман,
Сенга алам қилар билиб турибман.
Дунёга келганман яйраб яшашга,
Иқбол қуши кўниб турибди бошга.

Ал-Фазор:

Энди довдирабсан, сен, эй, кўп шошма,
Кунингни кўрасан, ҳадингдан ошма!

Яхё ибн Мансур:

Эҳтимол кўрарман, балки, кўрмасман,
Ҳозир сен ер бўлсанг, мен ахир осмон.
Бошқа чиқолмайсан юрган йўлимдан,
Эндиги тақдиринг менинг кўлимда.
*(Яхё ибн Мансур ёнидан ханжар чиқариб,
унга урмоқчи бўлади)*
Тамомсан, ал-Фазор, етди ажалинг.
(Ал-Фазор унинг ханжар тутган қўлини ушлайди)

Ал-Фазор:

Мени ўлдиришга етмас мажолинг.
(Иккиси олишиб турганда ал-Фарғоний ва
унинг ҳамроҳлари кириб келадилар)

Ал-Фарғоний:

О, Яхё ибн Мансур, не бўлди Сизга,
Минг хасонат пойи қадамингизга!

Яхё ибн Мансур:

Сизга бўлган меҳрим дилимда тўлиб,

Яшаш гўшангизни кўрмоқчи бўлиб -
Келганимда уни учратдим ногоҳ,
Макру ҳийлалардан бўлайлик огоҳ!
Ёлгонни ўйласа, майли, ўйласин,
Оғзига сикқанин, майли, сўйласин.
Маълум-ку бу шайтон босиб ўтган из,
Эътибор бермаймиз, аммо унга биз.
Ҳалифага азиз иккимиз бирдай,
Шайтонлар шайтони огоҳ бу сирдан.
Сизни излашидан мақсади ўзга,
Ёв этмоқчи бизни бир-биримизга.

Ал-Фарғоний:

Ҳар кимнинг нияти ўзига аён,
Кўпайиб боряпти илону чаён.
Хурсанд чиққан эдим расадхонадан,
Юз ёруғ илмимиз топган маънодан.
Кўнгилсиз учрашув қутди кулбамда,
Тўйдим кўзлардаги ёлгончи намдан.
Сўзламоқ кишининг кўнглини ёзар,
Сўзланг, нега жимсиз, Сиз, эй, ал-Фазор?!

Яхё ибн Мансур:

Гапиролмай қолди мени кўрган чоғ,
Ўлдиromoқчи бўлиб, ўқталди пичок.
Тортиб олдим, мана, унинг қўлидан,
Кўпчилик олдида не дейди яна?
(Ал-Фарғоний ал-Фазорга қарайди)

Ал-Фарғоний:

Нахотки, нахотки, пичок Сизники?

Яхё ибн Мансур:

Ундан тортиб олдим, бу ўзиники!
Мен ундан, махлукдан қиламан хазар.

Ал-Фарғоний:

Сўзломмай қолдингиз нега ал-Фазор?

Ал-Фазор:

Ҳамма-ҳамма гапи ёлгон-ку бунинг!

Яхё ибн Мансур:

Кўзингни катта оч, тугади кунинг!
(Ал-Фазор ал-Фарғонийга жовдираб тикилади)

Ал-Фазор:

Нима дейишимни билолмай қолдим.
На йиғлай ва на кулолмай қолдим.
Биласиз-ку менда пичок йўқлигин,
Одам ўлдиришга ҳеч чоғ йўқлигин!
Сиз менга ишонинг дея олмайман,
Уни фош этишдан, аммо қолмайман.

Яхё ибн Мансур:

Ўша Робияни ўғирлаган шу!

Ал-Фарғоний:

Тўкилмасин ё раб, кўзимдан ёшим.
(У Яхё ибн Мансурга газаб билан тикилади)
Робияни харом оғизга олманг,
Унинг қутлуғ номин бозорга солманг.
Ялинаман мени кўйинглар холи,
Энг аввал иккинги кўздан йўқолинг.
Жаллодсиз, жаллодсиз, иккалангиз ҳам,
Сизга дуч келмаслик ярамга малҳам!
*(Яхё ибн Мансур билан ал-Фазор бирин-кетин
чиқиб кетади)*

Абу Машар Марғилоний:

Ўзида эмасдай ал-Фазор хуши.

Ха у тавбасига таянган киши!

Йаъқуб ал-Киндий:

Ҳақиқат тошига урилган боши,
Гоҳ етиб, гоҳ етмай турибди доши.
Унинг ҳам оғзидан тўшмас Робия,
Туришидан унинг вужуди куяр!
(Кучадан қайтиб келган ал-Фазор
ал-Фарғонийга яқинлашади)

Ал-Фазор:

Йўқ, устоз, вужудим куяр Сиз учун!
Яхёнинг сўзида йўқдир бирор чин.

Абу Машар Марғилоний:

Ўхшаши йўқ кучли туйғунга,
Сенинг ўша бору йўғинга -
Ақлинг энди яқинлашяпти,
Шунинг учун ёрқинлашяпти
Сўзларингнинг маънолари ҳам.

Ал-Фарғоний:

Ҳали ал-Фазорнинг қарашлари хом:
Даволамоқ зарур ҳали дилини,
Сўзлашга ўргатмоқ керак тилини.
Даволамоқ зарур руҳий оғригин.

Ал-Фазор:

Чидашим лозимдир энди барига!
Йўқол десалар ҳам ҳагто юзимга,
Сизларни деб яна қайтдим изимга!

Ал-Фарғоний:

Дилимдагин билиб қайтибсан яхши,
Ҳалиги сўзларим кўнглимнинг акси.
Яхё ибн Мансур-ла олишиб бўлмас,
Кўзига ўзгалар кўринар бир ҳас!

Йаъқуб ал-Киндий:

Ёшликдан биламан ўша Яхёни,
Арабдан ўзгага бегона қони.
Ўзингизни унга яқин тутапсиз,
(Шайхлар бағтолидан нима кутапсиз?)

Ал-Фарғоний:

Тўрларга ўралиб боряпти куним,
Вазирдай кўради ҳалифа уни.

Йаъқуб ал-Киндий:

Алоқали узинг бари-баридан,
Ўтсин маш-машалар биздан наридан.
Сиз билан дўстлашдим эсимни таниб,
Робия, Робия, дейсиз, у қани?
У йўқ ахир, унга дилни ёряпсиз,
Уни кутиб-кутиб қариб боряпсиз.
Бошқа аёл йўқми шундай оламда,
Йўқотинг хаёлни, кутилинг ғамдан.
Ул Яхё ибн Мансур учраган чоғда,
Хоҳи боғда бўлсин ё хоҳи тоғда -
Сиз ҳам, Робия ҳам керак эмас денг,
Ҳайронликдан бўлар кулоқлари динг.
Шунда тинч ёнади қалбингиз шаъми!
Ёяшаш маъноси фақат ўшами?

Ал-Фарғоний:

Ўша!

Йаъқуб ал-Киндий:

Нега унда илм қилиясиз?

Ал-Фарғоний:

Ал-Киндий, Сиз нега дилни тилиясиз?
Одамларга бўлган ишқим ичида -
Робия хаёли ҳар он авжида!
Эс-хушим кетмади ўзга малакка,
Илтижо этаман фақат фалакка.
Ошиқман ўшанга, Юлдузга, Ойга,
Ўзни бағишладим шундай чиройга,
Улар бир-бирига қоришиб кетган,
Билинг, ал-Фарғоний муродга етган.

Йаъқуб ал-Киндий:

Сизга хайрон қоламан, рост, туриб-туриб,
Хаёт билан хаёлни аралаштириб -
Робияни кутасиз, уни ёд этиб,
Яшаяпсиз бемалол ўзни шод этиб!
Хаёлда ўпасиз унинг изини,
Шунча алдайдимиз одам ўзини?!

Ал-Фарғоний:

Яна битта илмий ишни бошлаб қўйдим астойдил,
Қидиришдан, изланишдан таскин толиб турар дил.
Юракдаги муҳаббат ҳамма билиму кўрни
Яна осмон жисмлари ҳаракати ва ўрни -
Ҳақиқа янгича бир "Зиж" яратишга киришдим,
Кўлларимдан келганича ўргандиму тиришдим.
Ўтгиз бобдан иборатдир яратилган офтобим:
"Мажистийга киришнинг фаслари китоби"
"Етти иқлим ҳисоби" бор, бу ёшларга хатларим,
"Фазовий асбобларда... мармарнинг хизматлари"...

Йаъқуб ал-Киндий:

Ҳозир кўриб келган расадхонамиз.
Сизнинг изингиздан топган маъномиз!

Ал-Фарғоний:

Унинг ичида ҳам Робия бордир,
Жисму кучимда ҳам Робия бордир.

Абу Машар Марғилоний:

Кун булутни ёриб чиққандай бирдан,
Меҳмон келди, устоз, яна Мисрдан!

Ал-Фарғоний:

Мисрдан?
(Меҳмон кириб келади)
Хуш келибсиз манзилимизга!

Меҳмон:

Хукмдоримиздан саломлар Сизга!
Арзу ниятлари хапта битилган.
(Меҳмон мактубни Фарғонийга узатади)

Ал-Фарғоний: (хатни ўқийди)

Хурмату эҳтиром изҳор этилган!
(Кейин атрофга кўз югуртиради)
Бағдоднинг Мисрдаги ноиб туркдир,
Бу асли дилдаги пинҳоний кўркдир!
Исми Тўлин бўлган шу нойиб чорлаб,
Ота-онам руҳи йўлимда порлаб -
Иш бошлайман энди Қохирада ҳам.

Меҳмон:

Элиниг ярасига қўясиз малҳам!

Ал-Фарғоний:

Ўтган йил у ерга бориб келганман,
Аҳдимни айтганман шунда элга мен.

Меҳмон:

Хаётингиз ўтсин доим осуда!

Ал-Фарғоний:

Ердаги гўзаллик офтоби сувдан.

Меҳмон:

Нил сувин ичганлар куйиб кетганлар,
Нохак солиқлардан тўйиб кетганлар.
Хеч чора тополмай юрибди улар,
Бугун Сизни кутиб турибди улар.

Ал-Фарғоний:

Кўтарилса сувнинг сатхи гар баланд,
Солиқ солинади шу холга монанд.
Сув сатхи камайиб, кургоқ келса йил,
Ҳисоби бошқача бўлади!

Меҳмон:

Қойил!
Сув сатҳига қараб олинар солиқ.

Ал-Фарғоний:

Бу ишга ҳам мадад беради Ҳолик!

Меҳмон:

Нохаклик бағридан кутқаринг бизни,
Кўзларни тўрт қилиб кутамиз Сизни!

Ал-Фарғоний:

Нил дарёсин сатхин белгилаш учун
Ускуна ясашга сарфлайман кучим!

Меҳмон:

Бу иш дехқонларга канчалар фойда.

Ал-Фарғоний:

Учрашиб қолармиз келувси ойда!
Ўша Нил бўйича яна қайтаман!

Меҳмон:

Сизга яна битта хабар, айтгаман!
Тонгда Қоҳирадан Сиз қайтган кунда,
Бир мўйсафид мени йўқлади тунда.
Сизни излаб келган экан Ўзгандан!

Ал-Фарғоний (сергақлашиб):

Наҳотки, Ўзгандан, наҳот Ўзгандан?!

Меҳмон:

Қўллари ҳассасиз, қоматлари тик,
Соқоллари опшоқ, ўзлари тетик.
Аввал сўроқлаган бизни Бағдоддан,
Ҳозир Қоҳирада, - десалар, отдан -
Тушмасдан қамчинни уст-уст урганлар,
Қоҳира томонга йўлни бурганлар.
Сиз кетган эдингиз, эссиз Бағдодга,
Ўзганлик эканлар, тушди ми ёдга?
Яқин-ўрталарда қайтиб келар деб,
Ўша хуш шабада яна елар деб -
Нуроний отани ушлаб турибмиз,
Иззат қилиб, кўнглини хушлаб турибмиз!

Ал-Фарғоний:

Бу мужда тезлаштирар сафаримизни,
Кўзимга суртаман у босган изни!
Отам тирик, ё раб, отам тириклар,
Бу хабар қаддимни бутунлай тиклар!
Ҳай, дўстларим, қараб турибсиз нега?

Зар чопон ташлангиз меҳмон эгнига!

Меҳмон:

Саховатингизга устоз минг раҳмат!

Йаъқуб ал-Киндий:

Меҳмон ичкарига, қани, марҳамат!

(Йаъқуб ал-Киндий, Абу Машар Марғилоний, ал-Фазор ва бошқалар меҳмонни ичкарига бошлайдилар. Ал-Фарғоний ёлғиз қолиб, у ёқ-бу ёққа қарайди. У чап тарафдаги хона тоқчасида турган китобларни қўлга бир-бир олади. Ал-Фазор қайтиб чиқади)

Ал-Фазор:

Қоҳирага бориш худодан бўлди,
Энди хаётингиз кемтиги тўлди.
Тутинган отангиз, қаранг, ўшоқда,
Яна бир хабардан юрагим тоғдай...
Тушар бағрингизга санчилган тикан,
Робия Қоҳира шаҳрида экан!
Анпладим Яҳёнинг валдирашидан.

Ал-Фарғоний:

Тўхта-тўхта, қани, сўзла бошидан,
Ҳозир дарё оқар кўзим ёшидан.

Ал-Фазор:

Худо берган Сизга бу юк дошидан.

Ал-Фарғоний:

Сўзлама, сўзларинг бўлса гар миш-миш.

Ал-Фазор:

Битта савдогарнинг қўлида эмиш,
Бир бошдан қарайман савдогарларни.

Ал-Фарғоний:

Аяб ўтирмаймиз зебу зарларни.
Қоҳирага тезроқ кетмоқлик керак,
Ал-Фазор, тезроқ етмоқлик керак.
Ўзга қулоғига етмасин бу сир,
Қани, энди меҳмон хузурига кир.
(Ал-Фазор яна ичкарига кириб кетади)

Ал-Фарғоний:

Кераги йўқ асло йиғи-синининг,
Қани, энда бўлса сиғил ё ининг.
Ёлғиз эдим асли, яна ёлғизман,
Ҳатто жуфти ҳам йўқ - қор босган изман.
Робия, Робия, гафлатда қотдим,
Қандай қилиб жоним, сени йўқотдим.
Хаётимнинг сенсан ёлғиз юраги,
Бугун эшитилиб қолди дарагинг!
*(Хона дарчасини тўсган парда орқасидан
Робия кўринади)*

Сездингми, Робия, соғинганимни,
Олов қамраб олган жисму танимни.

Робия:

Рухий юрак ёрилгудай уряпти,
Йўлларимни Сиз томонга бурияпти.
Қочиб келдим, учиб келдим қуш бўлиб,
Жаннатда ҳам менга эсу хуш бўлиб -
Мухаббат дарсига яна чорлайсиз,
Беҳиштдан ҳам гўзал бўлиб порлайсиз.
Жаннат дўзахга ҳам сиғмасман.
Сизсиз тордир менга Еру кенг Осмон!

Ал-Фарғоний:

Хаёлингиз ўтган ҳар он танга лат,

Мени йўқлаб ҳар келишинг бир жаннат.

Робия:

Муҳаббатдан сўзлаб турар кўзингиз,
Менинг учун жаннат факат ўзингиз!

Ал-Фарғоний:

Хаёлингда, гидрокинда йўқ губор,
Хатто олган нафасингда севи бор.
Кўзларингда ёниб турар ҳарорат,
Сўзларингда ёниб турар ҳарорат!
Сенинг маъсум ва пок севгинг ҳайрати -
Умрим бўйи вужудимни яйратди.

Робия:

Сўзларингдан янграб дардли бир наво,
Синган руҳга бўляпти у даво!

Ал-Фарғоний:

Сенга ошиқлигим кўкартирди гул.

Робия:

Курашдан толмайди севилган кўнгул.

Ал-Фарғоний:

Шу ҳис билан ўзни кўрсатдим илмда,
Муҳаббат чироғи ёнар йўлимда.
Мана, кириб келдинг ўз оёғингда,
Тирикман сенинг ул маёғиндан.
Овозингнинг кучоғида турибман!

Робия:

Очилик мол топпаган гунчаман,
Ғоҳо-ғоҳо Куба томон учаман.
Ўша гўзаллигу ўша тароват,
Ичидан шарқираб сой ўтган равот -
Тугашиб кетарди жаннатий бокка,
Уланарди унинг этағи тоққа!
Чўккидан ховлига ташлардик нигоҳ!

Ал-Фарғоний:

Мен улгайган ўша гўша - бу, эй, воҳ!
Сойимиз шарқираб оқяптимикин,
Ёшлар унга биздай боқяптимикин?!

Ҳали ҳам гулзорми икки кирғоғи,
Югурардик навруз сеп ёйган чоғи.

Қирнинг тепасидан тушган шаршара,
Юзга сачрайдиган биллурий зарра -
Гўзалдир мен сурган ўйдан минг карра.
Ичимда айланиб юрибди наъра -
О, Куба кучоғи, Куба кучоғи,
Эй, сен муҳаббатнинг сўнмас ўчоғи!
(Ал-Фарғоний Робияга тикилади)
Сенинг кўзларингда кўраман уни.
Кундузга айланар қалбимнинг туни!

Робия:

Менинг ҳам кўнглимда шу гап бор эди,
Йўлларимиз боғу кенг гулзор эди.

Ал-Фарғоний:

Онамиз тилида сўзларди ҳамма,
Бўзласа шу тилда бўзларди ҳамма!

Робия:

Сизсиз татимайди менга боғу роғ,
Сизни кутиб, Сизга интизор чорбоғ -
Соғинчдан эзилиб кетибди жуда,
Гўё тор узилган куйининг авжида,
Боғ тўзиган беҳуш аёл сочидай.
О, Ахмадим, етолмадик ул дамга.

Ал-Фарғоний:

Севи умид бағишлайди одамга!

Робия:

Онамиз тилида сўзларди ҳамма,
Бўзласа, шу тилда бўзларди ҳамма!
Қирнинг тепасидан тушган шаршара,
Юзга сачрайдиган биллурий зарра -
Гўзалдир мен сурган ўйдан минг карра -
Ичимда айланиб юрибди наъра -
О, Куба кучоғи, Куба кучоғи!

Ал-Фарғоний:

Эй, сен муҳаббатнинг сўнмас ўчоғи!

ПАРДА ЁПИЛАДИ

(Март-Май, 1998 йил)



Ясунари КАВАБАТА,
Япония



ХОЛ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Ўтган куни кечаси хол ҳақида ғалати туш кўрибман. Сиз қайси холни назарда тутаётганимни сезган бўлсангиз керак. Ҳа, худди ўша, сиздан доимо таъна-ю дашномлар эшитадиган холим бору, ўшани айтаяпман. У менинг ўнг елкамда, аникроғи, гарданимда эди.

- Катталигини қара, майиздак келади-я! Ҳадеб ўйнайверсанг, болалаб кетади, - дея жигимга тегардингиз. Ҳақиқатдан, у катталигидан ташқари беўхшовроқ ва қандайдир шишинқираганмиди-ей! Ўрнимга ётдим дегунча холимни юлқилаб ўйнашга болалигимдан ўрганиб қолгандим. Биринчи марта бу одатимни пайқаб қолганингизда шундай уялиб кетгандимки, асти қўяверинг. Ҳатто ҳўнг-ҳўнг йиғлаб сизнинг ўтакангизни ёргандим!

- Саёко, яна ўз билганингдан қолмаяпсанми? Менга қара, қизим, ўйнаган сари катталашади, тегаверма ҳадеб, деб койирдилар онам. Лекин бу ўн тўрт, ўн беш йил илгари-қизлигимдаги гаплар. Бора-бора мен холимни фақат ёлғиз қолганда, ўшанда ҳам, беихтиёр эски одатим бўйича ўйнайдиган бўлдим. Ҳолбуки, одатим бўйича деб ҳам бўлмасди, чунки бутунлай унутиб юборгандим уни.

Сиз пайқаб қолиб, менга танбеҳ берганингизда ҳали ҳам болалигим қолмаган эканми - уятдан ер ёрилиб, ерга кириб кетгандим... Эркаклар бунини тушунишмайди, мен шунчаки уятдан эмас, балки гуноҳ қилиб қўйдим, деган хаёлда ҳатто эрга тегмай мен ўлай деб пушаймон ҳам бўлгандим.

Гўё сизнинг олдингизда шармандаю шармисор бўлгандим. Ўшанда энди бир умр юзимга соласиз, дея қўрққанимдан ўзимни қўярга жой тополмай қолгандим.

Кечалари, Сиз уйкуга кетгач, бошингиз ёстиққа тегди дегунча ухлаб қолардингиз - мен ўзимни жуда-жуда гамгин ва ёлғиз сезар, шу билан бирга бир оз бўлса ҳам, енгил тортардим. Шунда қўлим ўзимга итоат этмай холимга қараб кетаверарди.

Бир кўнглим онамга: «Хотиржам бўлинг, холимни ўйнамаяпман» - деб ёзиб юбормоқчи бўлардим, лекин очиги, номус қилардим. Иттифоқо бир куни:

- Бу холни бошинга урасанми? - дедингиз очикдан-очиқ кўрслик билан. Ўшанда мен бу фикрингизга қўшилган ва ҳатто қувонч билан маъқуллаган эдим. Ҳозир қанийди, шу дардисар одатим сизга жиндаккина ёқа қолганда, олам гулистон эди деб уйлаб қоламан. Чунки холнинг ортиқча оғир-енгиллиги йўқ эди - қўйлагим ёқаси оша ким ҳам қарарди. Тўғри, яшириқча айби бор қиз-қулфлоглик хона-ҳамманинг билгиси келади, деган мақолам бор - аммо наҳотки холим айб саналгудек эди?!

Ҳар ҳолда қачондан бошлаб ўйнайдиган одат чиқардим.

Ва нима учун одатим рашингизга тегарди?

- Ана холос, ана холос! - деб қачон қараса аччиғингиз чиққани етмай яна: - Дарвоқе, уни нега доим чап қўлинг билан ўйнайсан? - деб сўраганингизга ўлайми?

- Чап қўлим билан?.. Мен бу ҳақда илгари ҳеч ўйлаб кўрмаганим учун довдираб қолдим, ва:

- Шунини айтинг-а! - деб беихтиёр чап қўлимга қарадим.

- Холнинг ўнг елкамда бўлса, уни ўнг қўлинг билан қашиган осонроқ-ку?!

- Чиндан ҳам, - деб юбордим мен ва ўнг қўлимни узатиб кўрдим. - Йўқ, қандайдир ноқулай...

- Нимаси ноқулай?

- Чап қўл билан табиийроқ.

- Ахир ўнг қўлинг яқинроқ эмасми?

- Яқинликка яқин, аммо... бу қўлим бошқачароқ-да!

- Бошқачароқ деганинг нимаси?

- Бошқачароқ деганим... Қўлни олдиндан узатиш бошқа, орқадан узатган бошқа.

Ўша пайтларда мен энди-энди сизга гап қайтарадиган бўлиб қолгандим. Бироқ сизга тушунтира туриб чап қўлимни ўнг елкамга узатаётганимда, мен ўз-ўзини қучоқлаётгандай ва шу билан бирга сиздан нарироқ турмоқчи эканимни сезиб қолдим. Яхши эмас, дея ўйладим ва хижолат чекдим: - Лекин нега чап қўл билан тегиш мумкин эмас? - деб сўрадим иложи борича мулойимлик билан.

- Ўнг қўл биланми, чап қўл биланми, барибир, бу жуда бемаъни одат.

- Ахир.
- Ахир-пахир ийўқ, дўхтирга борсанг куйдириб ташлайди, деб сенга неча марта айтдим.

- Йўғ-ей, уят бўлар.
- Айтишларича, шу учун атай дўхтирга борадиган одамлар ҳам борми?

- Тўлиб ётибди!
- Балки уларнинг холи юзларидадир. Меникига ўхшаб елкасида бўлмаса керак.

- Ўзингиз ўйланг, дўхтирга бориб нима дейман? Борсам, у гап нимадалигини фаҳмлаб, эрингиз мажбур қиялпими демайдимми?

- Деса деяверсин! Хол ўйнаш одатидан қутулмайман дейсан, қўясан.

- Сал кўнглингизни кенгроқ қилинг, - дедим аламимга чидай олмай, - арзимаган холни деб уришаверасизми? Сизга оғирлиги тушаяптими?

- Менга оғирлиги тушаётгани йўқ. Фақат ҳадеб ўйнайверма.

- Мен жўртгага ўйнаётганим йўқ!

- Ўлгудай ўжарсан-да! Хўп деб шу ярамас одатингни ташласанг нима бўлади?!

- Ҳаракат қиялпман. Ҳатто тор ёқали кўйлак киялпман.

- Кийиб юргандинг, лекин ҳозир киймай кўйдинг, тўғрими?

- Майли, сизнингча ўйналпман дейлик ҳам, шунга нима бўпти? Бунинг нимаси ёмон?

- Нима қипти эмиш, ўйнаётганингни кўрсам, таъбим тирриқ бўлиб кетади. Шунинг учун илтимос қиламан, ўйнамай қўя қолсангчи?

- Нега таъбингиз тирриқ бўлади?

- Неғалигини тушунтириб беришим керакми? Уни ўйнама, бўлдимми? Бу ёмон одат, яхшиси, ундан шартта қутулиш керак - вассалом!

- Мен эътироз билдираётганим йўқ.

- Холингни ўйнаётганда ўзинг сезмайсан, ҳамма нарсани унутиб қўясан. Аҳволингни кўриб, одамнинг раҳми келади. Бир шўрпешона меровга ўхшаб қоласан!

- Меров?... - Кўнглимда балки шундайдир деган фикр кечди-ю, маъкул дегандай бош ирғадим. - Борди-ю бундан буён холимни ўйнай бошласам, аямай қўлимга уринг, хўпми?

- Бўпти. Лекин икки-уч йилдан бери арзимаган одатнинг баҳридан ўтолмаётганингдан ўзинг ҳам уялишинг керак.

Мен нима сабабдан «меровга ўхшаб қолишим» ҳақида ўйга чўмиб индамадим. Тўғри, қўлини нокулай тарзда кўтариб холини қашиётган аёлни кўрган одамнинг гаши келади. Уни гариб дейиш ярамайди, у эҳтимол чиндан ҳам, меров ва айни чоғда дунёда

ўзидан бошқа ҳаммани унуттандек таассурот қолдирар? Мен ўша лаҳзаларда кўзингизга ўзини жон-жаҳди билан оқлашга уринаётган расво хотиндай кўринган бўлсам ажаб эмас. Тўғри, айтдингиз, балки юзимда чиндан ҳам, алақандай меровсираганга ўхшаш ифода акс этар. Ўшанда ўртамизда бамисли тубсиз чоҳ пайдо бўлди-ю сизга кўнглимдагини тўкиб соломмадим.

Бу одат болалигимдан қолган эди. Шунинг учунмикин, беихтиёр холимни ушладим, дегунча бамисли ўзимни идора қилолмайдиган куйга тушардим. Ҳолбуки, ўша пайтда мени кўрган борки, дилимдагини дарҳол фаҳмлай оларди.

Сиз очиги, мени ёқтирмасдингиз, акс ҳолда бундай беозор одатим учун ҳадеб камситавермаган бўлардингиз. Мени яхши кўргангизда эди унга ортиқча аҳамият бериб ўтирмай, шунчаки кўнгли учун ҳазиллашиб қўяқолардингиз.

Базан юрагим сиқилиб, дунё кўзимга қоронғу кўришиб кетганда, менинг одатимни ёқтирадиган эркак зоти бордир, деган гап кўнглимга келар ва бундай ножўя хаёлдан ўша заҳоти даҳшатга тушардим.

Ўша одатимни биринчи марта сезиб қолганда, Сиз, чамаси, мени аяганингиз туфайлигина бу ҳақда гапирган эдингиз. Мен ҳозир ҳам бунга шубҳа қилмайман. Бироқ, эр-хотин сан-манга бориб қолса, ҳатто шунақанги арзимас икир-чикирлар ҳам уларнинг турмушини заҳарлаб, орага совуқчилик соларкан. Чунки, бир-бирига кўнгли қўйган эр-хотинлар бир-бирининг одатига кўникади. Тўғри, баъзан улар ҳам бошида анчагача чиқишолмай юради. Лекин, тўғри тушунинг, мен зинҳор-базинҳор бир-бирининг одатларига гаши келмаган эру хотинлар аҳил яшайди, аксинча, эртаю кеч ит-мушук бўлганлар бир-бирини ёмон кўради, демоқчи эмасман, асло, бироқ энди бўлса, ҳар ҳолда хотинингизнинг кўнгли учунгина яхши гап билан тасалли берсангиз ажойиб иш бўларди-да, дея армон қиламан.

Оқибат Сиз мени ҳеч аямай тўғридан-тўғри дўппослайдиган бўлдингиз. Сиз бунчаликка бормаслигингиз керак эди, чунки менинг айбим бор-йўғи холимни ўйнашим эди, холос, шунга одамни қийнаш яхшими? Мен кўпинча бекордан-бекорга калтакланганимга чидаёлмай йиглардим, бироқ Сиздан астойдил ранжимасдим ва «ҳеч бўлмаса ўзинг айт, сени бу одатдан халос этиш учун нима қилай?» деб куйиб-пишган пайтингиз бекорга хуноб бўлмаётганингизни тушунардим.

Мени қон қақшатганингизни битта-яримтага айтсам борми, аминманки, «эрингиз бунча золим!» деб қаҳри келарди. Лекин, барибир баҳоналар қанча арзимас бўлгани билан токи ўзга илож йўқ экан, хўрликдан

кўра калтакка чидаш осонроқ эди. Бир куни: «Мен бу одатимни ташлолмайман, шекилли, яхшиси кўлимни боғлаб қўйинг», - дедим-да худди ибодат қилаётгандек қафтларимни қовуштириб, кўлларимни узатдим. Шу билан бутун инон-ихтиёримни Сизга топширган эдим.

Сиз мулзам бўлдингиз, бўзариб-гезариб бармогимни ечдингизда, кўлимни боғлаб қўйдингиз.

Хўрпайган сочларимни боғланган кўлларим билан тузатишга уринаётганимни кузатиб турганингизда, кўзларингизга қанчалар илинж билан термулганимни тасаввур ҳам қила олмайсиз. Ўшанда наҳот энди одатимдан қутулсам дея ўйлаган ва шу заҳоти оҳ, қанийди, битта-яримта холимни силаб қўйса, деган истақдан капалагим учганди.

Одам қилолмаслигингизга кўзингиз етди шекилли, мендан кўнглингиз совуб кетди. Сиз билганини қилаверсин, дегандек, ўз холимга ташлаб, бошқа коймай қўйдингиз. Холимни ўйнаётганимда эса кўриб-кўрмасликка олдингиз.

Ажабо, шунча койишлар-у, калтаклашлар таъсир-фойда бермаган одат бирдан қолиб кетса! Мажбур қилишгани учун эмас, балки қандайдир осонгина, ўз-ўзидан...

Кунлардан бир кун, гўё бирдан эслаб қолгандек, сизга:

- Кейинги пайтларда холимга тегинмай қўйдим, - дедим.

- Ҳа-я, - дедингиз бепарвогина.

Мен ўшанда ҳамонки бу нарса Сизга шунчалик аҳамиятсиз бўлган экан, нега илгари бунчалар койир эдингиз деб таъна қилмоқчи бўлгандим. Ва агар шундай деганимда, аминманки, Сиз бу одатдан қутулиш шунчалар осон экан, нега илгарироқ ташламадинг, деб жавоб қайтарар эдингиз. Минг афсус, бу гаплар айтилмай ичимизда қолиб кетди.

Сизнинг юзингизда холингни эртаю-кеч ўйнамайсанми, менга нима, деган ифода аниқ-ошкор акс этадиган бўлиб қолгач, у тўсатдан мени қизиқтирмай қўйди. Рост, шундан сўнг сизнинг олдингизда жўртага ўйнашга уриниб кўргандим, бироқ ажабо ҳеч ҳам кўлим бормаган эди:

Кўнглим бирам гаш бўлди, бирам алам қилди...

Шунда холимни сизга билдирмасдан ўйнамоқчи бўлдим, ажабо: кўлим ҳамон ўзимга бўйсунмасди.

Мен бошимни қўйи солиб, аламимдан лабларимни тишладим. «Хўш, қани, айтчи, холингни нима қилмоқчи бўляпсан?» дейишингизга шунчалар илҳақ эдимки, ўшанда асти кўяверинг. Бироқ, ўша-ўша икковимиз бирон марта ҳам уни эслаб, тилга олмадик.

Шунга қўшилиб кўпдан-кўп хотираларимиз унутилиб кетган бўлса керак.

Эссизгина, шу одатимни Сиз дашном берган пайтларимда ташлаб юборақолсам бўлмасмиди. Мен чиндан ҳам, расво хотин эканман.

Энди ота-онамнинг уйида ўтирибман. Иттифоқо, бирга чўмилаётган пайтимизда онам тўсатдан:

- Ўзингга қарамай қўйибсан, Саёко! - деб қолдилар. - Ёш ўтган сари шу эканда!

Мен ажабланиб онамга қарадим. Онам аввалгидек дуркун ва бадани оппоқ эди.

- Холингдан совуб кетган бўлсанг керак?

Онамга шу дардисар хол туфайли бошимга не кунлар тушмади, деб ҳасрат қилгим келди-ю, бироқ унинг ўрнига:

- Врач огритмасдан холни кесиб ташлармикин-а? - дедим.

- Наҳотки, демак, врачнинг қўлидан келаркан-да... Лекин чандиқ қолмас эканми? - дея кўнгил учун азмойиш қилди онам. - Биз эса, эсимда, кўпинча Саёко эрга тегишга тегдию, лекин ҳалиям холини ўйнаётган бўлса керак, деб ўтирардик.

- Ўйнардим.

- Биз ҳам шундай деб ўйлардик!

- Бу ярамас одат эди. Айтингчи, одамга қачон хол чиқади?

- Дарвоқе, қачондан бошлаб чиқади? Чақалоқларнинг холига кўзим тушмаган.

- Ана холос. Лекин нима бўлганда ҳам йил сайин кўпайиб боради. Сенинг холинг эса жуда антиқа хол. Катталигини кўявер, у жимиттак болагингдан чиққан эди. - Онам менинг бўйнимга қараб туриб кулиб юборди.

Мен эса, ўша дақиқаларда ўзимча: Болагимда холим нуқтадек, онам-опам, укаларим вақтларини чоғ қилиш учун уни доим ўйнашган бўлсалар керак, дея ўйлаган эдим. Шундан бошлаб хол ўйнашга ўрганиб қолганмикинман?..

Ота-онамнинг уйида яшаётганимда ҳар куни ўринга ётишим биланоқ яна холимни ўйнай бошладим. Ким билади болагим, қизлик давримни кўмсаганимдандир, бу.

Унга неча йил кўл теккизмадим-а!

Ёнимда Сиз йўқсиз. Мен тортинмасдан уни чимчилаб, ўйнашим мумкин. Аммо, сира кўнглимга сигмаяпти. Холимга тегишим билан дурдай кўзларимга муздек ёш қўйилади.

Қизлик хотираларим ҳақида хаёл сурарман, дегандим. Ёдимга Сиз тушдингиз.

Вақти келиб Сиз барибир талоғини берадиган ношуд хотин, бадфеълаёл кўрпага бурканиб, холини ўйнаганча ёлғиз Сиз ҳақингизда хаёл сурса, жуда галати туйиларкан, шундай эмасми? Бундай бўлади деб ўзим ҳам ўйламагандим.

Кўзёшларидан ҳўл бўлган ёстиқни ўтириб ухлаб қолар ва ҳатто хол ҳақида туш кўрардим. Гўё Сиз, мен ва яна бир ноганиш аёл

алақандай - хонада уйгонгач қаерда эканини эслолмадим - ўтирган эмишмиз. Мен саке ичиб, сархуш бўлиб қолибман, шекилли, Сиздан бир нима ҳақида ёлвориб сўрармишман.

Дафъатан, дардисар одатим хуруж қилиб, тирсагим билан юз-кўзим аралаш кўкрагимни тўсганча чап кўлимни ўнг елкам сари узатибман. Холимни ушлаганимни биламан, кутилмаганда у оғриқсиз, бошқасиз узилиб чиқибди. Бармоқларим билан эзгилай туриб, холни синчиклаб кўздан кечирдим. У қайнатилган қора ловиянинг пўстлогига ўхшарди. Мен ҳол-жонингизга қўймай уни бурнингиз ёнидаги хол устига ёпиштиришингизни талаб қилармишман.

Кейин ўзим ёпиштираман деб, Сизнинг энгингиздан ушлаб тортибман ва қон-қон йиглаб кўксингизга бош қўйибман...

Кўзимни очганимда ёстик ўнгимда ҳам дув-дув оқаётган кўз ёшларимдан жикқа хўл бўлган эди.

Менинг бутун вужудим қақшарди, бироқ елкамдан тоғ қулаган каби ўзимни хотиржам сезардим.

Балки, чиндан ҳам энди холдан кутилгандирман, деб ўйладим оғзим-қулогимга етиб. Шунга қарамасдан юрак ютиб, ушлаб кўришга ботинолмадим.

Сизга айтиб бермоқчи бўлганларим мана шулар. Ҳозир ҳам ўша қора ловиянинг пўстлогига ўхшаш холга сира ғашим келмасди. Доимо кўриб турган бўлсам ҳам, бирёр марта у ҳақда огиз очмаган эди.

Агар майиздек холимни, мошдек холингиз устига қўйсангиз ва у ўса бошласа, хўп ажойиб бўлармиди.

Агар мен кўрган тушни кўриш Сизга ҳам насиб этганда борми, бошим кўкка етарди.

Тушим ҳақида ҳикоя қиламан, деб баъзи нарсаларни унутибман.

Ўрнимга ётгач, холимни ўйнай бошласам Сиз:

- Сен шунчалик меров, шўрпешонага ўхшайсанки... - деб гап бошлардингиз.

Азбаройи мени яхши кўрганидан шундай деяпти, деб ўйлаганимдан ич-этимга сизмасдим. Чин сўзим, шундай деб ўйлардим. Уят бўлса ҳам очигини айтишим шарт, ҳаловатимни йўқотганим, худди айнан холни ўйнаш одатида намоён бўларди, шекилли. Ўзимни оқлаш учун болалигимда овутаман деб онам ва опаларимнинг бунга ўргатиб қўйишгани баҳона бўла олади, холос.

- Илгари холимни ўйнасам, тоза уришардингиз, - дея гина қилдим бир куни онамга.

- Шунақайди... яқингинада эди.

- Мени нега уришардингиз?

- Нега дейсанми? Чунки у ярамас одат эди.

- Нимаси ёқмасди Сизга?

- Ким билади... - онам хаёл сурганча бошини қуйи солди. - Балки, одобсизлик бўлиб туйилгандир.

- Балки шундай ҳамдир... Аммо нимаси уят, мен меровга ўхшаб кўринармидим, ёки... Ўжар, ўзига бино қўйган аёлгами?

- Мен бундай деб ўйламасдим. Уни бунчалик берилиб ўйнамасанг яхшироқ бўларди, холос.

- Шу ёмон таассурот қолдирармиди?

- Ҳа, сен худди катталардек астойдил ўйнаётганга ўхшардинг.

- Ойи, сиз болалигимда опаларим билан мени овутиш учун холимга тегмасмидингиз?

- Тегардик, шекилли. Мен холимни хомушгина ўйнаган эканман, онам билан опаларим балки болалигимда суюб эркалаганликларини эслашга уринганимдандир?! Қадрдонларимни ўйлаётганимни холимга тегингандай фараз қилиш мумкин эмас.

Сизга яна мана шуларни айтмоқчи эдим. Эҳ, менинг одатимни бунчалар ёқтирмас эдингиз-а?

Сиз билан ёнма-ён туриб, холимни ўйнаётган чоқда ким ҳақида ўйлаган бўлишим мумкин. Сиз нима дейсиз?

Менинг галати хулқ-атворим, у шундай жаҳлингизни чиқарардики! - Сизга айтишга ботинолмаган севгим ифодасидир балки, - дея ўйлаганим ўйлаган.

Холни ўйнаш одати арзимаган нарса. Унинг учун одам ўзини ўлиб-қутилиб оқлаши шарт эмас. Аммо, «ярамас хотинингиз»нинг бошқа кўпгина қилмишлари ҳам Сизни яхши кўришидан келиб чиққан эди. Шунга қарамай Сиз ҳар гал менга ўринсиз таъна қилардингиз. Охир-оқибат мана шулар учун ўзимни жўртгага ярамас хотинлардек тута бошлаган бўлсам керак.

Ўлгудек қайсар, тутган еридан кесадиған хотин эканимни ўзим ҳам биламан. Нима қилай, ноҳақ тортган аламларни ўйласам, ўзимни тутолмай қоламан. Аммо, шунга қарамасдан Сиз мени тушунишингизни жуда-жуда хоҳлардим.

Олим Отахонов таржимаси.

ҚОҚИЛМАЙ ЮР, «САРБОН»



Хонанда бундан йигирма етти йил илгари Навоий вилоятида туғилган. Глиэр номидаги республика мусиқа мактабини, Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг «Халқ чолғу асбоблари» бўлимини тугатган. Айни пайтда «Ўзбекнаво» бирлашмасининг Тошкент вилояти бўлимида хизмат қилмоқда.

- Фарҳод, кўпгина хонандаларнинг овозлари, ижро йўллари, бир-бирлариникига жуда ўхшаб кетади. Тақлид билан ўхшашликнинг орасида қандай фарқ бор?

- Ўхшашликнинг ўзи, аввало, тақлиддан келиб чиқади. Овоз ўхшашши мумкин, аммо инсон ўз дардини ҳеч қачон бировникига ўхшата олмайди. Шунинг учун ҳам тақлид билан бошлаган кўшиқчи кейинчалик «ўз»ини қидира бошлайди.

- Кўшиқ куйлаш осон эмас. Аммо кейинги пайтлар бу иш ҳамманинг ҳам қўлидан келадиганга ўхшаб қолди. Бунга сабаб нима?

- Менимча ҳар бир инсон қўлидан келадиган ишни қилгани маъқул. Савдогар савдогарлигини, қассоб қассоблигини, ўқитувчи ўқитувчилигини... Кўшиқ куйлашга иккинчи касб ёки ҳавас деб қарамаслик керак. Ахир, санъат осонликча, зару зўр кўмагида эришса бўладиган ўткинчи нарса эмас-ку?!

- Кўпчилик бошловчи хонандалар битта кўшиқ яратиши биланоқ ойнаи жаҳонда

Танишинг: Ўзбекнаво гастрол концерт бирлашмаси томонидан бўлиб ўтган «Янги тароналар» миллий эстрада кўшиқ ва куйлар I республика танловининг ғолиби «Сарбон» гуруҳининг хонандаси Фарҳод Сағдов

кўринишга ошиқади. Сиз эса шунча йил мусиқа билан шуғулланган, лекин...

- Балан্দпарвозликка йўмангу, мен халқ хизматига бориб, эл назарига тушиб, уларнинг дуосини олишни ойнаи жаҳонда бир кўрингандан кўра афзалроқ биланман.

- Ўзбек эстрадаси ҳақида нима дея оласиз?

- Ҳамма халқларнинг, жумладан ҳинд, турк, араб, америка, мексика ва бошқа кўпгина халқларнинг эстрадасида ўзининг миллий оҳанги сақланиб қолган. Бизда эса негадир миллий оҳанг йўқола борапти. Бу миллий гуруҳ, ифтихор йўқолмоқда дегани эмасми? Масалан, ҳозирги гуруҳлардан бирортаси Европага бориб концерт берди, дейлик. У ерда қандай кўшиқ айтишади? Ахир, ҳеч бирида миллий колорит сезилмайди.

- Қайси эстрада хонандаларининг кўшиқларида сизнингча миллий оҳанг сақланиб қолган?

- Равшан Намозов ва «Туркистон» гуруҳининг хонандаси Улугбек Отажонов кўшиқларида шундай ажойиблик сезаман.

- Кўшиқларда миллий оҳанглари сақлаб қолиш учун хонанда нималарга эътибор бериши керак?

- Мусиқада Гармония деган фан бор. Бу фан ҳақиқий эстрада хонандаси ва созандаси бўлишга катта ёрдам беради. Миллий кўшиқларга ҳам тўғри гармония кўя олиш катта билим, савия талаб қилади. Шунингдек, инсонда мусиқани тинглай олиш қобилияти кучли бўлиши, шарқ ва ғарб оҳанглари кўп эшитиши керак.

- Кўпинча санъаткорлар бир-бирларининг санъатларини тан олишмайди. Нега шундай?

- Ўзининг санъатидан хавотирда бўлган одамгина ҳақиқий санъаткорларни қоралайди.

- Тўйлар санъаткорларнинг ахлоқиға таъсир қиладими?

- Иззат-икром, энг тўкин дастурхон - санъаткорга. Тўйлардаги табиати ҳар хил одамлар, у ердаги руҳий ҳолат... хулмас буларнинг бари

санъаткорга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Бундан таъсирланиб киши ўзини йўқотиб қўймаслиги лозим. Бунинг учун инсонда миллий одоб, исломий тарбия, сабр жуда кучли бўлсагина енгиб ўтиш мумкин.

- Бугунги қўшиқчиликдан кўнглингиз тўладими?

- Тўлмайди. Пулдор, аммо санъатдан беҳабар кимсалар қўшиқчи бўлиб кўринишяпти-ю, ҳақиқий истеъодлар эса кўзга кўринмаяпти.

- Фарҳод, мана яқинда «Янги тароналар» миллий эстрада қўшиқ ва куйлар I республика танловида қатнашиб, биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдингизлар. Танловда 31 та хонада ва гуруҳлар иштирок этишибди. Голиблик сири нимада деб ўйлайсиз?

- Сир оддий: гуруҳимиз аъзоларининг барчаси

ўз касбининг усталари, профессионал даражадаги созанда ва хонандалар. Адашиб-улоқиб кириб келганлари йўқ, 15 йилдирки профессионал ижрода ижод қилиб келаяпмиз. Қилаётган меҳнатларимиз қачон юзага чиқар экан, деб кўп ташвишланар эдик. Машаққатли меҳнат барибир ерда қолмас экан.

- Бошқа гуруҳлар, ҳам албатта катта тайёргарлик кўришган, меҳнат қилишган. Улар сизларнинг ютуқларингизга қандай муносабатда бўлишди?

- Биринчи ўринни эгаллаш, ҳамма муваффақиятга эришдим, дегани эмас. Ё бўлмаса ўрин ололмаслик ҳақиқий хонанда учун ижод жараёнини тўхтатиб қололмайди. Бу танлов барчамиз учун синовдан бўлак нарса эмас. Бошқа гуруҳ хонандалари бизни самимий қутлашди, ёмон муносабатда бўлишмади. Шунингдек танловда жуда кўп иқтидорли, талантли ёшлар иштирок этишди.

Матлуба ТЕМИР қизи суҳбатлашди

НАЗМ



Алишер НАЗАР

КўНГИМ ҚАНИ...

БОЗОРДАМАН

Бозор тўла тужжор... бозор тўла гам,
Расталарга териб қўйибман кўнглим.
Бозор тўла тужжор, қайрилиб боқмас,
Бунда харидордан даллол кўп, Тангрим.

Бозор тўла тужжор... кузатади Вакт,
- Кўнгил йўқ... тугаган... оввора бўбсиз.
О, менинг азизим, о, харидорим,
- Юрагимни қанча нархлаяпсиз сиз?

Бозор тўла тужжор... тиззагача лой,
Тортқилайди биров, туртар аллаким.
Оллоҳим, бозоринг... қанақа бозор,
Ахир қолмаяпман ўзимга ўзим.

* * *

Бизга беҳад ёлғон сўзлабди такдир,
Ишониб кемага чиқибмиз-а жим.
Бизни тўлқин эмас дарёга етмай,
қирғоқ ғорат айлаб қўйди севгилим.

Нега йиғламайсиз, нега мен жимман,
Наҳот тўқмоқликка йўқми, ёшимиз?
Топмай туриб йўқотиб ҳам бўлдикми,
Сигмадими, бир ёстикқа бошимиз?



Энди Сиз қаёққа, мен-чи... барибирмасми?
Аён-ку йўлимиз қировли, қорли,
Фақат... фақат айтинг, энди мен учун
Сизга бормас бўлган бирор йўл борми?

* * *

Тўлдим...
Тўкилмоққа битта юрак йўқ.
Бўм-бўшман...
Қайси дарёларга тўлғизай ўзим.
Кўнгил қани, кулмоқ қани, куй қани,
Билмам...
Қайси шамолларда бунчалар тўздим.
Ёдимнинг тор кунжакларида,
Бўрон!..

Умидларим ўлмоқда бехос.
Мени бўронлардан асрай олмайди,
Дунё - устимдаги увада либос
Тўлдим...
Тўкилмоққа паноҳим борми?
... Ким у йиғлаётган қафасин уриб?
Сизмисиз ё, дунёда йўғим,
Унда келинг...
Мен тупроққа тўкилмай туриб.

Муассислар:

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,
Ўзбекистон Республикаси ёшларининг
"Камолот" жамғармаси

Жамоатчилик кенгаши раиси:
Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгаши:
Ўрол АБИЛОВ
Келдиёр ИСРОИЛОВ
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ
Низомиддин МАХМУДОВ
Миркамол ОДИЛОВ
Нурмат ОТАБЕКОВ
Аҳмад ОТАБОЕВ
Кобил СОЛИХОВ
Йўлдош СУЛАЙМОН
Аҳмад УСМОНОВ
ШУКРУЛЛО

Бош муҳаррир:

Собир ЎНАР

Бош муҳаррир муовини:
Абдукаюм ЙЎЛДОШЕВ

Масъул котиб:
Ақбарали МАМАСОЛИЕВ

Тахрир хайъати:
Ҳотам АБДУРАИМОВ
Одил ЁҚУБОВ
Абдул Ғани ЖУМА
Абдусанд КЎЧИМОВ
Тўхтамурод РУСТАМ
Вафо ФАЙЗУЛЛО
Йўлдош ЭШБЕК
Муҳаммад ЮСУФ
Ғаффор ХОТАМОВ
Шодикул ҲАМРОЕВ

Ёшларнинг адабий-ижтимоий жўрнали
1982 йилдан чиқа бошлаган
Ушбу сон "Ёшлик" жўрнали тахририятининг
компьютер марказида саҳифаланди.

Саҳифаловчи:
Саодат ТЎЛАГАНОВА

© "Ёшлик" № 1 (165) 1999 й.

Муқоваларда:
1-бет. Баҳор. Ёшлик. Гўзаллик ...
2-бет. Зомин илҳомлари
3-бет. «Кумушбиби»
4-бет. Хонанда Анвар Санаев
(А. Жумаев фотолари)

ИЖТИМОЙ ОНГ. ДУНЁКАРАШ. ЁШЛАР

Шарофат АШУРОВА. Маънавият эҳтиёжи 1
ТААСУРОТ
Собир ЎНАР. Ҳам эътироф, ҳам тафаккур, ҳам
даъват 2

НАСР
Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ. Дарахт. Ҳикоялар 4
Уйғун РЎЗИЕВ. Атиргул. Роман 10
НАЗМ

Усмон ҚЎЧҚОР. Юрак, баланд дорга
осиқдинг 8
Собир ЖАББОР. Уйғонди ёлғонни
суймаган жиним 32

Муҳаммад ҒАФФОР. Ниғоҳим - уфқда
шаҳзода 44
Алишер НАЗАР. Кўнгил қани... 63

КЎНГИЛ БИТИКЛАРИ
Абдунаби АБДИЕВ. Кўхна қарвон
кўнғироғи 33

АДАБИЙ ДЎСТЛИК - АБАДИЙ ДЎСТЛИК
САЙЁР. Яхши одам билан ўн кун 35

ОЛИС-ЯҚИН ОВОЗЛАР
Сойларнинг сувлари асал бўлади 38

АЁЛЛАР ЙИЛИ
Шухрат МАХМУДБЕКОВ. Ёш оила тош
оила бўлсин 43

ТИЛ САНДИҒИ
Т. АЛИҚУЛОВ., Д. АЛИҚУЛОВА.
Маъноси олам-олам 45

БИРИНЧИ УЧРАШУВ
Озода БЕКМУРОДОВА. Қайғу дарёсидан
келдим чўқолмай 46

АЛ-ФАРҒОНИЙНИНГ 1200 ЙИЛЛИГИ
Йўлдош СУЛАЙМОН. Ал-Фарғоний
муҳаббати. Драматик дoston 47

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ҲАЗИНАСИДАН
Ясунари КАВАБАТА, Япония. Хол ҳақида
кўшиқ 58

САНЪАТ ОСТОНАСИДА
Матлуба ТЕМИР қизи. Қоқилмай
юр "Сарбон" 62

Манзилимиз: 700000, Тошкент, Жавоҳарлаъл Неру, 1-уй
Телефон: 133-40-83.

Босишга 12.11.1998 йилда рухсат берилди. Қоғоз формати
60x84 1/8. Шартли босма тобоғи 12,2. Нашриёт ҳисоб
тобоғи 12,0 Буюртма № 3274. Баҳоси келишилган нарҳда

Жўрналдан кўчириб босилганда "Ёшлик" дан олинди деб
изоҳланиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси "Шарқ" нашриёт-матбаа
концернининг босмаҳонаси, Тошкент, Буюк Турон
кўчаси, 41-уй.